


# ГУЛИСТОН

2  
1990







Акмал Икромов ҳайкали (Тошкент).

Р. Нурибоев олган сурат.



№ 2 (480)

Феврал

(Ҳут)

1990

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
нашриёти

Бош муҳаррир:  
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:  
Сарвар АЗИМОВ,  
Баҳодир АМИНОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Наримон ИБРОҲИМОВ,  
Ўктам МИРЗАЕР,  
Эргаш МУҲАММАД  
(масъул котиб),  
Шомурод СИДДИҚОВ,  
Саидмаҳмуд УСМОНОВ,  
Азиз ҚАЮМОВ,  
Оқилжон ҲУСАН  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир  
Т. Саъдулла  
Саҳифаловчи  
М. Абдуллаев  
Тузатувчи  
З. Турсунов


«Гулистон» — ежемесачный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33—35—20; бош муҳаррир ўринбосари — 33—35—90; масъул котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлиmlари — 33—36—59; мусаввирлар бўлиmlи — 32—58—77.

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. «Правда» кўчаси, 41.

Р. Нурибоев сурати

Қўйтош волфрам кончилари.



**БУ СОНДА:**



**Фозила СУЛАЙМОНОВА:**

Навий расмда кулча юзли, қирра бурун, калта қилиб олинган қизғиш соқол-мўйлаб, қобоқлари кенг этиб тасвирланган. Шоирнинг либоси ҳам ўзига хос — оқ кўйлак устидан ёқасиз мовий камзул, устидан узун энглик, пушти астарлик жигарранг чакмон, оёғида оқ чувак, бошида эса яшил дўппига оқ салла ўралган.

**Абдурраззоқ КАРИМОВ:**

Жумҳурият ҳукумати ташаббуси билан қишлоқ аҳолисига кўрсатилган бу амалий ёрдам биз меҳнаткашларнинг мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш ишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади, — дейди томорқа учун ер олган колхозчи Боқижон Ботиров.

**Шомурод СИДДИҚОВ:**

Оилада ўғил боланинг соғлом ўсиб, жанговар хизматга лаёқатли бўлиб етилиши, сирасини айтганда, йигитнинг ўзи учун ҳам, унинг ота-онаси учун ҳам фахр. Мабодо, фарзандингиз касалманд бўлиб, у ҳарбий хизматга лаёқатсиз бўлиб чиқса, унда сиз бошқалар олдида ўзингизни маънос тортасиз.



# СЪЕЗД САБОҚЛАРИ

(1989 йил 12—24 декабр кунлари Москвада СССР Олий Совети II съезди бўлди)

Мамлакатимиз тараққиётида тарихий аҳамият касб этган СССР халқ депутатларининг биринчи съезидан олган таассуротларимизнинг ҳовури босилмасдан халқ ноиблари яна улугъ анжуманга йиғилдилар. Гарчи съезд расман 12 декабрда иш бошлаган бўлса-да, узоқ-яқиндан Ватанимиз пойтахтига эртaroқ ташриф қила бошлаган халқ депутатлари орасида турли мавзуларда баҳс ва мунозаралар қизиб кетди. Улар мамлакат аҳамиятига молик бўлган масалалар юзасидан фикрлашиш, тортишиш, бир сўз билан айтганда, қайта қуришнинг илғор ҳаракатлантирувчи омилларини ҳал қилиш учун бу ерга улкан режалар, катта умид билан қадам қўйдилар. Съезд бошланишини сабрсизлик билан кутаётган депутатларимиз бир кун аввал депутатларига мадад, руҳ бағишлаш учун пойтахтга келган ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказдилар.

Ниҳоят, 12 декабрда Кремлнинг Съездлар саройи халқ фарзандларини ўз бағрига олди. СССР халқ депутатлари иккинчи съездининг биринчи мажлисини очиқ деб эълон қилган СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев йиғилганларни қутлаб, табрик нутқи сўзлади. Съездлар оралиғидаги ярим йиллик муддат мамлакатимиз ҳаётида муҳим синов даври бўлди. Чунки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳар дақиқа жамоатчиликнинг назарида турди. Аҳолининг моддий-маънавий, иқтисодий масалалар билан боғлиқ талаб ва истаклари қисқа вақт оралиғида кескин ўнгланишни тақозо қилар, ечимини кутаётган муаммоларнинг эса кети кўринмас эди. Утган давр мобайнида бўлиб ўтган СССР Олий Советининг сессиялари ана шундай долзарб масалаларни атрофлича таҳлил қилди. Съезд ишига мустаҳкам асос яратилди. Мамлакат аҳли Совет ҳокимиятининг янги парламенти ишини кузатди.

Съезд СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди секретариатини тасдиқлади. Шундан сўнг съезд иштирокчилари кун тартибидаги «СССР Халқ депутатларининг биринчи съезидан кейин сайланган СССР халқ депутатларининг ваколатларини тан олиш ҳақида»ги

биринчи ва «Иқтисодни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳот босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципаал ёндашувлар тўғрисида СССР Министрлар Советининг доклади ҳақида»ги иккинчи масалани бир овоздан маъқуллади. Аммо қолган масалалар юзасидан мунозаралар қизиб кетди. Айниқса, «СССР Конституцияси (Асосий Қонун)га сайлов системаси масалалари юзасидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги учинчи бўлим кескин тортишувларга сабаб бўлди. Бир қанча депутатлар кун тартибига Конституциянинг олтинчи моддасини қайта кўриб чиқиш масаласини ҳам киритишни талаб қилдилар.

Шу тариқа Съезднинг кун тартибига қўйилган қолган олти бўлими ҳам халқ депутатлари томонидан тасдиқланди.

Съезд ишида иштирок этаётган жумҳуриятимиз вакиллари-нинг бир қадар фаоллашгани пайдар-пай кўзга ташланиб турди. Ҳаммамизга маълумки, ўтган биринчи съездда ўзбекистонлик депутатлар, очиғини айтиш керак, маъмурий буйруқбозлар таъсирдан чиқиб кета олмагандилар. Акс ҳолда жумҳуриятимиздаги умумиттифоқ миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг талайгина қисми съезднинг кун тартибига киритилган бўларди. Утган съезд ва СССР Олий Советининг бўлиб ўтган сессиялари том маънода халқ депутатларининг жиддий суратда фаоллашувларига олиб келди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси депутат Мирзаолим Иброҳимовнинг иккинчи съездда сўзлаган нутқи ўзининг батафсиллиги, ошқоралиги билан қадрлидир. Мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолган жумҳуриятимиздаги иқтисодий танглик сабаблари атрофлича, асосли таҳлил этилган мазкур нутқда биринчи марта пахта, жун, пилла каби хомашёларга давлат буюртмаси адолат юзасидан бўлиши кераклиги съезд минбаридан янгради. Шунингдек, жумҳурият табиати билан боғлиқ масалалар — Орол ва Орол бўйидаги танг аҳвол умумиттифоқ миқёсида ҳал этилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакат иқтисодини соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳот босқичлари ҳақида қилинган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг доклади юзасидан сўзга чиққан ўзбекистонлик депутатлар А. Р. Отажонов, М. А. Сарсеновларнинг мазмунли нутқларида ҳам жумҳурият ҳаётига оид муҳим масалалар кўтариб чиқилди. Айниқса, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, депутат М. М. Мирқосимовнинг съезд минбаридан сўзлаган нутқда халқ дилидаги муҳим гаплар ўзифодасини топди (Қуйида нутқни тўлалигича эътиборингизга ҳавола этаётибмиз).

Съезд ишида фаол иштирок этаётган ўзбекистонлик депутатлар фаолияти ҳақида сўз кетар экан, албатта, ҳурматли ёзувчимиз, СССР халқ депутати Одил Ёқубовнинг жонкуярлигини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Унинг марказий телевидение мухбирлари саволларига берган жавобларидан ҳам съезд ниҳоятда мураккаб, баъзан асабий аснода кечаётганлигини, депутатларимиз съездлар саройидан ташқарида ҳам бир минут халқимиз манфаатидан ўзга нарсани хаёлларига келтирмаётганлигини ҳис этдик ва халқимизнинг жонкуяр фарзандлари фаолиятидан қониқиш ҳосил қилдик. Бундан ўзгача ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки, кейинги йилларда Марказий матбуотларда, ҳатто съездда сўзга чиққан,

жумҳуриятимизнинг ички иқтисодий аҳволини яхши билмайдиганлар ҳам ўзларининг турли-туман асосиз қарашларини Ўзбекистон билан боғлаб гапиршни, халқимиз шаънига ўринсиз таъна-маломатлар ёғдиришни одат қилиб олдилар. Айрим мутаассиблар бир гуруҳ порахўр ва товламачиларнинг ишини «ўзбек халқининг иши», деб талқин этишдан ҳам уялишмади. Утган съезддан кейин СССР халқ депутати Рой Медведевнинг чет эл матбуотида берган интервьюсида ўзбек халқи шаънига ёғдирган бемаъни бўҳтони ҳаммасиникидан ошиб тушди. Фарғона воқеаси атрофида бўлиб ўтган «дудув» гапларнинг оқибатини-ку қўяверасиз.

СССР Халқ депутатларининг иккинчи съезди минбаридан туриб маъруза қилаётганлар орасида ҳануз Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳаётидан мисоллар келтириб нутқини беаётган калтабинлар учраб турибди. Шу ва шу сингари қарашларга кўксини қалқон қилиб жумҳуриятдаги ҳақиқий иқтисодий, маънавий аҳволни улугъ минбардан туриб баён қила олиш, халқ шаънини ҳимоя қилиш вазифаси бизнинг ишонган депутатларимиз зиммасида

Эстониялик СССР халқ депутати М. Л. Бронштейн съездда ўзбекистонлик депутатларнинг жумҳуриятдаги иқтисодий аҳвол, пахта яккахокимлиги оқибатлари, экологик вазият, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-



СССР халқ депутатларининг II съезида иштирок этган Ўзбекистон



ларнинг харид нархлари пастлиги ҳақидаги фикрларини инobatга олмай, Ўзбекистондаги иқтисодий тангликнинг бош сабаби демографик ўсиш, яъни туғилиш даражасининг ниҳоятда юқорилигида деб айтди. Хайрият, ўзбекистонлик депутатлар бу гал одатдаги тортинчоқликни йиғиштириб қўйиб, ўз халқини ўринсиз маломатдан қутқаздилар.

СССР халқ депутати, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раиси муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари марказий телевидение мухбири саволларига берган жавобда депутат Бронштейннинг нутқидан ранжиганини, шу сингари чиқишлар миллий низолар чирсиллаб турган бир пайтда дўстлик ва ўзаро ҳамкорликка соя солишини, умумманфаатларга зарар келтириши мумкинлигини баён қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг директори, депутат Р. А. Убайдуллаева съездда сўз олиб, М. Л. Бронштейн қарашларини

танқид қилди ва жумҳуриятдаги моддий-маънавий аҳвол ҳақида батафсил тўхталди. Жумладан, у шундай деди: «...табиий хомашё ресурсларига бой республика шундай аянчли аҳволга тушиб қолди... Республика ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг юз фоизини давлат буюртмасига биноан, ҳатто сарф қилган харажатидан ҳам паст нархда ҳукуматга етказиб беради. Етиштирилган пахтанинг атиги 8-10 фоизи республиканинг ўзида қайта ишланади. Ўзбек пахтакори бутун мамлакатни газламага ўраса-да, истеъмол қилаётган гўшти йилига атиги 11 килограмдан ошмаяпти, ҳамон қишлоқ болаларининг емиши нон билан чойдан иборат бўлиб қолаяпти. Меҳнаткаш ва байналмилал ўзбек халқи советлар оиласидаги ўзаро ҳурмат ва эътибор таомилани қадрлагани ҳолда ўзи ҳам ана шу ҳурматга лойиқ...»

Р. Убайдуллаева Бронштейндан ўзбек халқидан омма олдида кечирим сўрашни қатъий талаб қилди. Съездга раислик қилувчи шундан сўнг Брон-

штейннинг ўзбек халқидан авф сўраб ёзган мактубини ўқиб эшиттирди...

Таниқли журналист А. Жўрабоев съезд депутатлари билан олиб борган суҳбатларидан бирида СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, иқтисодий ислоҳат Давлат комиссиясининг раиси Л. И. Абалкиндан Бронштейннинг ўзбек халқини «боқиманда»ликда айблашига муносабат билдиришини илтимос қилди. «Халқлар ҳеч қачон боқиманда бўлмаган, — деди Абалкин, — бўлмайди ҳам. Айниқса, меҳнаткаш ўзбек халқи». Шунингдек, у Ўзбекистон тупроғидан қазиб олиб кетилаётган олтинлардан тушаётган фойда жумҳурият бюджетига тушмаётганлигини: «Жуда катта муаммо. Бу — табиий бойликларнинг кимга тегишлигидан келиб чиқади», деб шарҳлади.

...Минбарга кўтарилган ҳар бир нотик ўзига берилган имкониятдан тўла фойдаланиши лозим. Депутат А. Эргашевнинг чиқишидан кўпчиликнинг кўнгли тўлмади. Нотик ўз

маърузасида жумҳурият миқёсида, унинг муаммолари ҳақида изчил фикр юритмади. Ахир жумҳуриятимиз маданий ҳаётидаги муаммоларни наҳотки жонлироқ ифодалашнинг иложи бўлмаса? Жумҳурият қишлоқларидаги маданий ҳаётнинг нақадар пастлиги мактаб ва бошқа тарбия муассасаларида музыка, расм каби дидни нафислантирадиган маданий ўчоқларнинг ниҳоятда камлиги, хотин-қизлар муаммолари моҳири наҳотки муҳим бўлмаса! Маданият масалалари ўлда-жўлдалиги ёки ёш оилаларнинг бузилиб кетиши, маънавий бузқлик ва ҳоказоларнинг сабабларини ижтимоий турмушдан изламай қаердан излашимиз керак?

СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди ўз ишини якунлади. Қилинажак ишлар, режалар аниқ бўлиб қолди. Лекин, халқимизнинг ишончли вакиллари зиммасидаги масъулиятнинг залвори камайгани йўқ. Бўлиб ўтган съездлар сабоғи келгуси ишларимиз учун маёқ бўлиб қолиши лозим.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ, СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ М. М. МИРҚОСИМОВ НУТҚИ

(ТОШКЕНТ ОБЛАСТ, ЯНГИЙУЛ ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ  
ОКРУГИ)

Депутат ўртоқлар! Ҳукумат Съездга тақдим этган иқтисодий ислохотнинг асосий муаммоларига доир докладнинг лойиҳаси олдиндан тарқатилган эди. Бу эса халқ депутатларига унинг асосий қоидаларини олимлар, иқтисодчилар, хўжалик ходимлари, республика мутахассислари иштирокида пухта ишлаб чиқишга имкон берди. Таклиф этилаётган принципаал ёндашувлар етилган муаммоларни

ҳал қилиш учун жиддий асос бўлади, деб ҳисоблаймиз, бироқ очигини айтишим керак, белгиланаётган тадбирлар регионлар тараққиёти турли даражаларини, иттифоқдош республикаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва қийинчиликларини етарли даражада ҳисобга олмайди. Умуман мамлакатда иқтисодиёт ноқулай аҳволга тушиб қолган бўлса. Ўзбекистонда эса масалан, у тагин ҳам оғирроқ аҳволда. 20 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати Иттифоқдаги ўртача даражадан уч баравар юқоридир. Бу эса агар мамлакат олдинга томон бир қадам қўйса, биз уч қадам қўйишимиз керак демакдир. Мамлакатдан ўзиб кетиш учун эмас, балки ижтимоий тараққиёт масалаларида яна ҳам орқада қолмаслик учун шундай қилишимиз керак.

Мамлакатда чекка ўлкаларга ана шундай муносабат мавжуд бўлгач, биз ривожлана олармидик? Бир қаранг, сўнгги 30 йил ичида бизга аҳоли жон бошига ҳисоблаганда уй-жой ва ижтимоий, маданий-маиший қурилишга мамлакатдаги ўртача даражага нисбатан икки баравар кам давлат капитал маблағи ажратилди. Шугина эмас, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчаларини нормал қуриш ўрнига ноилжликдан уларни жойлаштириш учун мосланмаган биналар оммавий тартибда берилди, бу биналар ҳозир ҳам баланседа турибди ва таъминлашни ҳисобга олиш чоғида Госплан уларни эътиборга олмоқда.

Шу сабабли бизнинг ижтимоий масалалардаги қоқоқлигимизни рақамлар билан кўрсатиш камлик қилади, конкрет чора-тадбирларни кўзда тутиш учун ижтимоий масалаларда қандай даражада турганлигимизни кўз билан кўриш керак. Ҳозирги вақтда республикада 9 миллионга яқин киши жон бошига 75 сўмдан кам даромад олмоқда. Бу эса энг паст даражада яшашни ҳам таъминламайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўртдан бир қисми ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига жалб қилинмаган. Одамлар турмушини таъминлашнинг кўпгина масалалари ҳал этилмаган.

Қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолдик? Нима учун аҳоли турмушининг муносиб даражада бўлишини таъминлай олмапмиз? Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, Иттифоқ идораларининг инвестиция сиёсати шу вақтга қадар нуфус вазиятини ҳисобга



вакиллари.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари. (ТАСС)



олмади, бу эса республикада ишсизликнинг вужудга келишига, жиддий ижтимоий кескинлик пайдо бўлишига кўмаклашди. Юз берган вазиятни энгиллаштириш учун биз Иттифоқ миқёсида иқтисодиётни соғломлаштиришга доир қарорлар қабул қилинишини кутмай, ўз кучимиз ва имкониятимиз доирасида қувватлардан мумкин қадар тўла фойдаланиш, ишнинг сменалигини ошириш, кичик корхоналар ташкил этиш, касаначилик соҳасини ривожлантириш юзасидан ўз чора-тадбирларимизни кўрмоқдамиз.

Бизнинг назаримизда, асосий тадбирлардан бири — томорқа участкалари учун ва яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришдир. Биз деҳқонларга 250 минг гектар, яъни ҳозир аҳолимиз ихтиёрида қанча ер бўлса, яна шунча ер ажратиб беришга қарор қилдик. Бу тадбир уй-жой, иш билан таъминлаш, озик-овқат муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини тушунамиз.

Бошқа йўллари ҳам қидираяпмиз. Аммо ҳозир республика шундай аҳволдаки, бу аҳволни республиканинг ёлғиз ўзи ўнглай олмайди. Шунинг учун биз мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар орасида турли регионларнинг асосий шароитларини тенглаштиришга доир амалий тадбирлар кўрилади, деб умид қилаяпмиз.

Иттифоқ бюджетидан аниқ мақсадга мўлжаллаб маблағ ажратиш албатта кўзда тутилиши керак, бу маблағ қолоқ республикаларни аҳоли жон бошига ижтимоий таъминлаш жиҳатидан Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичга олиб чиқиш имконини беради.

Мен буни фақат Ўзбекистон ССРнинг фикри бўлмаса керак, деб ўйлайман. Биз ижтимоий ривожланишнинг кечиктириб бўлмайдиган вазибаларини иқтисодиётни соғломлаштириш, хўжалик ислохотини чуқурлаштириш масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқмоқдамиз. Бундан бошқа йўл йўқлиги ҳозир равшан. Шу билан бирга тақдим этилган докладнинг баъзи қоидалари республикаларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтиришнинг умумий принципларига, мулкчилик ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларига қарама-қаршидир.

Мулкчилик муаммоларига ёндашиш — қишлоқ хўжалик ислохотининг бош масаласидир. Биз республика территориясидаги ишлаб чиқариш, илмий-техника потенциали, ер, ерости бойликлари ва бошқа табиат бойликлари шу республиканинг мулки бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Республикалар бу мулкни аввало ўз халқининг, шунингдек ССР Иттифоқи халқларининг манфаатлари йўлида мустақил тасарруф этиши лозим. Қолбуки, Ўзбекистонда иттифоқ идоралари ҳанузгача республика билан келишмай, ерости бойликларидан фойдаланмоқдалар. Бундай бойликлардан табиатга ҳалокатли оқибат келтириб, ваҳшиларча фойдаланиш ҳолларига жуда кўп йўл қўйилмоқда, қазилма бойликларнинг запаслари ҳам ҳад-худудсиз эмас. Биз шунга қатъий ишонамизки, фақат мулкчилик масалаларини тўғри ҳал қилибгина иқтисодиётда, ресурсларни тежашда ҳам, экологияда ҳам тартиб ўрнатиш мумкин. Бунда биз давлат мулки устун даражада бўлиши кераклигини кўзда тутамиз.

Халқ хўжалиги комплексининг яхлитлиги республикалар билан марказ ўзаро муносабатларининг бош принципи бўлиши керак. Ишончимиз комилки, барча кучларни жипслаштириш, республикалар ва регионлар ўртасидаги бевосита, тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш йўли билангина энг кўп самарадорликка эришиш мумкин. Яқинда биз регионларимизнинг кенг имкониятларидан фойдаланишни кўзлаб, Ленинград области билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздик. Тюмен области билан ҳам шундай алоқаларни йўлга қўйяпмиз.

Мамлакатни парчалаб ташлаш ўрнига бирлашиш ва ҳамкорликни мустақамлаш лозим, деб ўйлайман. Ўзбекистоннинг табиат ресурслари жуда бой газ, олтин ва бошқа қимматбаҳо металл қазиб чиқарилиб, мамлакатни барқарор валюта билан кўп даражада таъминламоқда. Биз жаҳон бозоридаги нарх-наво таъсир қилмайдиган маҳсулот етиштирамиз. Пахта, ипак, қорақўл ва бошқалар ана шундай маҳсулотлардир. Мева ва сабзавотларимизнинг хилма-хиллиги ҳам барчага маълум. Бизнинг энг асосий бойлигимиз — меҳнатсевар одамларимиздир. Шунинг учун ҳам республика биргаликда қилинадиган ишларда муносиб шерик бўлиши мумкин.

Республикаларро маҳсулот етказиб бериш масалаларида қуйидаги вазиятга эътиборни қаратмоқчиман. Ҳукумат таклиф этган тадбирлар ҳамма регионларни барабар кўрмайди. Масалан, бизда пахта толасига давлат буюртмаси 100 фоизни ташкил этади. Яъни пахта толасининг ҳаммасини Иттифоқ идоралари тақсимлайди. Бунда марказни кучайтириш истаги сезилиб турибди. Лекин республикалар оқибатда ҳуқуқсиз бўлса, марказ ҳеч қачон кучли бўла олмайди. Шу сабабли биз пахта толасига давлат буюртмасини ишлаб чиқариш ҳажмининг 70-75 фоизи даражасида белгилаб, уни мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларига тенглаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Фақат шундай йўл тутилгандагина барабар айирбош қилиш ва республикаларнинг реал иқтисодий тенглиги таъминланиши мумкин.

Шу муносабат билан нарх белгилашни ислоҳ қилиш тўғрисида гапирмоқчиман. Бу масалани ҳал этиш чўзилиб кетаётганлиги ва бу ишда изчилликнинг йўқлиги бизни жуда ташвишга солмоқда. Чунки, 1991 йилдан бошлабгина харид нархлари системасини такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган, бунинг устига пахта толасининг харид нархи жуда арзон бўлиб, у биз учун мақбул эмас.

Бунинг устига ҳозир бир центнер пахта етиштириш учун меҳнат сарфи бир центнер дон етиштириш учун сарфланаётган меҳнатдан

кўп марта ошиб кетмоқда, харид нархларида эса арзимас фарқ бор. Бироқ Иттифоқ идораларида биз келтирган далилларга тегишлича қулоқ солишмаяпти. Пахта толасига асосли нарх белгилаш биз учун ҳаётий аҳамиятга эгадир. Пахта толаси харид нархида сув, мелиорация, техника ва ўғитга кетган харажатлар, шунингдек аҳоли турмушининг нормал ижтимоий шароитларини таъминлаш учун зарур маблағлар тўла акс этиши керак. Бунингсиз республиканинг регионал хўжалик ҳисобига ўтиши мумкин бўлмайди. Бунинг устига пахта толасини кейинчалик қайта ишлашдан олинган асосий фойда ҳанузгача республикадан ташқарида қолмоқда. Бунинг оқибатида бюджетда камомат вужудга келмоқда. Пировард натижада одамларда пахта етиштиришга салбий муносабат кучайиб бормоқда.

Биз Иттифоқ ҳукуматида яна бир марта янги нарх белгилаш юзасидан асослаб берилган таклифларни киритдик ва ижобий қарор қабул қилинишига умид боғламоқдамиз. Акс ҳолда биз толани шартномада кўзда тутилган нархларда сотиш масаласини қўямиз.

Депутат ўртоқлар! Ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш чоғида ишга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини изчиллик билан ҳал этиш Ўзбекистон учун асосий аҳамиятга эгадир. Ҳозир бизда чинакам ишсизлик мавжуд. Лекин биз ҳамма нарсани ўз номи билан аташни истамайпмиз, холос. Ҳукумат Фарғона водийсига доир бир қанча масалаларни ҳал этишда ёрдамлашди, лекин бу билан айрим қийинчиликларнигина бартараф этамиз. Қолган областлардаги аҳволни қандай ўнглаш керак?

Бугун шу юксак минбардан туриб, яна бир бор ана шу масалани қўймоқчимиз. Иттифоқ идоралари Ўрта Осиё регионидан сув билан таъминлаш ва нуфус вазияти кескин ёмонлашган шароитда бу регионни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш юзасидан мамлакатнинг идора қилувчи органлари берган топшириқларни тегишли равишда бажаришга нима учун киришмадилар?

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишга кенг умумиттифоқ нуқтаи назаридан ёндашиш лозимлиги ҳозир мутлақо равшан бўлиб қолди. Бу фақат Ўзбекистонга ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига эмас, балки бутун мамлакатга тааллуқли муаммодир. Шунинг учун иттифоқдош республикаларнинг марказий иқтисодий идоралари, илмий ташкилотлар иштирокида аҳолини иш билан таъминлашнинг умумиттифоқ тармоқ программасини ишлаб чиқиш зарур.

Бу программда аҳолининг иш билан реал банд бўлишига ва кадрларнинг касб тайёргарлиги, айниқса туб миллатлардан ёш ишчилар ва инженер-техник ходимлар тайёрлашга шароит яратиш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаб қўйиш лозим. Чунки саноат ривожланмаса миллий ва ижтимоий юксалишга эришиб бўлмайди. Ахир бошимизга тушган кўпгина кулфатлар ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ўзбошимчилиكنинг ва территориял сиёсатни асослашдаги ноизчилликнинг натижаси эканлиги сир эмас, айти шулар халқ хўжалиги структурасида бирёқламаликка олиб келди.

Республика саноат маҳсулоти ҳажмининг учдан икки қисми хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлардан иборат эканлигига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти аслида қайта ишланмай реализация қилинмоқда. Ўзбекистон энди хомашё базаси бўлиб қолмайди, у иттифоқдош республикаларнинг оиласида тенг ҳуқуқли иқтисодий шерик бўлиши шарт. Иттифоқ идораларининг бизга хомашё етказиб берувчи республика деб қарашига барҳам бериш керак.

Ана шуларни ва нуфус вазиятни ҳисобга олиб, биз Ўзбекистонда юксак даражада тайёр пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўп меҳнат ва илмни талаб қиладиган корхоналарни устун даражада ривожлантириш ва жойлаштириш юзасидан катта тадбирларни амалга оширишни талаб қиламиз.

Сўзимнинг охирида эътиборингизни Орол тақдирига жалб қилмоқчиман. Орол бўйидаги экология мувозанатини тиклаш — умумиттифоқ муаммосидир. Нақадар таажжубли бўлмасин, мамлакатнинг пахта мустақиллигига эришиш денгиз учун, унинг атрофидаги жуда катта территорияда яшовчи миллионлаб кишилар учун фожиага айланди. Бу фожиа оқибатларини биргалашиб тугатишимиз керак. Партия ва ҳукумат кўзда тутган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва санитария ҳолатини яхшилаш программаси аниқ мақсадни кўзлаб маблағ ва моддий-техника билан таъминланган тақдирдагина аниқ бажарилиши мумкин. Бунинг учун ягона буюртмачи вазифаси билан маҳсус Иттифоқ ташкилоти тузилиши керак, ана шу региондаги бутун сув хўжалиги ва мелиорация қурилишини шу ташкилотга бериб қўйиш лозим.

Республикада сув ресурсларининг етишмаслиги фалокатли даражада кучайиб бормоқда. Шунинг учун сувни тежайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир вақтда Ўрта Осиёга сув ресурсларини келтириш билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишни давом эттириш зарур. Бунингсиз аҳоли тараққиёти ва унинг ҳаётини бундан буён таъминлаш истиқболли бўлмайди.

Сўзимни тугатайпман. Тақдим этилган докладни республика халқ депутатлари номидан умуман маъқуллашни таклиф қиламан. Унда белгиланган чора-тадбирлар туб хўжалик ислохоти жараёнларини чуқурлаштиради, иқтисодиётни ривожлантириш ва мустақамлаш учун янги имкониятларни очиб беради. Николай Иванович Рижков бошчилик қиладиган ҳукумат долзарб вазибаларни ҳал қилишнинг тўғри йўлларини топа билган. Бу ўзбекистонлик барча депутатларнинг фикридир. Съездда айтилган таклифлар ва қўшимчалар тақдим этилган программани бойитади ва биз иқтисодиётдаги танг ҳолатдан чиқа оламиз, бунга ишончим комил.

(Қарсақлар).



Абу Али ибн Сино: «Агар ҳавода чангу ғубор бўлмаса эди, инсон минг йил яшаган бўлурди», деган экан. Инсон ҳаёт экан, бу ҳикмат ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди. Чунки умримиз, соғ-омонлигимиз барча яхши-ёмон жиҳатлари билан бизни ўраб турган табиатга ва унга бўлган муомала маданиятимизга боғлиқ. Табиатни меҳрибон она десак, инсон шу она қалбининг ёниқ бўлаги, табиат бамисоли тўкин дастурхон бўлса, инсон ундан ўз насибасини олувчи меҳмонга ўхшайди. Шубҳасиз, фарзанднинг ҳам, меҳмоннинг ҳам ҳар хили бўлади. Шу боисдан ҳам ҳозирги пайтда табиат билан инсон ўртасидаги муносабат замоннинг муҳим муаммоларидан бирига айланиб қолди. Табиатни унутганлигимиз аслида ўзимизни унутганлигимиздир.

Хўш, бу «унутиш» нимада намоён бўлди? Дастлаб, табиатга бўлган муомала маданиятимизнинг саёзлигида. Айниқса, деҳқончилик ишида табиат ўз-ўзини тартибга солиб турувчи табиий жараён эканлигини унутдик. Буйруқ-бозлик, калтабинлик усули деҳқонни ҳам ўз ҳо-

лиги бизни жар ёқасига томон суриб кетмоқда, лекин ҳамон оёғимиз остига тузукроқ қарамаепмиз.

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда Навоий кимё комбинати ва цемент заводи, Қўқон кимё заводи, Бухоро графит-гипс комбинати, Олмалик, Чирчиқ корхоналари каби заҳар сочувчи «пахлавонлар» бунёдга келди. 1988 йилда жумҳуриятимизда 110 та sanoat корхонаси атмосферага меъёридан ортиқ заҳарли моддаларни чиқариб турди. Улардан тарқалаётган заҳарли моддаларнинг саломатликка таъсири ни эндиликда рўй-рост айтаяпмиз. Лекин бу таъсирлар инсон учун қанчага тушаётганлигини ҳали ҳеч ким ҳисоблаб чиққани йўқ. Табиат тобора инсоннинг заволига айланаётган экан, бунга аслида одамларнинг ўзлари бу ишнинг калтабин ташаббускори бўлаётирлар. Ҳа, табиат катта донишманд: унда ҳамма нарса ҳисобли, ҳамма нарсанинг қатъий ўрни бор. Шу боисдан Ф. Энгелис айтганидек, табиат биздан ножўя хатти-ҳаракатларимиз учун қасос олмоқда.

хавотирли овозига ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. 80-йилларга келиб жумҳуриятимизда ҳаво ҳавзасини ифлослантирувчи sanoat чиқитларининг ўртача йиллик ҳажми 1,5 миллион тоннадан, сувни ифлослантирувчи оқовалар эса 500 миллион куб метрдан ошиб кетди.

Ноаниқ режалар талабига ёлғон жавоблар айтиб «қутулиб» келдик, лекин саломатлик ишида ёлғон кетмас экан. Касални яширганинг билан иситмаси ошкор қилади. Ер заҳарланган, ҳаво заҳарланган, озиқ-овқатларимиз ҳам заҳар-олуд бўлганидан сўнг саломатлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Бир деҳқон: «Ернинг кўпи, қўйнинг ози чарчатади», деган эди. Бу ҳикмат халқимизга қадим-қадимдан аён экану, биз гоҳ жадал, гоҳ фавқулодда жадал тараққиёт кетидан чопувчилар халқнинг қалбига тузукроқ қулоқ ҳам тутмадик. Чўлқуварлар бўлиб, яшил яйловларни емирдик. Оқибатда қўйлар камайиб кетиб, чўпонни ҳолдан тойдирди. Натижада гўшт ва сутни кам кўриб, кам ейдиган бўлиб қолдик. Маълумотлар жон бошига тақсимланганда йилига мамлакатда 62—64 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилинганлигини, жумҳуриятда эса бу 29—30 килограммга тўғри келишини кўрсатди.

Ййловлар ҳисобидан кўпайтирган ерларимиз эса, деҳқоннинг силласини қуритди. Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва шунингдек, бошқа ноҳиялар хўжаликларида озуқа экинлари майдонининг 4—5 минг гектарига пахта экилганлиги аниқ бўлди. Умуман, жумҳурият бўйича озуқа майдонлари учун ажратилган ерларнинг 40 минг гектарига қўшимча чигит экиб юборилди. Ҳолбуки, ҳар бир гектар ерга экилган ингичка толали пахта — 4 минг 136 сўм, оқ пахта — 2 минг 400 сўм, сабзавот — 6 минг 379 сўм, картошка эса 2 минг 983 сўм даромад бериши баъзиларга яхши аён эди. Лекин улар ҳам миллионлар кетидан қувиб, буйруқлар кучи билан деҳқонни фақат пахта экишга мажбур қилдилар.

Шунинг учун ҳам мамлакатда мева ва сабзавот истеъмол қилиш ўрта ҳисобда ҳар йили жон бошига 260—270 килограммга тўғри келгани ҳолда, жумҳуриятимиз аҳолиси атиги 170—173 килограмм мева ва сабзавот истеъмол қилди. Жумҳурият мева, узум, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштиришда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлса-ю, деҳқон оғзи тўлиб мева ея олмас?! Баъзи масъул ходимларнинг фикрича, сабзавот етиштириш бирдан кўпаядиган бўлса, уни сақлайдиган қувватлар етишмас эмиш! Меҳнаткашнинг оилавий омбори бўм-бўш тургани ҳолда мева-сабзавот сақлайдиган жой муаммо бўлиб қолади, дейишга қандай асос бор? Мева ва сабзавот камчилигининг сабабларини асосан, унинг кам экилаётганлигидан ҳамда сақлашда исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлигидан излашимиз лозим.

Хўш, бу фожиалардан қандай хулоса чиқардик, келажакда нималар қилмоқчимиз? Модомики, фожиалар пахта якка зироатчилиги билан боғлиқ экан, алмашлаб экишни жорий қилмасдан, касалланиб ётган заминни даволамасдан, деҳқоннинг елкасидан тоғдек босиб келаётган планларни ҳаётини андазага солмасдан туриб, халқ на ўз саломатлигини тиклай олади, на кадр-қимматини. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчидан, жумҳуриятда, умуман бутун мамлакатда кенг миқёсли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш режаларини ишлаб чиқишимиз лозим. Табиий муҳитга заҳарли моддалар чиқарувчи корхоналарни ёпиб қўйиш, ҳеч бўлмаганда уларнинг сонини чеклаш, чиқиндиларни тозалаш ёрдамида экологик жиҳатдан тоза ишлаб чиқариш жараёнини ҳосил қилишимиз зарур. Усимликларни ҳимоя қилишда биологик усуллардан фойдаланишни кучайтириш, сувнинг тозаланиши муҳофаза қилиш, маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланишимиз керак.

Табиатга зуғум қилишдан кўрган талофатларимиз биз учун аччиқ сабоқ бўлсин. Соғ-омонлигимиз ҳам, фаровонлигу бахтимиз ҳам, ҳаммаси табиатга бўлган муҳаббатимиз билан ўлчанади. Ҳа, она табиатга меҳр кўрсатмай, ундан марҳамат кутиш инсонлик шаънига нолайиқдир.

Рустам ШОКИРОВ,  
фалсафа фанлари номзооди



ли-жонига қўймади. Деҳқон табиатнинг ўзини табиатга қарши қўйиб, манфаат ҳосил қилиш санъатини қадимдан яхши билган, бундан табиат ҳам, инсоннинг ўзи ҳам озор чекмаган. Қушлар, чувалчанг, қирқоёқ каби жонзотларнинг кўпайиши заминни юмшатиш, бойитиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Азалдан деҳқон учун чувалчангнинг кўплиги заминнинг соғломлиги, ёмғирга қўшилиб қурбақа ёққани эса арзончилик белгиси ҳисобланган. Бизнинг «зўрлаб ундириб олиш» йўлига тушиб қолган деҳқончилигимиз эса, кейинги йилларда ўзининг «кимёвий тиғи» билан заминнинг ҳам остки, ҳам устки қисмидаги жониворларга кескин ҳужум қилди. Айрим sanoat корхоналаримиз эса, ўз чиқиндилари билан гоҳ ердан, гоҳ осмондан «ёрдамчи зарбалар» уюштирдилар. Утмишга ҳам, келажакка ҳам эътиборсиз ҳолда табиатга устма-уст зуғумлар қилинди.

Яна бир айбимиз бетежам ва аёвсизлигимизда намоён бўлди. Табиат ҳар қанча тўкин дастурхон бўлмасин, у тежамга муҳтож. Бир тишлаб улоқтиришга Ҳотамнинг давлати ҳам чидамайди. Биз эса олган насибаларимизнинг ўрнини тўлдиришни хаёлимизга ҳам келтирмадик. Табиат бағридаги бойликларни аёвсиз сочиб ташладик. Айниқса, иқтисодий фойдани ҳамма нарсдан устун қўювчи калтабинлар кўпроқ бу ишнинг ташаббускори бўлдилар. Аёвсиз конлар қазидик, «зангори олов»лар ёқдик, ҳайбатли мўрилардан заҳарли тутунлар ўрлатдик. Шовқин устига шовқин, ғубор устига ғубор қўшдик, яна кўнглимиз жойига тушмади. Сувга тупуриш увол деб билган оталарнинг фарзандларига нима бўлди ўзи?! Турли-туман кимёвий заҳарлар — фосфатлар, нитратлар, гербицит ва пестицидлар... Сув танқислиги, тоза ҳаво танқислиги, осудалик танқислиги ва яна аллақанча танқисликлар юзага келди. Ҳатто атмосферанинг озон қатламини ҳам заҳарлай бошладик. Ниҳоят, буларнинг барчаси тўпланиб «саломатлик тугуллиги»ни ҳосил қилди. Бугун яхшироқ ўйлаб қарасак, бундай пала-партишлик фақат табиатга эмас, инсоннинг маънавиятига ҳам дахлдор эканлиги аниқ бўлиб қолди. Бу — энг дахшатли ҳодиса. Шундай бемулоҳазалиklarимиз туфайли ҳам ҳозир мамлакатимиз ҳар йил табиат муҳофазасига 70 миллиард сўм сарфламоқда. Бу кам маблағ эмас. Лекин лоқайдлигимиз тобора хуруж қилаверса, соғ-омон яшаб қолишимиз олдида бу маблағ жуда камлик қилиб қолиши ҳам мумкин. Табиатга муомала маданиятимизнинг ночор-

Биз ҳозир ҳам ерга заҳарли моддалар солиш одатимиздан кўнгилдагидек қутула олганимиз йўқ. Ҳар йили Қорақалпоғистон жумҳурияти, Хоразм вилояти, қўшни Туркманистоннинг айрим жойларида ҳар гектар ерга «Орол саҳроси»дан кўтарилган 500 килограмм шўр-қум ёғилиб турибди. Ҳа, эндиликда Орол қирғоқлари 70—80 қақирим ичкарига чекиниб, 2 миллион гектардан ошқ майдон очилиб қолганлиги уни саҳро дейишга асос беради. Бу жойда ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қанчалаб турлари қирилиб кетди. Кулфатларнинг асосийси яна келиб инсон бошига тушди. Унинг саломатлиги билан бир қаторда кадр-қиммати ҳам эътибор сусайиб кетди. Инсоннинг ижтимоий, маънавий эҳтиёжлари четга суриб қўйилиб, кўпинча унга фақат меҳнат қилувчи куч сифатида қарашга ўргана бошладик. Фаровонлик инсон учун эмас, аксинча инсон фаровонлик учун хизмат қилди. Ана шу лоқайдликлар сабабли ҳам СССР бир ёшгача бўлган болалар ўлими жиҳатидан Япониядан 5 марта, АҚШ, Англия, ГФРдан эса 2,5 марта ўзиб кетди. Ўзбекистонда бир ёшгача бўлган болалар ўлими салмоғи ҳар йили 33 минг нафарга етди. Касалхоналар, врачларимиз кўп бўлса-да, саломатлигимиз мустаҳкамлиги билан мақтана олмаимиз.

Ҳозир СССРда ўртача умр узунлиги 69 ёшни ташкил этади ва бу соҳада мамлакатимиз жаҳонда ўттиз иккинчи ўринни эгаллайди. Туркманистоннинг Ашхобод вилоятидаги илғор пахтакор колхозлардан бирида текшириш ўтказилганда 14 ёшгача бўлган 368 нафар боладан бор-йўғи 3 нафари тўла соғлом деб топилди. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида текшириш ўтказилганда ҳар минг болага 33,7, шу вилоятнинг пахтакор ноҳияларида эса, ҳар минг болага 47—50 ўлим тўғри келмоқда. Булардан кейин Ўзбекистон ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Заҳарли моддалар таъсирида, одамларимизда айниқса жигар, ошқозон, ўпка, юрак касалликлари хуруж қилиб кетди. Ҳозир Бухоро жумҳуриятда жигар касаллиги энг кўп учрайдиган вилоят бўлиб қолмоқда.

Ана шу фожиаларнинг кўпчилигида пахта якка зироатчилиги сабаб бўлди. Кейинги йилларда «оқ олтин»дан тоғлар ясашга чунонам киришиб кетдикки, ҳатто ўзимизни ҳам унуттаёздик. Самолётлар заҳар сочдилар, ичимлик сувларимиз тузга, лаззатли меваларимиз оғуга айлана бошлади — парво қилмадик. «Ҳурматли зотлар»нинг «доно раҳбарлиги»да план кетидан итоаткорона чопавердик. Бундай «кимёвий қирғин» даврида шифокорларимизнинг



Она заминимизнинг табиий-иқлим шароити шунчалар бебаҳоки, тупроғига чўп қадасанг кўкаради. Шу боис бўлса керак, унинг ҳар заррасини олтинга менгазишган бободехқонларимиз. Минг афсуски, эндиликда бундай эмас... Сўнгги 30-40 йил оралиғида деҳқончилик соҳасидаги нотўғри тутумлар, пахта якка-ҳокимлиги, зироатчиликдаги пала-партишликлар унумдор тупроқ таркибини бузиб юборди. Ерга унинг тилини билган деҳқон эмас, қишлоқ хўжалигининг маъмурлари хўжайин бўлдилар, буйруқбардорлик билан иш олиб бордилар, меҳнат аҳлининг ғурурини паймол қилдилар, ишончини сўндирдилар. «Катта»ларнинг зуғумига кўникиб қолганлар энди кўрсатма асо-

қа туриб олиши учун бу қарорни изчиллик билан амалга оширишимиз керак. Хўжалигимиз маъмуриятига уй-жой ва томорқа ажратиб берилишини сўраб 150 та ариза тушган эди. Биз хўжалигимиз аҳлининг умумий йиғилишида мазкур аризаларни кўриб чиқиб, ҳар бир оилага 0,16 ҳектардан ер бериш ҳақида қарор чиқардик. Суғориладиган, унумдор ерлардан 41 ҳектар ерни ўн кунлик муддат ичида аҳолига ажратиб бердик. Амалга оширилаётган бундай тадбирларимиз, шубҳасиз, суғориладиган ери ниҳоятда чекланган Фарғона водийсидаги вилоятларда вужудга келган оғир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий аҳволни ўнглашга хизмат қилади...

маган қисмидан тўлароқ фойдаланишга ёрдам беради.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда шахсий хўжаликлар ҳиссасининг ортиши ҳам кўп жиҳатдан томорқа хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқдир. Ҳозиргача Наманган вилоятидаги аҳолининг 64 фоизида чорва моллари йўқ. Қишлоқ хонадонларида чорва моллари боқиш муаммосини ҳам томорқа хўжалиги орқали ҳал қилиш мумкин.

Шу мақсадда ўтган йилнинг 5 декабригача 96921 кишига ер ажратиб берилди. Айниқса бу иш Задарё, Тўрақўрғон, Чуст, Учқўрғон ноҳияларида изчиллик билан амалга оширилди. Тўрақўрғон ноҳияси бўйича 15546 ҳектар суғори-

## ҚАЙТА ҚУРИШ НИШОНАСИ

# ЎНГЛАНИШ

сида иш бажарадиган «робот»ларга айландилар. Хусусий мулкчиликини келтириб чиқаради, деган вазвасага тушиб қолган калтабин маъмурлар ҳатто қишлоқ аҳлининг шахсий томорқаларини ҳам қисқартирдилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, одамлар қишлоқда яшаб, бир коса қатиқни ҳам пулга сотиб оладиган, кунни нону чойга қолган болаларининг қорнини қовзантириш учун шаҳар кезиб, дўконларда соатлаб сарёғ сотиб олиш учун навбат кутишга мажбур бўлиб қолдилар. Бир пайтлардаги «мева»лар ўрнини тутзорлар эгаллади. Халқнинг моддий турмуш даражаси ниҳоятда қашшоқлашди. Ҳозир жумҳуриятда ижтимоий ишлаб-чиқариш билан машғул бўлмаётган бир миллиондан ортиқ ишсиз, ойига 75 сўм миқдорда мояна олиб кун кўраётган 9 миллион киши бор. Камдаромадлиқ ва ишсизлик жумҳурият аҳолисининг учдан икки қисми яшайдиган қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ҳайъати Жумҳурият Министрлар Совети мавжуд аҳволни ўз вақтида тўғри баҳолади ва «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, граждандарнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарор замирида юзага келган аҳволни ўнглаб олишнинг асосий омилли етганлигини бугун барча меҳнат аҳли англаб етди. Қишлоқ шароитида томорқа масаласининг ҳал этилиши бир йўла бир неча муаммони — анчагина одамларни меҳнат билан банд қилиш, оилаларнинг ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорлардаги нарх-наво ва ҳоказо ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ҳал қилади. Йиғма маълумотларга қараганда, жумҳуриятимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1,8 миллион ҳовли томорқага муҳтож. Айниқса уй-жой муаммоси ўткирлигича турибди. Давлат қурилиши йўли билан аҳолининг ўсиб бораётган қисминигина уй-жой билан таъминлаш зўр-базўр бажарилаётир. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган қарор халқ томонидан зўр мамнуният билан, беш йилдан буён давом этаётган қайта қурилишнинг амалий натижаси сифатида кутиб олинди.

— Деҳқон — ерга, ер ўз хўжайинига эга бўла бошлади, — дейди Чуст ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг раиси, уста деҳқон Тўлқин Йўлдошев, — деҳқоннинг оёқ-

Биргина Наманган вилоятида 117401 киши уй-жой ва томорқа сўраб ариза берган эди. Уларнинг талабини қондириш учун собитқадамлик билан иш олиб борилди. Ҳар бир жамоа, давлат хўжаликлариди, қишлоқ касаба, ноҳия, шаҳар, вилоят ижрония қўмиталарида якка тартибда уй-жой, томорқа учун ер ажратиш масалалари билан шуғулланувчи тафтишчилар тузилди. Бу ишга оқсоқоллар, жамоатчилар ва мутахассислар жалб этилди. Уларнинг асосий вазифаси — ер ажратиш билан боғлиқ мутасадди ташкилотларга юклатилган аниқ вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат ва улар бу ишга масъулият билан ёндошдилар.

Вилоят бўйича 13377 ҳектар ер қишлоқ хўжалик тасарруфидан чиқарилиб, уй қуриш ва томорқа учун ҳамда қишлоқларда маданий-маиший иншоотлар барпо этиш учун ажратилди.

— Ердан самарали фойдаланишнинг энг мақбул йўли шахсий томорқаларни кўпайтириш, — дейди биз билан суҳбатда Чуст ноҳияси дала саноати қўмитасининг раиси Абдуғафур Холмирзаев. — Ҳақиқатдан ҳам шахсий хўжаликдаги ернинг бир ҳектари жамоат тармоғидагига нисбатан 4 баробар кўп самара беради. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир ҳектаридан олинадиган самара 12,5 минг сўмни, ижтимоий тармоқда эса атиги салкам уч минг сўмни ташкил этади. Шу вақтгача жумҳуриятимизда ернинг беш фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқарар эди. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштининг ярмидан кўпроғи, сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Умуман жумҳуриятимизда шахсий томорқаларда 2,4 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ажабланарлиси шундаки, жамоа ва давлат хўжаликлари 7 миллиард сўмлик маҳсулот етиштириш учун 6,4 миллиард сўм сарфлайди. Шахсий томорқа хўжалигида етиштирилган 2,4 миллиард сўмлик маҳсулот учун эса давлат бир тийин ҳам сарфламайди...

Кўриниб турибдики, жойларда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш озиқ-овқат етиштириш тадбирини бажаришга, қишлоқ меҳнаткашларининг даромадларини кўпайтиришга, аҳолининг иш билан таъминлан-

ладиган ер бор. Шундан 1315 ҳектари экин майдони ҳисобдан чиқарилиб, якка тартибда уй-жой қуриш ва томорқа учун аҳолига ажратиб берилди. Биз ноҳиядаги «Шарқ юлдузи» жамоасида бўлганимизда аҳолига ер бўлиб берилаётган экан. Бу ерга йиғилган оқсоқоллар, каттаю кичикнинг тилида ҳам, дилида ҳам шукроналик, ёшлар қалбини эса ўз уйига эга бўлиш сурури қамраб олган. Ўзбек халқи азалдан серфарзанд. Ҳар бир фарзандга вояга етиб оилани бўлгач, уй-жой керак.

— Биз уч хўжалик 12 сотихлик ҳовлида турар эдик, мана бугун мен ва укамга 0,10 ҳектардан уй қуриш учун ер берилди, — дейди қувонч билан шу жамоада яшовчи Султонбой Эргашев.

— 0,9 ҳектар ерда уч оила, яъни 14 жон қандай сиқилиб яшаганлигимизни тасаввур қилиш қийин, — дейди бугун оиласидан икки киши 0,20 ҳектар ер олган ўқитувчи Файзулла Сайфидинов.

— Жумҳурият ҳукумати ташаббуси билан қишлоқ аҳолисига кўрсатилган бу амалий ёрдам биз меҳнаткашларнинг мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш ишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади, — дейди томорқа учун ер олган колхозчи Боқижон Ботиров.

Шу ноҳиядаги «Ўзбекистон» жамоасида эса кўпчиликка 0,8 ҳектардан ер ажратилаётган экан. Сабаби жамоанинг 20 минг аҳолиси бўлиб ер майдони оз экан. Аҳоли ўртасида ер кам тақсимланаётганидан норози бўлганлар ҳам йўқ эмас. Юзага келган муаммоларни мутасадди ташкилотлар атрофлича ўрганиб чиқиб, зарур тадбирларни белгиласалар, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

Тўғри, бизда томорқа ҳажми иттифоқдош жумҳуриятлардагидан 2—5 марта кам. Жумҳуриятимиз бўйича шахсий хўжаликлар ҳисобига томорқа ҳажми 0,13 ҳектарни ташкил этади. Масалан, Литвада бу кўрсаткич ўрта ҳисобда қишлоқ хонадонига 1,63 ҳектар ер тўғри келади. Наманганда ҳам, ҳар бир жойнинг ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, ер участкаси ва томорқа учун бериладиган ернинг миқдори аниқланаётир. Вилоятнинг бир неча ноҳияларида аҳолининг ер участкаси ва томорқага бўлган эҳтиёжи тўла-тўқис қондирилди. Лекин фақат ер бериш билангина далачи фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини тиклаб бўлмайди. Бунинг учун ялпи тадбирларни амалга ошириш



керак. Наманганда бу соҳада катта ишлар қилинаётир. Мутахассислар тарhini олаётган якка тартибдаги уй-жой қасабалари лойиҳаси муҳандислар томонидан мукамал ишлаб чиқилмоқда. Ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар, йўллар учун ер ажратмоқдалар. Биргина йўлнинг ўзига Тўрақўрғон ноҳиясида 170 ҳектар ер ажратилди. «Бош режага қатъий амал қилаётирмиз,— дейди чўстлик меъмор Раҳимжон Абдураҳмонов,— шундагина бунёд бўладиган қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, электрлаштириш анча кам маблағ талаб қилади».

Ниҳоят, ер берилди, энди уни тиклаб олиш учун маблағ зарур. Бунда давлат хазинасидан узоқ муддатли қарз берилиши асосий рол ўйнайди. Бу масала ҳам пухта ўйланган. Масалан, Чўст ноҳиясида 1988 йили якка тартибда уй қуриш учун аҳолига 546 минг сўм қарз берилганди. Ўтган йил 2500 минг сўм бериш кўзда тутилганди. Вилоят бўйича эса аҳолининг моддий маблағга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиши учун меҳнаткашларнинг аризаларига мувофиқ 25 миллион сўм қарз берилиши керак эди. Аммо 12,6 миллион сўмгина пул ажратилди, холос.

Айниқса бинокорлик хомашёсига бўлган талаб ниҳоятда қониқарсиз. Масалан, ўтган йили вилоят бўйича ёғоч-тахтага бўлган талаб 23 фоз, шиферга 54, семонга 43,3 фозгача қондирилди. Етишмовчиликнинг ўрнини қоплаш учун маҳаллий бинокорлик хомашёсини ишлаб чиқадиган қўшимча қувватлар барпо этиш учун вилоятда анчагина ишлар қилинаётир. Жойларда ёшт, бетон заводлари, эшикдараза ясайдиган устахоналар қурилмоқда.

Наманган вилоятида бўлганимизда хўжаликларда қурилиш ширкатлари томонидан қурилган уйларнинг бўш ётганлигини кўрдик. Сабоби бу уйларнинг нархи 16 мингдан 18 минг сўмгача бўлиб, қишлоқ меҳнаткашларига, айниқса, ёш оилалар учун қимматлик қилади. Уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун корхоналар ва хўжаликларнинг ҳисобидан уй-жойлар қуриш, имтиёзли шартлар билан қарз бериш, аҳолини арзон нархлардаги бинокорлик хомашёлари билан таъминлаш лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети уй қурувчиларга шифер, семон, ёғоч-тахтани сотишни кўпайтирадилар, деган умиддамиз. Томорқа хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бир талайдир. Масалан, ҳадемай шахсий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни тайёрлов идоралари қабул қилиб улгуришмай қолади. Хўш, бунинг тadbирлари назарда тутилаяптими? Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг исроф бўлмаслиги учун хўжаликларда маҳсулотни

қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуриш лозим бўлади. Шу мақсадда Наманган вилоятидаги хўжаликларда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган 17 та митти корхона қуриб ишга туширилди. Энди эса, шундай корхоналар сонини 50 тага етказиш мўлжалланмоқда. Карл Маркс номли колхоздаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ана шундай корхонада хантал ва помидор салатлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу митти корхонанинг ўзи йил давомида хўжаликка 16 минг сўм соф фойда келтиради. Вилоятда аҳолининг шахсий томорқасида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини матлубот ширкатларининг тайёрлов идоралари томонидан сотиб олиниши йўлга қўйилган. Шу кунларда матлуботчилар шахсий томорқа эгалари билан шартномалар тузишмоқда. Асосан шартномалар томорқасида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга имкони бўлган уй бекалари билан тузилаётир. Аёллар ўз томорқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириб топширсалар, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланган ҳисобланиб, меҳнат дафтарчаси юритилади ва улар социал имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Матлубот жамиятлари вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига ҳеч қандай тўсиқсиз етказиб бериш учун ҳар бир хўжаликда ўзининг қабул нуқталарини очиб, зарур улов билан таъминлаётир. Айниқса, Учқўрғон матлубот жамияти аҳли бу соҳада анча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг ташаббуси билан «Ленинчи» жамоасида хўжалик ҳисобидаги қишлоқ тайёрлов саноат ширкати ташкил қилинди. У Учқўрғон ноҳияси ҳудудида яшовчи аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб олиш ва қайта ишлашни ҳамда уни матлубот жамияти магазинлари орқали халққа сотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу албатта деҳқон ташвишини энгиллатишга хизмат қиладиган омил.

Ҳали бу қилинган ишлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш учун камлик қилади. Узоқ йиллар давомида таназзулга учраган шахсий хўжаликни тиклаш учун жойларда собитқадамлик билан иш олиб борилиши керак. Бунинг учун аҳолига узоқ муддатли қарзлар бериш, уруғлик, кўчат, зотли чорва моллари, омўхта ем, бинокорлик хомашёлари, оилаларни томорқада ишлатадиган кичик мосламалар билан таъминлаш ишларини йўлга қўйиш керак.

Шундагина меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ишига ҳисса қўшилган бўлади.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**

«Гулистон» журналининг махсус муҳбири



**Абдумажид АЗИМ**

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДАГИ ШЕЪР

Сен совуқ кулда ухладинг музлаб,  
Ўртади қалбингни шиддатли оғриқ.  
Менинг атрофимда сулувлар юзлаб,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Оппоқ қор тўхтамас ҳамон,  
Ажиб тароватга тўлмоқда борлиқ.  
Ахир кўришмадик неча минг замон,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Умрки, шунчалар алдовга тўла,  
Дунёни кезган чоғ кўзларим боғлиқ.  
Зимистон умримга ўзинг бер шуъла,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Инсоннинг бошидан кечмоғи бор гап,  
Не бад ишлар, букун юрагим доғлиқ.  
Чоғир вужудимга сездирмай тарқаб,  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ.

Соғлом қўшиқларни куйлайлик, малак,  
Синиқ кўнглимизни тўлдирсин шодлик,  
Қўнар сочларингга қорми, капалак  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ!

Менда ҳузурингга учмоққа қанот —  
Қалбингда сақлаган муҳаббат — поклик.  
Фақат танҳоликда пичирлайман бот  
Севгилим, мен сенга тилайман соғлиқ!

## БЎРИГА АЙЛАНГАН ҚЎЙ

Дўстларинг йиғлади, қилмадинг парво.  
Зурёдинг қақшади, қовогинг уйдинг.  
Қўй эдинг, бўрилар ичида, аммо  
Қийналмай бўрилиқ ниқобин кийдинг.  
Дунё бўри бўлди,  
Сен бўлдинг бўри.  
Уруғ-аймоқларинг манглайин шўри!  
Сен ёвуз маҳлуқсан, ўз қавмингга ёв,  
Туғишган наслингни қўйдинг унутиб.  
Хўжайин бирини буюрса, дарров,  
Пойига келтирдинг икковин тутиб.  
Ниҳоят қаридинг, қолдинг оёқдан,  
Кўзинг хиралашиб мунгшийсан дилхун.  
Бўрилар сезишиб увлар ҳар ёқдан,  
Сен эса қувватдан қолдинг қундан-қун.  
Овдаги ҳамроҳинг ғазаби қайнаб  
Ўткир тирноғини солди бўғзингга.  
Иккинчиси келди кўзлари ўйнаб,  
Бўрилиқ ниқобин олди юзингдан.  
Ҳолингга қулайми, йиғлайми ёки,  
Мендан ўтди дейсан дўстлар, бу кўрлик.  
Сенга шу етарли, сабоқдир токи  
Бўрилар ичида адашган шўрлик.



Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи» хўжалиги жамоасида аҳолини уй-жой томорқалари билан таъминлаш ишлари кўнгилдагидек бораяпти.

Муаллиф сурати.



Шаҳар марказида пештоқиға думалоқ соат осилган бинонинг эшиги шиддат билан очилиб, ва-жоҳати хунук йигирма саккиз ёшлардаги бир йигит ташқарига отилди. У чорраҳани кесиб ўтиб, катта кўчага бурилди-да, чўнтагидан сигарета чиқарди. Тутатмоқчи эди, гугурт чўпидаги оловни шамол ўчирди.

— Лаънати! — деди у асабий-лашганча сигаретани зарб билан чеккага ирғитаркан. — Тутамасанг тутамасанг кет!

Осмонда булутлар сузиб юрарди. Кўчада одам сийрак. Аҳён-аҳёнда кучли шамол эсиб, момақалди-роқ ўкиради. «Қуриб кетсин, падарига минг лаънат шунақа ҳаётнинг, — деярдди у ўзи-ўзига, шуурсиз ҳолда юриб бораркан. — Дадамлар айтган пайтда «хўп» деб мактабга бориб, тинчгина ўқитувчилигимни қилаверганимда балки шунчалик ғавго бўлмас-миди? Ҳамма айб ўзимда!»

У плашининг тугмаларини ечиб, галстугини бўшатиброқ қўйди. «Дўқ-пўписа билан кўрқитишмоқчи бўлишадия-я!.. Нима, ёш боламидимки, дағдағадан кўрқсам? Кетсам ишдан кетаманки, аммо уларга тобе бўлмайман!»

Худди шу лаҳзада чакмоқ чақиб, момақалди-роқ ваҳимали қарсиллади. Йигитнинг назарида уфқнинг бир парчаси узилиб тушгандай бўлди. Боядан бери дили сиёҳ бўлиб келаётган Носир плашининг ёқаларини кўтарар экан: «Асабимга тегмаган сен қолдинг», дегандек қалин қошларини чимириб, осмонга қараб қўйди. Осмон тинимсиз ўкиради.

«Одамлар қизиқ — тирноқ остидан кир қидиришади. Комил акани айтмайсизми энди, — хаёлан у илмий раҳбар — профессорга мурожаат этарди. — Тажрибали, суяги меҳнатда қотган бўлса. Битта хатога шунча пўстагимни қоқишди-я! Уэлари-ку!»

Орқадан келаётган машинанинг сигнали унинг хаёлини бўлди, шундагина йўлакдан четга чиқиб кетганини сизди. У орқасига қарамай йўл четига чиқиб олди. Аммо машина ҳамон қулоқни кар қилгудай ғашни келтириб сигнал чаларди. Носир жаҳл билан орқасига ўгирилди. «ГАЗ-69» машинани ўриндиғидан бошини чиқарганча кулиб турган синфдоши, чўмичбурун, бўтакўз Орифини кўрди-ю, хуфтондек сиёҳ кўнглига чарақлаб қуёш чиққандек чеҳраси ёришди.

— Менга қара, ўртоқ кандидат! — Ориф дўстининг елкасига қўл ташлади. — Ёмғирда ивиб нима қилиб юрибсан?... Қани, юр бир отамлашайлик. Анчадан буён бундоқ ёзилиб гаплашганимиз ҳам йўқ.

Носир аслида ўқитувчи. Қишлоқдан биринчи бўлиб аспирантурада ўқиётгани Ориф уни ҳазил билан «кандидат», дейди, Носир эса уни «аравакаш» деб чақиради. Носир гарчанд ёмғирда юришни хушласа-да, шу аснода бу фикр унга жуда ёқиб тушди. «Шу баҳона уйимдагиларнинг ҳол-аҳволини сўраб, Асал ҳақида бирор нима билиб оларман, — кўнглидан ўтказди у. — Ҳар қалай, бир қишлоқдан-ку булар!»

Носир машинага ўтираркан:

— Қани, ҳайда сой бўйидаги ошхонага, — деди мамнун. Ориф йўл-йўлакай вилоят қиш-

# АРМОН

Ҳикоя

лоқ хўжалик ходимларининг қурултойига раисни олиб келганини, далада иш тифизлигини, бирор соатлардан сўнг қишлоққа қайтишини айтди.

Ориф Носирнинг ўн йил бирга ўқиган қадрдонни. Фақат уларнинг қишлоқлари бошқа-бошқа, холос. У ҳам бир пайтлар анчамунча шеърлар машқ қилган, мактабни тугатгандан сўнг Носир билан ТошДУнинг тил ва адабиёт факултетига ўқишга борган, аммо биринчи имтиҳондан йиқилиб қайтган эди. Уша йили Носирнинг кундузги бўлимга бали етмай, ҳужжатларини сиртқи бўлимга ўтказиб, қишлоққа қайтганида, Орифнинг туман Ҳарбий комиссариати томонидан очилган ҳайдовчилик курсида ўқиётганини билганди. Кейинги йилларда ҳарбий хизмат, иш, бола-чақа, рўзгор ташвишлари, айниқса Носирнинг нуфузли ташкилотга ишга ўтиб кетиши уларни бир-биридан анча узоқлаштириб қўйганди. Тасо-дифни қарангки, бугун Носир яна синфдош дўсти билан ёнма-ён кетаяпти. Лекин олдингидек бир гапириб, ўн кулмайди, очикроғи, юрагига қил сиймайди.

Носир томчилар урилиб, илон изи шаклида оқиб тушаётган машина ойнасида ташқарига тикилганича дўстининг сўзларига эътиборсиз индамай борар, шу лаҳзада ишхонасида бўлиб ўтган кўнглисизлик унга тинчлик бермай миясида очкўз пашшадек ғужғон ўйнарди. Шу сабаб йўлнинг икки бетида савлат тўкиб турган маъмурий бинолар, хиёбонларда жуфт-жуфт бўлиб юрган йигит-қизлар ҳам унинг кўзларига хунук кўринарди.

— Хомуш кўринасан, жўра, тинчликми ўзи? — хавотирланиб сўради Ориф.

Носир дўстининг товушидан сесканиб ҳушёр тортиди. — Шундагина бетушов-бетизгин товуш-хаёлларга берилиб, бундан бир неча йиллар муқаддам бир партада ёнма-ён ўтирган дўстидан тузукроқ ҳол-аҳвол сўрамаганига изза бўлиб, хиёл қизарди:

— Йўғ-ей, шунчаки ўзим... — У яна алланималар дейишга чоғланди-ю, аммо манзилга яқинлашганларини билиб индамай қўяқолди.

Машина тўхтаб, ўриндиқдан чиққанларида, баҳор эмасми, бир зумда осмон артилган шишадек тиниқлашиб, қуёш нурлари чарақлаб кетганди. Улар анҳор бўйидаги ошхонага кирганларида ҳаммаёқни иштаҳани очувчи палов, сомса, кабоб ҳиди тутиб кетганди. Дов-драхтларнинг япроқларида, пастдаги гиёҳларда томчилар ялтирар, анҳордан лойқа аралаш ёмғирдан сўнг бўладиган фарахбахш ҳид гуркираб, кишилар қалбини аллаларди.

Ориф сомсага навбатда турди, Носир икки чойнак чой олиб, шундоқина сувнинг салқини уриб турган курсилардан бирига ўтирди. Анҳордаги лойқа сув тўлкинида ярми ботган шиша, сал нарироқда ҳали ивиб битмаган газета устида бодринг пўстлари қалқиб келарди. Уша томондан эсган майин шабада Носирнинг кенг пешоналарига тушиб турган жингалак сочларини, офтобда қорайган юзларини силаб ўтгандек бўларди. «Ҳеч тушунаолмайсан бу одамларга: борни кўролмайди, йўққа беролмайди, — деб ўйларди Носир хаёлларига яна изн бераркан оёқ остида ўрмалаб нон, сомса ушоқларини тергилаб юрган мусичаларга тикилганича. — Калланга сиғдира олмайсан-а, бу қанақа шармандалик. Кечагина «Ёшлик» журналида эълон қилинган мақоламан оғиз кўпиртириб мақташганди, бугун бўлса арзимаган хатога дилимни хуфтон қилишди-я!»

Носирнинг кўнгли хун бўлиб ҳорғин тин олди.

— Оббо, дўстим-ей! — деди икки қўлида хушбўй сомса кўтариб келган Ориф. — Синфдош дўстим бор эди, деб йўқламайсан-а? — У Носирнинг қаршисидаги курсига ўрнашиб ўтирди. — Олдинлари бир кун учрашмасак туролмасдик, энди бўлса, ойда, йилда зўрға кўришамиз. Ушанда ҳам мундай ёзилиб гаплаша олмаймиз-а, дўстим...

— Ҳа, жўра, эсиз ўша болалик йилларимиз-а! — Носирнинг юраги увишиб, кўз ўнгига қишлоқ чеккасидаги кумуш тасмадек жилоланиб оқаётган сойда қишда яхмалак учиб, ёзда балиқ овлаб нон оқи-зиб еган, бебуғор болалик йиллари гавдаланди-ю, қалбини қўмсаш ва орзиқиш ҳиссига ўхшаш оромбахш ҳис эгаллаб, тирноғигача зирқираб кетди. Қандай беташвиш, беқайғу кунлар эди-я! Қани энди илож бўлса, ҳу, Ориф билан лайлакнинг боласини оламиз, деб узун чинорга чиқиб, қайтиб туша олмай кун бўйи йиғлаб ўтирган кунлари, қирларда мол боқиб, варрак учириб юрган ўсмирлик чоғлари яна қайтиб келса-ю, у ҳозирги дунёнинг зил-замбил ғам-ташвишларидан фориг бўлса! Носир беихтиёр болалик дамларининг ёддан чиқмас соғинч хотираларини эслар экан, кўнгли бир хил бўлиб, ўша йилларни эслаб юраги ёришди.

— Эй, дўстим, ҳаёт деганлари ширин туш каби, кўз юмиб очгунча ўтиб кетавераркан-да. Мана, ўзингдан қиёс: кечагина шоир бўламан деб, Бедил, Навоий, Байронларни варақлаб юрган эдинг, энди бўлса икки боланинг отаси-сан. Қарабсанки, ана-мана дегунча ўттизини ҳам уриб қўйибсан... Ишларинг яхшими? Раънохон



қалай, тузукми? Уғилчаларинг катта бўлишайтимми?!

— Раҳмат, болаларим чопқилаб юришибди. Менга қара, дўстим, ҳеч кўринмайсан, ойинглардан сўрасам: «Сен қандай бўлсанг, биз ҳам шундай, қачон келади деб йўл қараймиз», дейдилар. Нима гап, соғлигинг жойидами ўзи? Рангинг сарғайиб кетибди. Ё бирор еринг оғрийдими?... Нега бўл-маса бунчалик ориқлабсан? Олим бўлишингга оз қолдимми?.. Ғайрат қил-ей, сенинг базми жамшидингда биз фуқаролар ҳам бир хумордан чиқиб, мазза қилайлик!

— Ўзинг биласан-ку бизнинг ишни — бош қашишга қўл тегмайди. Командировкада эдим, беш-олти кунча бўлди келганимга. Ҳали уйга ҳам боролганим йўқ.

— Шундай қилиб, дўстим, шаҳарлик бўлмоқчимсан ёки қишлоққа қайтиб борасанми? Рай-ОНО ҳам ёмон эмасди шекилли? Қарийб икки юздан кўпроқ маош олардинг... Гап пулда эмас.

— Гап пулда эмас. Таклиф этишди-да! — Орифнинг ўзига таажуб билан қараётганини сезган Носир гапига изоҳ киритди, — илмий ишим учун марказда бўлишим керак.

— Ётоқхонада турибсанми ёки ижарада? — деб сўради Ориф дўстининг синиққан юзига тикилиб.

— Менга қара, жўра! — деди Носир ўртоғининг ўринли-ўринсиз саволларидан ғашни келиб. — Терговчига ўхшаб ҳадеб сўроқ қилаверма. Ундан кўра қишлоқдан, янгиликлардан гапир.

Ориф дўстининг болаликдаги қизишма одатидан ҳузур қилиб кулмоқчи эди-ю, лекин шу вазиятда жаҳли бурнининг учиди турганини билиб индамай қўя қолди. У Носирнинг «қишлоқдаги янгиликлар» деб пинҳоний маъшуқаси — Асал тўғрисида гап сўрамоқчи эканини сизди-да, сир бермай ўзини гўлликка олиб ўсмоқчилади:

— Қишлоқда нима янгилик бўлиши мумкин, ҳамма жойда баҳор ташвиши. Умуман, иш тифизлигини айтмасанг, тинчлик, осойишталик...

«Оббо, хумпар-ей, мен боғдан келсам, у тоғдан келади-я, — ҳафсаласи пир бўлиб хаёлидан



ўтказди Носир. — Оқилга ишора, нодонга калтак, деганлари шу экан-да».

— Тинчлик дегин-а?! — Носир ўзича ғулдираб қўйди.

— Ҳа, тинчлик. — Ориф турқи ўзгарган дўстига зимдан разм солди, сўнг икковиға тушунарли бўлган маъноли табассум билан деди. — Асал соғ-саломатми, деб сўрайвермайсанми?

Носир, бир зум ноқулай аҳволга тушиб, нима деярини билмай саросималанди. Бу ҳам етмагандай, Ориф унинг кўзларига тик қараганича жавоб кутарди. Носир дўстининг жовдираган кўзларига, нигоҳига дош беролмасди, кўзларини олиб қочиб, бошини қуйи солди. Энди чекинишга ўрин йўқ эди. У столнинг устига, ўртасидан дарз кетган пиёлага, сўнг Орифга қараб қизариб-бўзариб ўнғайсиз бир ҳолда:

— Ҳа, Асал қандай юрибди, соғми? — деди хипча бел, кулчадек юзига ҳуснбузар тошган, узун сочларини ҳамиша қирқ ўрим қилиб юрадиган қизни эслаб.

— Э, ўлма! Бу гап бошқа-да, менадан яшириб нима қиласан? Асални бир гал далада кўриб қолгандим, анча бўлди.

Ориф шу сўзларни айтишга айтди-ю, бироз ўйланиб, маъносин олди. Буни кўриб, Носирнинг юзидаги табассум сўнди. Лабига олиб борган пиёлани тақ эткизиб стол устига қайтариб қўйди-да, унга яқинроқ сурилди:

— Ким билан кўргандинг? — деди ноҳос яшин ургандек қути ўчиб, бетоқат қимирлаб.

Ориф унга ёв қараш қилиб, миёғида кулиб қўйди: «Ҳа, сабил-а, юракдан урган экан-ку, юрган экансан-да, сир бермай». Шундай бўлса-да, ётиги билан тушунтира бошлади:

— Ҳеч ким билан кўрганим йўқ. Ҳа, бироқ бошқача, кўзлари ич-ичига тушиб, шундай озиб кетибдики, асли сўрама. Очиғини айтсам, дўстим, мен уни ҳеч маҳал, ҳатто отаси ўлганда ҳам бу аҳволда кўрмагандим. Эшитишимча, ўгай отаси кўп қийнаркан. Агар кўнглинг бўлса тезроқ тўйни бошлаб юборсанг, яхши бўлармиди дейман-а, жўра? Ўттизга кирдинг, ўттизга-я!

Носирнинг чеҳрасига даъфатан илиқ табассум югуриб, катта-катта қўй кўзлари қисилганича юзида кулгичлар ўйнади.

— Қизиқсан-а, у билан фақат икки марта учрашганман, ўшанда ҳам вазифам юзасидан. Дарров ўйланишим керакми энди. Тўғри, менга бўлган муносабатларидан кўнгли борлигини сезиб юрибман, лекин ўзи билан тузукроқ гаплашишим керак-да, жўра. Ахир, бу умр савдоси, қаердан биласан, у мени севмас, яхши муомаласи шунчаки ҳурмат юзасидандир?!

Носир Асал билан учрашганини айтди-ю, беҳосдан редакцияга янги ишга кирган вақтлари ва ўша пайтларда Асал билан ораларида бўлиб ўтган гапларни эслади. Ушанда газетанинг ноябр байрами сонига лавҳа керак бўлиб қолганди. Носир узоқ кетмай ўз колхозидagi теримчилар ҳақида ёзмақчи бўлиб раисга учраганди, раис Асални тавсия этди. Лавҳа босилиб чиқди. Шу баҳонада икки юракка ўт тушди. Редакцияга байрам кунлари Носирнинг номига имзосиз табрик хатлари

кела бошлади. Табрик сўзлари остига чиройли қилиб: «Колхозингиз қизлари», деб ёзиларди. Ҳатто, Носир ноҳия маорифига инспектор бўлиб ишга ўтгандан кейин ҳам табрик хатларининг кети узилмай келиб турди. Носир дастлаб бу ширин сўзлар муаллифини «биллолмай» юрди. Кейинчалик хатлардан бирида Асалнинг тескари ёзилган номини ўқиди-ю, гап нимадалигини билиб олди. Хусусан, Асалнинг Носирни кўрганда ўзини олиб қочишлари, тасодифан рўбарў келганда қизариб, ер остидан унга маънодор қараб кетишлари йигитнинг қалбига тоғ шабадасидек ҳузур бағишларди.

— Кечирасан, дўстим, — Ориф соатига қараб ишора қилди. — Энди мен борай, қолган гапларни уйга борганингда — қишлоқда гаплашамиз!

— ...  
— Тўғриси, Асал билан гаплашиб, гапни бир ёқлик қилсанг яхши бўларди, — деди Ориф ошхонадан чиққанларидан сўнг олдинроқда, ҳаворанг плашининг чўнтагига қўлларини суққанича хаёл суриб бораётган дўстига қараб.

Носир юришдан тўхтаб, ялт этиб Орифга қаради. Бир сидра бошдан-оёқ кўз югуртириб, юриш-туришида сезиларли даражада ўзгариш бўлганини пайқади. Сўнг Орифдан кўзини олиб, ўзларидан ўттиз қадамча нарида — анҳорнинг серқатнов кўприги устида гул кўтариб турган йигитга ва билакдек қилиб ўрилган узун сочини олдиға ташлаган атлас кўйлакли қизга қаради. Йигит куйиб-ёниб, гоҳ соатига, гоҳ йўл томонга қараб алланималар деярди, қиз бўлса, унинг сўзларини эшитмаётгандек, бўлиқ кўракларини кўприк панжарасига босганича бўтана қирғоғига урилиб беозоргина гирдобланиб оқаётган анҳорга тикилиб турарди. «Аразлашибди», деб ўйлади Носир улардан кўз узмай жилмаяркан. Ориф бу кулгини бошқача тушунди:

— Нимага илжасан? — сўради қош-қовоғини уюб. — Тўғри гап-да, раз уйланадиган бўлсанг уйлан-да! Ёшинг ҳам ўттиздан ошиб қолди. Сен тенгиларнинг икки-учтадан боласи бор, сен бўлсанг ҳали бармоқ сўриб юрибсан. Уқишинг ҳам тугади, аспирантурага ҳам кирдинг. Ана-мана дегунча олим ҳам бўларсан. Ушанда ҳам сўққа бўлиб юриверасанми? Уйланганда ҳам Асалдай қизга уйланасан-да, ё министрининг қизига уйланасанми? Ё оламдан тоқ ўтишга аҳд қилдингми? Ҳали бир кун пушаймон қиласан-куя: «Ўтди умрим, во дариг» деб, лекин жой тутмайди-да.

Ориф бу сўзларни шундай куйиниб, самимий айтдики, Носир шу чоққача бу тўғрида жиддийроқ ўйламаганига афсус чекиб, ўзини койиди. Орифга нима деб жавоб беришини билмай қолди. «Дарҳақиқат, дунёдан шундай ўтиб кетмайман-ку, ўйланишим, кимдир менга ҳамдард бўлиши керак-ку! — деб ўйлади Носир тора кўздан узоқлашиб бораётган машинадан кўз узмай. — Укаларимнинг еттови ҳам ўғил, ёлғиз Тозагулгина қиз, унинг қўлидан нима иш келади, энди олти ёшга тўлган бўлса. Ойим бечорага ҳам қийин: сигир соғ, кир юв, овқат

тайёрла. — Носир негадир кейинги кунлари Асални кўп ўйлаётганини, ҳатто тушида ҳам кўрганларини эслади-ю, қалбида бир нарса ялт этгандек бўлди. — Балки чиндан ҳам Ориф ҳақдир. Асал ёмон қиз эмас, ҳар қалай, борганимда ўзи билан суҳбатлашиб гапни бир ёқлик қилганим маъқул!»

Носир дам олиш кунини майдачуйда харид қилиб, шаҳар чеккасидаги бош бекатга келганида, кенг ойнабандли бинонинг ичкарисию ташқариси одам билан гавжум бўлиб, бино пештоқидаги радиокарнайдан автобусларнинг қайси майдондан жўнатилиши эълон қилинарди.

Носирларнинг манзилига қатнайдиغان автобус эндигина ўрнидан жилаётган экан. У бир сакраб унчалик тирбанд бўлмаган машинага чиқиб олди-да, бўш ўринлардан бирига жойлашиб, деразадан кўча томонга термулди. Ҳавони қоп-қора булутлар қоплаб, узоқ-узоқларга — шаҳарнинг кунботар томонида чақмоқ чақаётганини кўриб, бирдан бўшашиб қолди. Нима бало, унинг уйига боришини кутиб турганмиди бу ҳаво. Кеча ёмғир, худо билсин, бугун ҳам уйига етар-етмас шаррос қуйиб берса кераг-ов...

Орадан талай вақт ўтгач, Носир ўтирган машина бурқситиб тутун чиқараётган осмонўлар завод кўвурларини, қават-қават кўркам биноларни, кафтдек текис сершовқин шаҳар кўчаларини липлип ортада қолдириб борарди. Носир эса автобус деразасидан паҳса қишлоқ уйларига, кенг қирликларда сигир етаклаб юрган болакайларга, йўл четидagi майдонларда қулф уриб ётган кўм-кўк маккажўхоризорларга аллақандай соғинч ва чексиз меҳр билан термулиб кетарди...

...Асалларнинг эшиги залворли тақиллади-ю, орадан лаҳза ўтмай остонада бошига тугун кўтарган икки нафар аёл кўринди. Ошхонада овқат тайёрлаётган Асал ҳам, ишқомлар остида қий-чувлашиб қўл-юзларини юваётган укалари ҳам кутилмаганда пайдо бўлган бу меҳмонларга ҳайратомуз термулишарди. Қош қорайиб бораётгани учунми, уларни таниб бўлмасди. Аёллар ўзаро пичирлаганларича ошхонага — Асал томонга боришди. Кайвони хотиндан олдинроқда одимлаётган аёл Носирнинг онаси эканини Асал дарров таниди-ю, уялиб ўзини ичкарига олди. Қиз ўзида йўқ шод эди...

Бухоро



Кандакорлик санъати шайдоси Фароғат Ғуломова.

Ҳ. Қурбонов туширган сурат.



Жамиятимизни соғломлаштиришга қаратилган қайта қуриш жа- раёни ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Кейинги вақтларгача сир тутилган Давлат хавфсизлик комитети идораларининг, шунингдек, Мудофаа министрлиги ва унинг жой- лардаги қисмлари фаолияти сирларидан ҳам бугун халқимиз огоҳ бўлмоқда. Мазкур йўналишларда муайян қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Мухбиримизнинг жумҳурият ҳарбий комиссарининг ўринбосари ўртоқ У. Ҳ. ҲАСАНОВ билан қилган қуйидаги суҳбатда ана шулар ҳақида гап боради.

мувофиқдир. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта. Оналарнинг аскар фарзандлари билан бўладиган бун- дай учрашувлари бундан буён анъанага айланиб қолади.

**САВОЛ: — Баъзи ҳарбий қисм- лардан келаётган нохуш хабарлар**

ҳимов ноҳиясидан) билан ўша қисмлардаги эски аскарлар ўртаси- да можара бўлиб ўтган. Демак, уларда ҳарбий интизом, назорат талаб даражасида бўлмаган. Биз- дан — шаҳар партия комитети, жа- моат ташкилотлари, ДОСААФ, ко-



**САВОЛ: — Уткир Ҳамидович! Студент-ёшларга ҳарбий хизмат бўйича берилган имтиёзлардан хабардормиз. Бу айтиш мумкин бўл- ди. Умуман, ҳарбий хизматда бўл- ган ёшларга давлатимиз томонидан қандай имтиёзлар белгиланган!**

**ЖАВОБ: —** Аввало, студент-ёш- ларга берилган кейинги яна бир имтиёзни эслатиб ўтишни истар- дим. Мудофаа министрлигининг ўтган йилнинг кузида чиққан буй- руғига асосан ҳарбий хизматни ўтаган студент-ёшлар институт ёки университетда ўқиш даврида ҳар- бий машғулотлардан озод этила- дилар. Илгари бундай эмас эди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёш- лар олий ўқув юртлирида бари бир ҳарбий машғулотларда қатна- шишлари шарт эди. Сўнги енгил- лик уларнинг бошқа фанлардан ўтиладиган дарсларни яхши ўзлаш- тиришлариغا имконият яратди. Энди хизматдаги ёшларга ва уларнинг оилаларига белгиланган имтиёзларга келсак, бу нарса СССР Министрлар Советининг 1981 йил 17 февралдаги қарори билан жой- ий этилган. Лекин бу қонуний им- тиёзларни ҳамма, айниқса, қиш- лоқларимизда яшовчи аҳоли яхши билмаслиги мумкин. Бу имтиёзлар, хусусан, қуйидагилардан иборат. Агар ҳарбий хизматдаги йигит уй- ланган бўлса, унинг оиласи ўспи- ринлик солиғидан озод этилади. Шунингдек, оила аъзолари ер учун тўланадиган жаримадан ҳам озод бўладилар. Ҳарбий хизматда- ги аскарнинг оиласида мустақил ишлайдиган шахс бўлмаса, у ҳолда бу оила уй солиғини энг кам миқ- дорда тўлайди. Колхоз аъзоси бўл- ган ёки бўлмаган оилаларнинг фарзандлари ҳарбий хизматда бўл- салар, у ҳолда бундай оилалар қишлоқ хўжалик солиғидан ҳам озод этиладилар. Агар ҳарбий хизматни ўтаётган аскарнинг фар- занди бўлса, унга ҳар ойда 35 сўм миқдорда нафақа тўланади. Бу имтиёз СССР ҳукуматининг 1963 йил 25 октябрдаги қароридан кўз-

да тутилган. Жумҳуриятимиз тур- ли вилоятларида, шаҳар ва қиш- лоқларида яшаётган барча тегиш- ли оилалар бу имтиёзлардан, ал- батта, фойдаланишлари лозим.

**САВОЛ: —** Утган йили 30 сен- тябрда биринчи марта Тошкентда Туркистон ҳарбий округи қисмла- рида хизмат қилаётган аскар йи- гитлар оналарининг учрашуви ўтказилди. Гуржистонда ҳатто аскарлар оналарининг кенгаши тузилди. Биз- да-чи! Шулар ҳақида гапириб бер- сангиз.

**ЖАВОБ: —** Бундай тадбирларга ҳам қайта қуриш шарофати деб қа- рашимиз лозим. Табиийки, туғилиб ўсган юртидан узоқда хизмат қи- лаётган йигитлар ота-оналарини, қариндошларини, туғилиб ўсган кадрдон жойини соғинади, кўмсай- ди. Ўз навбатида ота-оналар ҳам фарзандига илҳақ бўлади, унинг дийдорига талпиниб яшайди. Ас- кар фарзанд билан унинг ота-она- си ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйишда Тошкентда бўлган ўша учрашув дастлабки қадам бўл- ди. Украина, Белоруссия жумҳу- риятларининг турли жойларида яшовчи оналар ўз фарзандлари ҳузурига ошиқиб, Тошкентга кел- дилар. Уларни ҳарбий қисмлар- нинг, тегишли комиссариатларнинг вакиллари, жамоатчилик ташкилот- ларининг фаоллари темирйўл бе- катларида, аэропортда илиқ кутиб олдилар. Уларнинг турли қисмлар- да хизмат қилаётган фарзандла- ри ҳам Тошкентга таклиф қилинди- лар. Оналар билан уларнинг фар- зандлари ўртасидаги дийдор кў- ришувлар, командирлари билан бўлган суҳбатлар, самимий учра- шувлар, улар учун уюштирилган томоша ва концертлар она-бола алоқасинигина эмас, балки айти- лган вақтда армия билан халқимиз ало- қасини мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дарҳақиқат, ота-она меҳри, дийдори хизматда- ги аскар учун катта маънавий рағ- бат. Бизда ҳам худди Гуржистон- дагидек аскарлар оналарининг кенгашини ташкил этиш мақсадга

фарзанди хизматга чақирилган ва чақирилаётган ота-оналарнинг кўнглига хавотир солаятти. Ахир, афғон фожиясидан кейин уларнинг юраги зада бўлиб қолган-да. Бу ҳақда матбуотда ҳам ёзилди, СССР Олий Совети сессиясида ҳам гап бўлди. Умуман, ҳарбий қисмлар- даги аҳволга муносабатингиз қан- дай!

**ЖАВОБ: —** Сирасини айтганда, Афғонистонга ўйланмасдан қўйган қадамимиз жуда қимматга тушди. Бу номақбул ҳаракат Улуғ давла- тимиз шаънига маълум даражада доғ туширди. Жудодикдан қанча- дан-қанча ота-оналарнинг юраги қон бўлганини айтмайсизми? Бу йўқотиш ҳали сиз айтганингиздек, уларнинг юрагини жароҳатлаб қўй- ди. Бунинг устига баъзи миллатлар ўртасидаги низо ҳам армияга, ун- даги ҳолатга таъсир кўрсатаётти. Очиғини эътироф этадиган бўлсак, биз, умуман, мамлакатимиз халқ- ларининг демократияга, ошкорали- к руҳига бир текис тайёр эмасли- ги кўриниб қолди. Баъзилар де- мократия, ошкоралик туфайли ўзи- га берилган эркин бошқаролмай қолишди. Иккинчи томондан эса, турғунлик давридаги хато ва кам- чиликларимизнинг асорати ошко- ралик шароитида юзага қалқиб чиқди. Бугун ҳаммамиз сиёсатдон. Суяги қотиб-қотмаган ўспирин ҳам ўзидан каттага ақл ўргатади. Бу- гунги демократия, ошкоралик ру- хи айтиш мумкин. Лекин бунинг дав- лат интизомини қаттиқ ушлаган ҳолда қонун кучи билан амалга оширишимиз лозим. Давлат инти- зомини эса анча бўшашиб кетди. Ўз- ўзидан маълумки, бу армияга ҳам, у ердаги аскарлар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатаётти.

Мен сизга янги бир воқеани ай- тиб берай. Бундан бир неча вақт ил- гари Узоқ Шарқ ва Байкалорти ҳар- бий округлари қисмларидан бири- да хизмат қилаётган тошкентлик бир гуруҳ йигитлар (улар асосан шахримизнинг Октябр, Собир Ра-

миссариат ва округ вакиллари билан иборат комиссия тузилиб, уларга жабрланганларнинг ота-оналарини қўшиб, ўша қисмларга юборилди. Улар можаронинг асосий сабабла- ри билан қизиқдилар, жиноятчи- ларни аниқлашга ёрдам бердилар, айтиш вақтда ўша қисмлардаги масъул шахслар олдига қатъий талаблар қўйдилар. Қисмларнинг айбдор командирлари вазифала- ридан бўшатилиб, жиноятчилар ус- тидан эса жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Нима учун аскарлар ўртасидаги жиддий можаролар айнан ўша ок- ругларнинг қисмларида кўпроқ юз бераётти, деган савол туғилади. Бунинг боиси бор, албатта. Маъ- лумки Сибир, Узоқ Шарқ ўлкала- рига нисбатан ўша қатагон йил- ларидан жазо жойи, сургун майдон- ни тарзида нотўғри муносабат сақ- ланиб келинган. Ўша жойдаги ҳар- бий округларда кўпроқ қурувчи ас- карлар хизмат қилишди. Одатда, қурувчи аскарлар сафида илгари судланган, ичкилик ва гиёҳвандлик- ка ҳирс қўйганлар кўпроқ бўлади. Жанжал-можарони чиқарадиган- лар ҳам ўшалар. Текширишда бу гап ҳам шу нарса аниқланди. Шу ўринда қурувчи аскарлар хусусида кенгроқ тўхталишни истардим. Қу- рувчи қисмлардаги аскарларнинг шароити ниҳоятда ачинарли. Бу қисмларга ҳатто тегишли давлат идоралари ҳам текин ишчи кучи тарзида паст назар билан қараша- ди. Йигитларни турли қурилишлар- да, жуда оғир шароитларда худди ҳаммоллардек аёвсиз ишлатиша- ди. Уларнинг меҳнатларига эса мутлақо арзимайдиган ҳақ тўлана- ди. Яна тагин уларни истаган вақт- да турли иншоотлар қурилишига жалб қилавердилар. Ўша Узоқ Шарқда эса иқлим шароити учун белгиланган моддий имтиёзлар- дан ҳам аскар йигитларимиз маҳ- румлар.

Қайта қуриш талабларига кўра, армия қисмлари тарзида ҳам му- ҳим ўзгаришларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жанговар хиз-



матга маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тўла яроқли бўлмаган, қурилиш қисмларига мўлжалланган ёшларни бундан кейин Мудофаа министрлиги ихтиёрига эмас, балки турли хил қурилишлар билан бевосита боғлиқ бўлган Темирйўл ва Қурилиш министрликлари каби маҳкамалар ихтиёрига қақриш хусусида гап бораёпти. Министрлик ҳам худди шу фикрда.

Янгидан туғилаётган янги бир фикр шундан иборатки, ҳарбий ёшга етган йигитларни ҳарбий хизматга Мудофаа министрлигининг ҳозиргидек буйруғи билан эмас, балки СССР Олий Совети қарори билан қақриш тартибини жорий этиш ҳақида ҳам фикр юритилаёпти. Бундай таклиф-мулоҳазалар ҳозир ҳукуматимизнинг юқори даражадаги маҳкамаларида муҳокама қилинаёттир. Ана шундай қилинса, армиямизнинг, аскар йигитларимизнинг шаъни янада ортади, хизмат ва яшаш шароитлари яхшиланади.

Ҳарбий қисмлардаги аскарлар ўртасида нохуш ҳолларнинг содир бўлаётганлиги масаласига қайтадиган бўлсак, бунда Фарғона воқеаси муносабати билан марказий матбуотнинг баъзи нашрларида пайдо бўлган носоғлом мақолаларнинг ҳам таъсири бўлди. Хусусан, «Огонёк» журнали ва «Труд» газетасининг Головковга ўхшаган ғаразгўй муаллифларининг, «20-йилларда босмачилик ҳаракатини уюштирган ўзбекларнинг қўли бугун ҳам калтак-тўқмоқларга тез-тез чўзилаяпти...» тарзидagi миллатчилик руҳидаги талқинлари жойларда, жумладан, баъзи ҳарбий қисмларда ҳам ўзбек халқи, унинг фарзандлари ҳақида бугун нотўғри тасаввур туғдираяпти. Бундай зарарли

кайфиятларга ўз вақтида зарба берилиши керак.

**САВОЛ: — Қайта қуриш жараёни ҳарбий комиссариатлар фаолиятига қандай таъсир этаяпти?**

**ЖАВОБ: —** Маълумки, демократия ва ошкоралик руҳи жорий этилишга қадар комиссариатлар фаолияти ҳам халқдан узоқда эди. Маҳаллий аҳоли билан муттасил мулоқот йўқ эди. Йигитлар турли қисмларга жўнатилаётганда борадиган жойлари уларнинг ота-оналаридан мутлақо сир тутиларди. Энди эса биз халқ билан, кишилар билан муттасил мулоқотда бўлиш ҳаракатидамыз. Ҳарбий хизматга жўнатиш вақтида ота-оналарга фарзандлари қаердан, қайси поездда ёки самолётда кетишларини, уларнинг қайси томонларга боришликларини олдиндан маълум қилаёймиз. Бу нарса ота-оналарнинг ортиқча хавотирланмасликларига имкон беради. Ҳарбий комиссариатлар ҳақида гап кетганда шуну айтиш керакки, кейинги икки йил давомида идорадаги хизматчи ходимлар сони бирмунча ортди. Илгари ниҳоятда кам эди. Жумҳурият комиссариати фаолияти хусусида гапирадиган бўлсак, кўпчилик тасавурида бу маҳкама жумҳуриятимиздаги барча вилоятлар ҳарбий комиссариатларининг фаолиятини бошқарадиган, уларни назорат қиладиган идора бўлиб туюлади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Лекин нимагадир ундай эмас. Биз фақат Тошкент вилояти комиссариати фаолиятини назорат қилиш ваколатигагина эгамиз. Бошқа вилоятлар комиссариатларини эса бевосита Туркистон ҳарбий округи раҳбарияти назорат қиладди. Бу ҳол эҳтимол илга-

ри ишлаган баъзи комиссарлар ишончсизлик туғдирганлигидан бўлса керак. Ҳозир жумҳуриятимиздаги барча вилоятлар комиссариатларининг ваколатини бизга бериш ҳақида гап бўлаяпти. Агар шундай қилинса, бу жуда тўғри бўлади. Бу жараёнда, албатта, жумҳурият ҳарбий комиссариатида хизматчилар сонини ҳам маълум миқдорда ошириш кўзда тутилмоғи лозим.

**САВОЛ: — Ҳарбий хизматдаги юртдош ёшларимизга қандай тилақларингиз бор!**

**ЖАВОБ: —** Мен аввало, бу ўринда диёримиз йигитларининг турли ҳарбий қисмларда муносиб хизмат қилаётганликларини алоҳида хушнудлик билан таъкидламоқчиман. Умуман, ҳарбий хизматни адо этиш — ҳар бир йигитнинг Ватанимиз олдидаги бурчи. Айни вақтда икки-уч йиллик ҳарбий хизмат йигит киши учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний чинқиш мактаби. Халқимизда «мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас», деган ҳикматли гап бор. Одатда, ўз юртдан ўзга юртга хизматга бориш, у жойда икки йил ҳаёт кечириш ҳар бир йигитда катта таассурот қолдиради. У янги муҳитда турли миллат фарзандлари билан танишади, улар билан дўстлашади. Хуллас, йигитларимиз кўрмаганларини кўриб, билмаганларини билиб қайтадилар. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардим. Оилада ўғил боланинг соғлом ўсиб, жанговар хизматга лаёқатли бўлиб етилиши, сирасини айтганда, йигитнинг ўзи учун ҳам, унинг ота-онаси учун ҳам фахр. Мабодо, фарзандингиз касалманд бўлиб, у ҳарбий хизматга лаёқатсиз бўлиб чиқса, унда сиз бошқалар


олдида ўзингизни маъносиз тортасиз. Бу ҳолатнинг яна бир нозик томони борки, бўй етган қизлар ҳам ҳарбий хизматга яроқсиз бўлган йигитларга хавотир билан қарашади. Улар ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаётган, жисмоний чинқиқан йигитларни кўпроқ хуш кўрадилар. Соғломликка нима етсин.

Хизматдаги юртдош йигитларимизнинг ўз ота-оналарининг, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг шаънини муносиб оқлашларини истардим. Шундай ҳолларга ҳам дуч келамизки, баъзи аскар йигитлар ўз ота-оналарига хат ёзмай қўядилар. Бундай аҳволга тушган ота-она бизга, ҳарбий комиссариатга келиб: «Ўғлимиздан хат-хабар йўқ. Унинг аҳволини билишга ёрдам берингизлар», деб мурожаат қилишади. Бундай камҳафсала, тошмехр йигитларга айтадиган ўғитимиз шундай: Сиз ота-она учун азиз фарзандсиз. Улар олдида бир умр бурчлисиз. Ўз аҳволингиздан отаю онайизорингизни тез-тез хабардор қилиб туринг. Уларни ортиқча хавотирга солманг. Оқ сут берган онангиз, падари бузрукворингиз сизнинг йўлингизга кўз тикиб ўтирибди, ҳар кун, ҳар соат сиздан хат-хабар кутаяпти.

Гапимнинг ниҳоясида хизматдаги фарзандларининг дийдорини кўмсаб турган кўп сонли ота-оналаримизнинг дилидаги ниятларига шерик бўлиб: «Йигитларимиз ой бориб, омон қайтишин» деган тилакни билдираман.

**— Яхши тилақларингиз учун раҳмат!**

Сўхбатни **Шомурод СИДДИҚОВ** олиб борди



## ОЗОН ҚАЁҚҚА ҒОЙИБ БЎЛМОҚДА!

«Сизлар — ягона сайёрада истиқомат қилувчи, битта кемада сузиб бораётган кишиларсиз», —

деб мурожаат этган эди бир пайтлари француз ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюпери.

Шундан бери ярим аср вақт ўтди. Лекин фақат бугунги кундагина халқларнинг онг-шуурида инсонларнинг ўзаро бир-бирига алоқадорлиги, мўрт бу дунёнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ҳар биримизга нақадар масъулият юкляётганлигини эътироф этиш мумкин. Хонадон ва оила ҳақида қайғуриш, саломатлик ва атроф-муҳит мусоффолиги, бахт-саодат сари интилиш каби умуминсоний ташвишлар давлатлараро чегараларни писанд қилмайдиган қадриятларга айланди. Қуйида берилаётган сўхбат ҳам ана шу ҳақда.

Америкада чиқадиغان «Нейчур» («Табиат») журналининг сўнгги сонларидан бирида Колорадо штати (АҚШ) дорилфунуни олимлари томонидан эълон қилинган маълумот келтирилади. Ана шу ахборотда таъкидланишича, Антарктида осмонида пайдо бўлаётган озон бўшлиғи одатдагидан кўра бир ой муқаддам — август ойининг ўрталарида рўй бераёттир. «Правда» газетасининг муҳбири А. Болдинюк ана шу муам-

мони шарҳлаб беришни Гидрометеорология бўйича Давлат комитети раиси В. Захаровдан илтимос қилди.

— Бу йилги озон бўшлиғининг пайдо бўлиши август ойининг охирига тўғри келди, — деди у. — Бўшлиқнинг миқдор даражаси 1987 йилги даражага тенг бўлди. 1988 йилнинг кузида эса, озон бўшлиғи умуман кузатилмади.

**— Демак, озон бўшлиғининг пайдо бўлиши сабаблари ҳали-ҳозирча яхши ўрганилмаган экан-да!**

— Шундай деса ҳам бўлади. Антарктидада баҳор бошланиши билан озон оқими кескин қисқаради. Ер юзидан тарқала бошлаган иссиқлик натижасида ҳавонинг юқори қатламлари хлорфторуглеродлар билан қўшилишиб, хунук оқибатларга олиб келади ва бу ҳол Антарктида осмонида кўпроқ кузатилади.

**— Шимолда-чи, бундай аҳвол кузатилмайдими!**

— Бахтимизга, бундай аҳвол бу ерларда кузатилмайди. Озон қатламининг қисқариши ниҳоятда оз даражада бўлиб, у қадар хавф туғдирмайди.

**— Сайёрамизнинг шимол**

**молий қисмида халқаро тадқиқотлар ўтказилиши кўзда тутилганми!**

— Биз бу борада АҚШ, ГДР, Болгария, Мўғулистон олимлари билан ҳамкорлик қилаётимиз. Масалан, 1991 йилда учирлиши режалаштирилган — Америка асбоб-ускуналари билан таъминланган «Метеор — 3» сунъий йўлдош стратосфера қатламларини ўлчашга мўлжалланаёттир. Шунингдек, Канада олимлари билан ҳам йўлга қўйилаётган илмий ҳамкорликдан умидимиз катта.

**— Нима учун турли мамлакатларнинг олимлари айнан Антарктида устидаги озон бўшлиғи билан шугулланмоқдалар!**

— Агар озон қатлами даражаси Жанубий ярим шар билангина чекланса, мазкур муаммонинг илмий аҳамияти ниҳоятда торайган бўлур эди. Ахир замнимиз осмонининг ўрта қисмида ҳам бундай фалокат рўй бераёттир. Антарктида эса, муаммони «соф ҳолатда» кузатиш имконияти мавжудлиги билан аҳамиятли. Ер куррасининг айнан ана шу қисмида бундан кейин ҳам тадқиқотлар ўтказилиши шарт ва зарурдир.







# НАВОИЙНИНГ МЎЪЖАЗ СУРАТИ

Фозила СУЛАЙМОНОВА,  
филология фанлари доктори

Алишер Навоийнинг профессор А. А. Семёнов Америка журналидан олиб, шоирнинг 500 йиллик юбилейи олдидан 1940 йили чоп эттирган («Портрет эпохи Навои») ва яқин вақтларгача ягона деб ҳисобланган расмидан ташқари бошқа тасвири йўқ эди. Шоирнинг портрет, ҳайкаллари ишлаган санъат соҳиблари (В. Кайдалов, А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров ва бошқалар) ўз асарларини худди ана шу мўъжаз расм асосида ишлаганлар.

А. А. Семёнов чоп эттирган расм 1500 йили Беҳзоднинг шогирди Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан яратилган бўлиб, бу расм Эроннинг Машҳад шаҳридаги Остонаи қудс кутубхонасида сақланмоқда. 1936 йили Америкада чоп этилган «Исломо санъати» журналининг саккизинчи жилдининг биринчи қисмида Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган расм босилган.

Юқорида тилга олинган ва ҳаммага маълум бўлган расмда Навоий ҳассага суянган, анча кекса (ваҳоланки бу вақтда шоир энди 59 ёшда эди) ҳолатда тасвирланган. Мўъжаз расм имкони чекланган бўлишига қарамай, мусаввир буюк инсоннинг ички қиёфасини зўр маҳорат билан бера олган. Маҳмуд Музаҳҳиб суратидан сизга фозил, инсонларга меҳр тўла қалб эгаси, буюк мутафаккир, ўзида энг олий инсоний хусусиятларни мужассамлантирган нуруний Одам боқиб турганини бир қарашдаёқ англайсиз. Афсуски, бизнинг давримиздаги бирорта ҳам мўйқалам соҳиби ўзлари яратган Навоий портретларида, XV аср расмидан келиб чиққан ҳолда, Музаҳҳиб ишининг худди ана шу хусусияти, шоирнинг ички дунёсини акс эттира олмаганлар.

Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган расмнинг юқориги чап бурчагида «Суврати Амири Кабир Мир Алишер», пастки ўнг бурчагида эса «Амали Маҳмуд Музаҳҳиб» сўзлари ёзилган. Юқоридаги ёзувнинг пастки қисмида, Навоийнинг елкаси устида муҳр бор, аммо ундаги ёзувни ўқиб бўлмади. Афсуски, бизга расмнинг фақат қора-оқ нусхаси маълум ҳолос, инглиз олими академик В. Грей устоз Ҳамид Сулаймонга юборган асли суратдан олинган фотонусха ҳам қора-оқ тасвирдан иборат.

1965 йили Туркияда профессор Огоҳ Сирри Леванднинг Алишер Навоийга бағишланган тўрт жилдлик китоби босилди. Ана шу нашрнинг биринчи жилди Навоий даври, ҳаёти ва ижодини ёритишга бағишланган бўлса, қолган уч жилдида шоир асарларидан парчалар берилган. Мажмуанинг биринчи жилдида Навоий анча ёшлик пайтини тасвирловчи мўъжаз расм берилган. Бу рангли расм Тўп қопи Реван кутубхонасида 2155 сақлов рақами остидаги мураққаънинг 29 б варағидан олинган. Афсуски, Леванд ҳеч қандай изоҳ бермади. Расмда бир ёш йигит билан 30—35 ёшлик киши тасвирланган. Суратнинг юқори томонидаги чап бурчагида майда араб ёзувида «Суврати дилпазир Мирзоҷучук бо Амир бе шибҳу назир Низомиддин Алишер», пастки қисмида, ўнг томонда эса зўрға ўқиб бўларлик майда ёзувда «Амали ал-фақир Али» сўзлари бор. Демак, расмда Навоий тасвирлангани ҳақида ҳеч қандай шубҳа туғилмайди.

Навоий расмда кулча юзди, қирри бурун, қалта қилиб олинган қизғиш соқол-мўйлаб,

қобоклари кенг этиб тасвирланган. Шоирнинг либоси ҳам ўзига хос — оқ кўйлак устидан ёқасиз мовий камзул, устидан узун енглик, пушти астарлик жигарранг чакмон, оёғида оқ чувак, бошида эса яшил дўппига оқ салла ўралган. Шуниси ҳайратомузика, бу расмда ёш Навоий Маҳмуд Музаҳҳиб расмидаги кекса тасвирига ўхшаб, узун ҳассага суяниб турипти. Бу сирнинг сабабини аниқлай олмадим.

Учинчи расм 1970 йили профессор Ҳамид Сулаймон чоп эттирган «Навоий дostonлари га ишланган расмлар» албомуада 23-сана остида берилган. «Садди Искандарий»га ишланган бу расм дostonнинг 95 б варағида берилган (ҳаммаси 97 варақ).

Навоий «Хамса» устидаги ишни тугаллар-тугалламас валийаҳд шаҳзода Бадиуззамон учун бадий безаклар, мўъжаз расмлари бор нусха тайёрланади. Ушбу қўлёзма ҳозир Англияда Оксфорд дорилфунунининг Бодлеян кутубхонасида сақланади. Қўлёзма-нинг ҳаттоги номи келтирилмаган, фақат «Лайли ва Мажнун» колофонида 890 (1485) санаси бор. Демак, қадимийликда Бадиуззамон қўлёзмаси иккинчи ўринда туради.

Бодлеян кутубхонаси «Хамса»сида Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан ишланган 13 та жуда ажойиб мўъжаз расм бор. Бизни расмларнинг охиригиси қизиқтиради, домла уни «Навоий буюк шоирлар ўртасида» деб номлаганлар. Чет эл санъатшунослари (И. Шчукин, Сақися, В. Грей ва ҳоказо), уларнинг кетидан баъзи рус олимлари ҳам, қўлёзмани ўқимасдан, асарни тахминан таҳлил этиб, расмни «Мутасаввуфлар богда» деб атаганлар. Ваҳоланки, устоз Ҳамид Сулаймоннинг асар мазмунидан келиб чиқиб аниқлашча, расм дostonнинг сўнги эпизодларидан бири, яъни Навоий тугалланган «Хамса»ни устози Жомий ҳузурига олиб келиб, Маҳдум асар варақлар экан, шоир буюк илқдошларни хаёлан богда кўргани тасвирланади:

*Кўруб ўзни бир тоза бўстон аро,  
Қилиб гашт боғу гулистон аро.*

*Чу Саъдио, Фирдавσιο, Унсурий,  
Санойю, Хоқонийю, Анварий,  
Анга тегурким шайху пайрав эди  
Ки, яъни Низомийю Хусрав эди.*

Расмда анъанавий ярим доирада Низомий, Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Саной, Анварий ва Хоқонийлар, Низомийнинг ёнида Жомий ва Навоий алоҳида ўлтиришипти, Ҳасан Деҳлавий эса тик турипти. Осмонда 3—4 кунлик ой, юлдузлар, адирлик, гуллаб турган мева дарахтлари, юқоридан сув оқиб келиб, ўтирганлар ёнидан, Анварий ва Хоқонийлар олдидан ўтади (шу ўринда сувнинг қора бўёқда берилишини изоҳлаш лозим, деб топдим: даставвал сувни табиий кумуш бўёқда тасвирлаганлар, вақт ўтиши билан кумуш қорайган). Юқоридаги ўнг бурчақда дoston охиридан уч байт берилган. Пастки байт жадвали ичида «амали Қосим Али» сўзлари қизил сиёҳда ёзилган (Қосим Али — Беҳзод шогирдларининг бири). Аммо кўпчилик санъатшунослар, айниқса, И. Шчукин миниатюра бу Музаҳҳиб мўйқаламига мансуб эмаслиги, ёзув эса кейинча битилганини таъкидлайди, мен ҳам шу фикр тарафдориман.

«Садди Искандарий» 1485 йили, шоир 44 ёшда эканида тамомланган, қўлёзма ҳам ўша йили кўчирилган, расм ҳам шу вақтда ишланган. Лекин шуниси қизиқки, кучқувватга тўлган шоирнинг соқол-мўйлаби оппоқ этиб тасвирланган. Ваҳоланки, Низомий «Хамса»сидаги расм бундан ўн йил кейин чизилган бўлса-да, Навоий кекса этиб тасвирланмаган. Фикримча, шоирлар даврасидаги Навоийнинг оқсоқол этиб тасвирланиши етуклик рамзи билан боғлиқ бўлса керак.

«Садди Искандарий»даги расмда шоир ўз асарини буюк устозлар муҳокамасига олиб келган ва уларга ҳурмат юзасидан бошини қуйи солиб, эҳтиром билан ўлтирипти, Низомий билан Жомий эса қўлларини ҳаракатга келтириб сўзлашмоқдалар. Бу суратда Навоий узун енглик яшил чакмонда (енгининг узунлиги суфизм таълимотига амал қилиб, дунё ташвишларидан қўл силкитишнинг белгиси.) Бу расмдаги Навоийнинг қиёфаси Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган машҳур тасвирга анча ўхшайди. Миниатюрани Беҳзод шогирдларининг бири, демак шоирнинг ўзи воёга етказган мусаввир ишлаган.

Деҳлидаги миллий музей залларининг бирида «Навоий ва Жомий. Беҳзод иши» деб аталган расм топилди. Унинг рангли слайдини 1977 йили Ҳамид Сулаймон Ҳиндистондан олиб келдилар. Расмда оқ соқолли икки нуруний шахс суҳбатлашиб ўлтириптилар. Пастроқда, ҳовузча атрофида, чап томонда иккита ва ўнг томонда битта одам ўлтирипти. Эшик олдидаги панжара тўсиқ олдида қора танли ғулум бола ва ёш ўғлон туриптилар. Расмда ҳаммаси бўлиб 9 шахс тасвири берилган. Булар орасида гиламчада ўлтирган икки кекса бизнинг диққатимизни жалб этди. Улар юз тузилиши, кийим-кечаги, ўлтириш усули ва умуман ҳамма томонлама олганда XV асрда Ҳиротда яшаган икки буюк шахс — Жомий ва Навоийга ўхшайди. Ҳар иккала қиёфа юқорида айтилган «Садди Искандарий» охирида берилган «Навоий буюк шоирлар ўртасида» деб номланган расмдаги Жомий ва Навоийга жуда ўхшайди. Аммо санъат, маҳорат, бўёқлар, чизиқлар нафислиги жиҳатидан XV аср миниатюраларидан анча тубан туради. Расмда ҳеч қандай ёзув йўқ, «Навоий ва Жомий. Беҳзод иши» деган маълумотни қаердан олдинглар, деган саволга музей ходимлари жавоб беролмадилар. Фикримча, бу миниатюра XV асрда ишланган бирор асардан кўчирма ёки кейинги даврда унга тақлидан ишланган бўлса керак.

Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг Виндзор қасри кутубхонасида Навоий асарларининг Султон Али Машҳадий кўчирган икки қўлёзмаси сақланаётганини 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон аниқладилар ва улардаги расмларнинг рангли слайдини олиб келдилар. Бу асарларнинг бири терма девон, иккинчиси «Хамса», ҳар иккаласида ҳам бадий безакли ва мўъжаз расмлар бор эди. Девонни 1872 йили Бухоро амири Ҳиндистондаги инглиз губернатори орқали қиролича Викторияга тортиқ сифатида юборган, «Хамса» эса Бобурийлар кутубхонасидан чиққан эди. Бизни «Хамса» қўлёзмаси қизиқтиради.

Мўъжаз расмлар одатда «Лайли ва Маж-



нун», «Фарход ва Ширин», «Сабъаи Сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларига ишланиб, «Хайрат ул-аброр»га камдан-кам расм ишланган. Виндзор қўлёзмасида эса аксинча, фақат шу дostonгагина тўрт расм ишланган. 7<sup>а</sup> варақдаги суратда Султон Ҳусайн ҳузурда базм тасвирланиб, сарой аҳллари, чет эллик меҳмонлар, овчилар, созандалар, зиёфатга ҳозирлик кўраётган ғуломлар... Адир этагидаги майсазорда шоҳона чодир тикилган, унинг тагида сўри, унинг устида оддийгина тахта қўлида коса ушлаган Султон Ҳусайн ўлтирипти. Унинг олдида қўлида очик китоб ушлаган, қадди букилган, оппоқ соқолли кекса ялангоёқ одоб сақлаган ҳолда Султонга нимадир демоқда. Унг томонда оқ соқолли, жигарранг камзул устидан мовий чакмон кийган кекса ва яшил тўнли одамлар ўлтирипти.

Расмнинг юқорисида 5 байт матн бор, унда:

*Хон келибон ҳам ато, ҳам от анга,  
Файр оти бирла мубоҳот анга.*

*Турки мўғул қўллари хонлар анинг,  
Мулк диҳи, мулкситонлар анинг.*

*Қўлларги хонларга келиб фарзи айн,  
Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн.*

мисралари бор, лекин сўнги мисрадаги Султон Ҳусайн номи ўчирилган.

Расмдаги бизни қизиқтирган шахсларга келсак, ким Султон ҳузурда бўлиши мумкин эди, деган савол туғилди. Навоий давридаги энг кекса ва атоқли шоир Лутфий бўлиши керак. Сўрининг ўнг томонида ўлтирган икки кишига келсак, «хонлару шаҳлар шаҳи» ҳузурда бемалол суҳбатлашиб ўлтириш ҳуқуқига ким эга бўлиши мумкин эди, фақат устоз, пир ва энг яқин дўст. Сарой адабига кўра, шоҳ ҳузурда ўлтириш фақат маълум даражадаги шахсларга илтифот этилган, холос. Ана шу мулоҳазалардан ва оқсоқол кексанинг Жомийнинг кўпчилик тасвирига айнан ўхшашлигини назарда тутиб, унинг Жомий эканлигини аниқ деб топдик. Энди ҳазрати маҳдум ёнида Навоийдан бошқа ким бемалол суҳбатлашиб ўлтириши мумкин? Бундан ташқари, Султон Ҳусайн базми мамлакатдаги шохдан кейинги эътиборли шахс ва энг яқин дўст бўлган Алишер Навоийсиз ўтишини тасаввур этиб бўлмайди.

Қўлёзми синчковлик билан ўрганган профессор Ҳамид Сулаймон қўлёзмага берган тавсифда «бу ажойиб қўлёзма Ҳиндистонда Бобурийлар кутубхонасининг мулки бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. 1а варақда «соҳибқирон Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳижаҳон подишоҳи Ҳозий, 1038» деб ёзилган, ўша варақдаги муҳрда «Оламгир подишоҳ» (яъни Аврангзеб) сўзлари бор, дейилган. Демак, нусхани Бобурийлар кутубхонасида инглизлар олиб кетган. Колофонда ёзилишича, китоб Султон Ҳусайн «Шоҳ Абулғозий» учун тайёрланган. Афсуски, XV асрда Ҳиротда Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари томонидан ишланган мўъжаз расмлар Ҳиндистонда ўз услубларига мослаштириб қайта ишланган, лекин асосий шахслар — Султон Ҳусайн, Лутфий, Жомий, европалик меҳмон эски ҳолатича сақланиб қолган. Фикримнинг исботи сифатида қуйидаги далиллари келтираман: саҳифанинг пастки қисмида кўпол хатда «шоҳ Султон Ҳусайн, амали Даҳанрож» ва расмдаги зинапоёда «амали Даҳанрож» ёзувлари бор. Маълумки, Ҳирот санъаткорлари ўз номларини ҳеч қачон бундай бўрттириб, кўпол равишда ёзмайдилар, аксинча, камтарона яширадидилар, ёки умуман кўрсатмайдилар. Ҳақиқатан, пастда турган оқ рангли ов ити ёпинчигининг гули орасида «Раҳимий» исмини топдим. Демак, расмнинг асли ижодкори Раҳимий. Бундан ташқари, қўлёзмадаги бошқа расмлар ҳам (ҳаммом тасвирдан ташқари) худди ана шундай «тузатилган», уларда кейинги бўёқлар бироз тўкилиб,

остидан Ҳиротда ишланган тасвир кўриниш турпти.

Лондондаги Британия музейида бадий қўлёзманинг ажойиб намунаси бўлган Низомий Ганжавий «Хамса»сининг Ҳиротда кўчирилган нусхаси сақланади. Унда Бехзод ва унинг мактабига мансуб бўлган 21 мўъжаз расм, шамс, лавҳа ва унвонлар бор. 1<sup>б</sup> ва 62<sup>б</sup> варақлардаги ёзувларга биноан китоб сарой амалдорларидан бўлган Амир Али Форсий барлос буюртмаси билан тайёрланган. Қўлёзма Бобурийлар сарой кутубхонасидан чиққан бўлиб, ўз даврида Жаҳонгир подишоҳ (1605—1628) ва кейинчалик санъатшунос олимлар қўлёзма расмлари устида кўп тадқиқотлар олиб борганлар.

«Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» мураққаъси устида иш олиб борар эканман, диққатимни 214<sup>а</sup> варақдаги расм жалб этди. Қизиғи шундаки, 214<sup>а</sup> ва 37<sup>б</sup> варақдаги (мен уни «Султон Ҳусайн ҳузурда ёш жангчи қасамёд этмоқда» деб номладим) расмларнинг Низомий дostonлари мазмунига ҳеч қандай алоқаси йўқ, шунинг учун бўлса керак, шоҳ Жаҳонгир ҳам, санъатшунослар ҳам уларни тадқиқотларидан четда қолдирганлар. 1969 йили Англияда чоп этилган откриткада эса 214<sup>а</sup> варақдаги расмни «Искандар донишмандлар даврасида» деб атадилар.

Миниатюра устида ишлар эканман, унда тасвирланган уч шахс жуда таниш туюлди. Боғ, гуллаган дарахтлар, гуллар, ҳашаматли бино, панжара девор, эшик нимтасвирида гиламлар устида анъанавий ярим доира шаклида саккиз нафар нуроний кексалар суҳбатлашиб ўлтириптилар. Олдида китоблар, астуллаб асбоби, марказда сууба (иситувчи мослама). Бизни марказдаги настарин (сирень) ранг кўрпачада болишга суянган ҳолда ўлтирган 40—50 ёшлар чамасидаги одам қизиқтирди. Устида узун энглик яшил чопон, ичида қизил камзул, гулдор дўппи устига бежиримгина салла ўралган. У киши чап томонда ўлтирган, жигарранг тўнлик, гапирётган оқ соқол кексани диққат ва эҳтиром билан эшитмоқда. Жигарранг тўнлик бу кекса Жомийнинг бошқа аниқ расмларига айнан ўхшайди. Яшил тўнликнинг ўнг томонида эса қора чопон кийган, оппоқ соқоллик жуда қари одам ўлтирипти. У Виндзор «Хамса»сидаги, «Султон Ҳусайн ҳузурда базм» суратида шоҳ олдида тик турган одам, яъни Лутфийнинг айнан ўзи.

Ярим доирада ўлтирганларнинг марказидаги яшил чопон кийган одам тасвирини кўрар эканман, ўша ондаёқ кўз олдимга Леванд нашр эттирган расм келди. Бу расмдаги одам қиёфаси, ёши, соқол-мўйлабининг шакли, ранги Туркиядаги расмнинг айнан ўзи бўлса, кийим-кечаги, ўлтириш усули Бадиуззамон қўлёзмасидаги Навоий суратига ўхшайди. И. Шчукиннинг маълумот беришича, Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган портретда ҳам шоирнинг соқол-мўйлаби қизғиш.

XV аср охири чорагида Ҳиротдаги тарихий шароитни кўз олдимизга келтирсак, Навоийдан ўзга ким ўзидан ёш жиҳатдан катта бўлган уламо-фузало, олим, шоирларни ўз ҳузурига тўплаши мумкин эди? Агар шу ўринда бирор амалдор бўлса, у ҳеч қачон шунчалик камтарона кийинмаган, атрофидагиларга шунчалик диққат ва эҳтиром билан муносабатда бўлмас эди. Юқоридаги ҳамма мулоҳазалардан келиб чиқиб, Британия Музейидаги Низомий «Хамса»сининг 214<sup>а</sup> варағида ҳазрат Алишер Навоийнинг етуклик даври тасвири берилган, деган хулосага келдим.

Қўлёзма яхши сақланган, унда ҳаттот номи ва яратилиш тарихи кўрсатилмаган, лекин 214<sup>а</sup> варақдаги расмда тасвирланган бинонинг иккинчи қавати ойнаси пештоқига майда ёзув билан «тарихсана сомония» дейилган. Агар бу абжат ҳисобини санага айлантурсак, 900 ҳижрий, яъни 1494 йил ҳисоби чиқади. Демак, расм Навоий 53 ёшда эканида чизилган.


Британия Музейидаги «Хамса» 214<sup>а</sup> варағидаги суратга ўхшаган расм Амир Хусрав

Дехлавийнинг Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номли Давлат халқ кутубхонасида сақланаётган «Лайли ва Мажнун» дostonи 5<sup>а</sup> варағига ҳам ишланган. Бу қўлёзма ҳам Ҳиротда XV аср охирида китобат этилган, афсуски, тарихи йўқ. Китобни Султон Али Машҳадийнинг шогирди Султон Муҳаммад Ҳиравий кўчирган. Китобдаги бадий безаклар ва етти расмни Бехзод ва унинг яқинлари яратганлар. Етти расмнинг биринчиси 5<sup>а</sup> вараққа ишланган. Чинор дарахти, қизил панжара, шинам бино олдида олти киши ярим доира бўлиб ўлтириптилар. Уларнинг олдида очик китоб устида бош эгиб иззат сақлаб бир ёш йигит ўлтирипти. Ярим доира марказида яшил чопонда, қора дўппи устига оқ салла ўраган 45—50 ёшлар чамасидаги кулча юзлик, қобоқлари кенг, қизғиш соқол-мўйлаблик бизга таниш одам ўлтирипти. Чамамда, ёш шоирнинг асари муҳокама этилмоқда. Марказдаги одам Туркия ва Британия музейи миниатюраларида портретнинг айнан ўзи. Ҳар уччала расм буюк шоирга яқин бўлган, ўзи тарбиялаб етиштирган мусаввирлар томонидан чизилган. Натижада, Навоийнинг олти тасвири борлиги аниқланди.

Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонининг XV асрнинг 80-йилларида Султон Ҳусайн учун тайёрланган қўлёзмаси сақланади. Девонни Султон Али Машҳадий кўчирган, аммо уни безатган, расмлар ишлаган санъаткорларнинг оти йўқ. Китоб бадий безаклик, 6 мўъжаз расм ҳам бор, аммо улар яхши сақланмаган, кўп жойларга бўёқлар тўкилган. 29<sup>а</sup> ва 97<sup>а</sup> варақларда бир ёш, кулча юзлик йигит тасвирланган, ҳар иккаласида ҳам ой юзлик гўзал шоир сурати чизилган. Буларни ҳам Навоийнинг йигитлик чоғи, деб тахмин қилиш мумкин.

Изданишлар ва топилмалар натижасида инсонпарвар, олижаноб, файласуф, олим, тенги йўқ шоир, буюк Инсон Низомиддин Алишер Навоийнинг ўзидан чизилган ва у киши назаридан ўтган тасвирлари топилди. Ишонамизки, замонамиз мўйқалам соҳиблари бундан кейин ана шу мўъжаз расмлар асосида шоирга арзигулик портрет ва ҳайкаллар яратадилар.

Англияда сақланаётган ва Навоийнинг ўзидан ишланган тасвир, деб ойнажаҳон оркали эълон қилинган расм XVI аср Шероз мактабига тааллуқли бўлиб, «Мажолис ун-ушшоқ»қа ишланган, унинг шоирга ҳеч қандай алоқаси йўқ.



Қиш жозибаси. А. Абалян сурати





«Ил-86» ҳаво лочинини тажрибали ўзбек учувчилари Сайфутдин Шобобоев, иккинчи учувчи Одилжон Собиров ва ёрдамчи Геннадий Хайровлар маҳорат билан бошқарадилар.

Э. Каримов сурати



## ЭНГ ЙИРИК ТОШБАҚА

Ер юзидаги энг йирик тошбақа Ҳинд уммонининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Қушлар оролида яшайди. Мазкур қуруқлик бўлакчаси Сейшел ороллариининг бир қисми ҳисобланади. Оғирлиги 306 килограмм бўлган рекордчи тошбақанинг номи Эсмералда деб

аталади. «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ёзилиш учун Эсмералданинг барча асослари бор. Чунки унинг оғирлиги Лондон ҳайвонот боғидаги рақиб Мармудука лақабли тошбақанинг оғирлигидан 19 килограмм ошиб кетди.

## ЮГУРИШГА ИШТИЕК

Полтавадаги олмослар ва олмос асбоблари заводининг электрчи-ишчиси А. Федоренконинг оиласи ўтган йили меҳнат таътили даврида ҳордиқ чиқарадиган манзилга етиб боришнинг ўзига хос — янгича воситасини

қўллади. Яъни, оила бошлиғи спортчиларга хос югуриб кетаверди, унинг хотини Надежда Петровна велосипедда эри билан ёнма-ён кетаверди. Улар бутун йўлни — Қримда яшайдиган қариндошлариникигача бўлган салкам 780 чақирим масофани шу тариқа босиб ўтдилар. «Зоря Полтавщина» газетасининг хабарига кўра, улар жуда аъло даражада ҳордиқ чиқарибдилар. Эрхотин ҳордиқдан қайтишда поездда кетганлар. Аммо улар бу йил ҳордиқдан сўнг уйларига қайтишда пиёда югуриб манзилга етишни мўлжаллаяптилар.

## БРЕМЕНЛИК ИШКАМБА...

Германия Федератив Республикасининг Бремен шаҳрида бир вақтлар темирйўлчи бўлиб ишлаган пенсионер Алберт Экардт 80 ёшида ўлиб қолди. Мазкур воқеанинг бир жиҳати бўлмаса, бу ҳақда гапириш ҳам ўринсиз. Гап шундаки, марҳум сўнгги йилларда кўни-кўшилари билан суҳбатлашганда муттасил нафақасининг камлигидан нолигани-нолиган эди. Унинг уйида радио ёки телевизор ҳам йўқ эди. Қўшни болаларини озиқ-овқатни

арзон сотадиган дўконларга юборар, дастёрлар қайтиб келишганида тийин-тийинигача ҳисоблаб санаб олар эди. Заруратдан шундай қилармиди ёки хасисликданми — ҳеч ким тушунолмасди. Ва кунлардан бир кун А. Экардт кўринмай қолди. Полициячилар унинг хонасини очиб кирдилар-у оғирлиги 40 килограммга етар-етмас жасадни кўрдилар. Уй хоналарида еб-ичишга арзийдиган ушоқ ҳам топилмади. Бироқ умумий суммаси 225 минглик 100-маркали банкнотлар тахлам-тахлам ҳолида у ер-бу ерда сочилиб ётарди...





## ЖҶРА ПОЛВОН

Инсон умрининг маъноси ундан қолган излар билан ўлчанади. Яхши одамлар изини давом эттириш учун эса муносиб издошлар керак...

Фарғонада бир пайтлари Жўра Пистон деган одам бўлар эди. Қарияларнинг айтишича, у ўзининг ўткир аскиялари, қувноқ ҳазиллари, ҳақиқат олдида отасини ҳам танимайдиган ростгўйлиги, ҳалоллиги ва одамшавандалиги билан обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган, шунинг учун ҳам Жўра Пистон номи билан машҳур экан. Шу киши вафот этади. Уни сўнгги йўлга кузатиш учун узоқ-яқиндан жуда кўп одам йиғилади. Қабрга тупроқ тортилиб, сўнгги бор тиловат қилинган, Юсуфжон қизиқ Шакаржон кутилмаганда кишилар эътиборини ўзига қаратиб сўзлаб қолади:

— Ҳозиргина биз видолашганимиз Жўра Пистон милтиқнинг ўқидек тўғриси ва кескир эди. Унинг номи ўзи билан бирга кўмилиб кетмасин. Орамизда ана шу номга муносиб киши бор. Бу — Жўра Узоқов. Қани, ана шу ниятни қувватлаганлар фотиҳага қўл очсинлар.

Шундай қилиб, Жўра Узоқов — «Жўра Пистон» лақабини олди ва ҳозир ҳам у ана шу ном билан машҳур. Ўзи саксон ёшда, лекин йигитлардек бардам, боқишлари тийрак, чехрасида ғайрат-шижоат ва ирода нури балқиб туради. Жамоат ишларидан ҳамон ўзини олиб қочмайди — маҳалланинг боши, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг аъзоси. Қариялар даврасида доно суҳбатдош, ҳаётини муаммолар борасида яхши маслаҳатгўй, ёшлар орасида талабчан ва меҳрибон мураббий. Бундай тиниб-тинчимасликнинг сабаби, ҳаётсеварликнинг боиси нимада эканлиги билан қизиқамиз.

Билсак, Жўра ота Узоқов ҳаётининг кўп қисми курашларда ва жанг жадалларда кечган экан. Навқирон йигитлик чоғидаёқ Ҳамза билан Шоҳимардонда бирга ишлашган, ўттизинчи йилларнинг машаққатларини бошдан кечирган, биринчилардан бўлиб тракторга ўтирган, сўнггра эса... Сўнггра: айни кучга тўлиб-тошган, ҳаёт завқу шавқи ва лаззатларидан баҳраманд бўладиган йилларини уруш сўриб олди. Аввал Ҳасан кўли атрофларида япон самурайларига қарши уруш, кейин фин уруши, сўнггра Улуғ Ватан жангҳоқлари... Ҳаммасида мардик-мардонаворлик намуналарини кўрсатди. Омади бор экан: ўтда ёнмади, сувга чўкмади, лекин душман ўқига ҳаммиша ҳам чап беришинг иложи бўлмади.

1937 йилда Қизил Армия сафига қақирилган механизатор Жўра Узоқов орадан бир йил ўтиб жангга киради. Самурайларнинг қаттиқ қаршичилигини синдириш асносида яраланади. Ҳарбий госпиталда даволаниб чиққач, уни 187-танк полкига механик ҳайдовчи сифатида жўнатадилар, полк Финляндия урушига йўланма олади.

Мана шу жангларда кўрсатган мардонаворлиги «Жасорати учун» деган жанговар медал билан тақдирланади. Бироқ, 1940 йилги қақшатқич жанглардан бирида душман ўқи уни яна нишонга олади. Яна ҳарбий госпитал. Энди уни юртига жўнатадилар. Навқирон йигитлик давридаёқ иккита фронт жангҳоқларида иродаси тобланган, ажал билан юзма-юз келган Жўра Узоқов меҳнатга шўнғиб кетади. Тинчликнинг қадрини, осойишта ҳаёт фароғатини эрта тушунган йигит ерга меҳр қўрини бериб астойдил тер тўқади. Лекин тобора кўплаб мамлакатларни ўз домига тортаётган уруш деган офат кўк юзига қора кўланкасини ёза бошлаган эди. Одамлар ички бир хавотирлик ва таҳликада яшардилар. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмасдан фашист босқинчилари Ватанимиз тупроғига ёвузларча бостириб кирдилар. Тўрт йил давомида муттасил — кечасию кундузи, қишин-ёзин бетўхтов давом этган энг оғир Ватан уруши бошланди. Бу уруш ҳаёт-мамонт масаласини ҳал этиши билан бирга ватандошларимизнинг эрқарварлик ва байналмилалчилик туйғуларини ҳам кескин синовдан ўтказганлиги билан аҳамиятлидир. Эрк ва озодлик учун сафарбар бўлган минглаб, миллионлаб кишилар сафида Жўра Узоқов ҳам бор эди.

Жангларда тобланган йигит 1942 йили эгнига яна ҳарбий либос кияди. 309-ўқчи дивизиясида пулемёт расчётининг командири бўлиб жангга киради.

Тез орада қуролдош дўстлари пулемётчи Жўра Узоқовнинг ҳисоб-китоби жуда аниқ эканлигини, унинг мўлжали душманни пухта нишонга олаётганлигини кўриб амин бўлдилар ва бўлинма аскарлари унинг билан бирга кўп-кўп катта-кичик жанговар муваффақиятларга эришдилар. Катта сержант Жўра Узоқов қўлида ишончли пулемёти билан Орёл, Полтава, Сумск, Кременчуг ва бошқа йўналишларда марди-майдон бўлиб олға интилди, ўнлаб фашистларни ер тишлатди.

Бироқ уруш — ўз табиатида кўра бешафқат ва беомон. Ҳар он ва ҳар лаҳза у қурбонлик талаб қилади, унинг очофат комида ажал рақсга тушади. Ана шу еб-тўймас очофат Днепр дарёсини кечиб ўтиш пайтида Жўра Узоқовга ҳам ҳамла қилди ва уни... қулатди.

Яхшиси, бу ҳақда ўша жангларнинг жонли шоҳиди, Жўра ака Узоқовлар бўлинмасига раҳбарлик қилган инженер-подполковник, кейинчалик эса, физика-математика фанлари доктори Лев Александрович Дружинининг мактубини кўздан кечирайлик: «1943 йилнинг сентябрида 40-армия таркибида бўлган бизнинг 309-ўқчи дивизия душман қаршичилигини синдирган ҳолда биринчилардан бўлиб Коран ва Андруши қишлоқлари районида — Украинанинг қадимий Переяслав шаҳрига яқин жойда Днепр дарёси бўйига чиқдилар. Бир кеча-кундузлик отишмадан сўнг қирғоқ бўйидаги Яшники қишлоғини эгалладик ва 23 сентябрга ўтар кечаси Днепрдан кеча бошладик. Бўлинманинг дастлабки қисмлари ўнг қирғоқни ишғол қилиб у ерда мустаҳкамланиб олган: немислар қуролнинг барча турларидан ўқ ёмғири ёғдира бошладилар. Тез орада кўк юзида немис самолётлари пайдо бўлди. Улар дарё ўзани бўйлаб учиб, пулемётлардан бизникиларни ўққа тутардилар.

Ана шундай оғир жанговар ҳолатда ўзбек халқининг шонли фарзанди пулемётчи Жўра Узоқов биринчилардан бўлиб ўнг қирғоққа кечиб ўтди. Бундан аввал мен уни ёнимга чақириб, нима учун Днепрни биз биринчи бўлиб

кечиб ўтишимиз лозимлигини тушунтирдим. Жўра менинг сўзларимни кечув коменданти томонидан шахсан берилган буйруқ деб англади (мен ўша пайтда ана шу лавозимда эдим). Орадан бир неча соат ўтиб, нариги қирғоқда мен у билан яна дуч келдим — у яраланган, лекин руҳан бардам эди. У ўз бурчини шараф билан бажарганлигини ички бир туйғу билан яхши англади». Ҳа, Жўра Узоқовнинг жангҳоқларида кўрсатган мардонаворлиги икки марта Қизил Юлдуз ордени, иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан тақдирланди, унинг кўксини қирққа яқин турли даражадаги орден ва медаллар безаб турибди.

Ўзининг жанговар қуролдошлари билан Берлингача етиб боролмагани кўнглининг бир чеккасида ҳамон армон бўлиб туради. Чунки Днепр дарёсини кечиб ўтишда оғир яраланиб, Уфа шаҳридаги ҳарбий госпиталда бир йилга яқин даволанди. Медицина комиссиясининг хулосаси қатъий эди: у умр бўйи иккинчи группа инвалиди бўлиб қолган эди. Йигит юртига қайтди.

Лекин кўргуликка тан бериб, қўл қовуштириб ўтириш Жўра Узоқов табиатида ёт нарса эди. У бир неча йиллар давлат автоинспекциясида инспектор бўлиб ишлади, урушда орттирилган жароҳат азоб бера бошлагач, Фарғона шаҳар озиқ-овқат савдоси шохобчаларида меҳнат қилди. Қаерда бўлмасин, кишилар дардига малҳам бўлиши, софдиллиги ва меҳнатсеварлиги билан эътибор қозонди. Жанговар орден ва медаллар ҳақидаги ҳужжатлар ёнига раҳматномалар ва фахрий ёрлиқлар келиб қўшилганлиги айтганларимизнинг далилидир.

Такоид (пенсия)га чиққандан кейин ҳам Жўра ота жим ўтиролмади: ўзи маҳалла-кўйга бош бўлиб, Қори Нийзий номидаги маҳалла аҳлини ҳашарга сафарбар этди — ташландиқ бир ерда кўркам чойхона барпо этди, ҳозирда энг яхши маросимлар ана шу ерда ўтказилади; бундан бир неча йиллар аввал яна бир ташаббус билан чиқди — маҳаллага туташ пахта заводи атрофи жарлик ва нотекис турлардан иборат эди: энди унинг ўрнида ям-яшил боғ ва гулзор. Яқинда Фарғонага бориб, биз у бошлаган яна бир саховатли иш устидан қиқиб қолдик: яқинда рўй берган фожиалар оқибатида турк биродарлар қолдириб кетган, вайрон бўлган ҳовлиларни тиклаш ишларига бош-қош экан бу мўтабар қария. Биз пайтдан фойдаланиб, ана шу воқеаларга унинг шахсий муносабатини сўрадик. Жўра пистоннинг қувноқ чехраси бироз тундалашади, ҳар бир гапини ўнлаб йиллар тарозисида тортиб салмоқлаб кўраётгандай, вазминлик билан сўз юритади:

— Мен урушдан қайтиб келиб билдим турк биродарларимиз бу ерларга бадарга қилинганлигини. Юрагим жуда қаттиқ ачишган. Лекин бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеаларда ўзбекларни айблаётган ғарзли кимсалар муносабатига ҳайрон қолмай иложим йўқ. Йиртиқ бўлса ҳам тўнини, эски бўлса ҳам кўрпачасини, зорга бўлса ҳам яримта нонини уруш даврида бошқалар билан баҳам кўрган халқимиз наҳотки келиб-келиб энди ўз биродарларининг кўзига чўп суқса?! Йўқ, мен бунга ишонолмайман. Сабаби бошқа ёқда бўлса керак».

Биз унинг кўнглида ғалаён сола бошлаган изтироб-уқубат туйғуларини яна алангалатмаслик учун гапни аста бошқа томонга буришга интиламиз ва фурсатдан фойдаланиб, Жўра ота Узоқов каби кишиларимиз ҳаммиша омон бўлсин, деймиз.

Баҳодир АМИНОВ



# ЧЎЛПОН — ТАРЖИМОН

Озод ШАРАФИДДИНОВ



Чўлпон ижодий балогатга етган палладан бошлаб умрининг охиригача таржима ишларига алоҳида эътибор билан қараган. Шуниси ажабки, йиллар давомида миллатчиликда айбланиб келган, яъни миллатларни бир-бирдан ажратишни, бошқаларни камситиб, ўз миллатини улуглашни мақсад қилиб олишда, миллий маданиятлар орасига раҳна солишда айбланган Чўлпон бошқа ҳамма ўзбек ёзувчиларидан олдинроқ таржиманинг аҳамиятини тушунган ва ҳаммадан кўпроқ ва хўброқ таржима қилган. Таржима унинг учун ўзбек халқини бошқа халқларга яқинлаштирувчи муҳим восита бўлган. Таржима туфайли ўзбек халқининг янги маданияти бошқа халқлар орттирган маданий анъаналар билан бойийди, деб ҳисоблаган у. Бинобарин, таржимонлик фаолияти, ҳолисона қаралганда, Чўлпоннинг байналмилал ниятларини рўёбга чиқаришга ёрдам берган. Бу дастак Чўлпонни миллатчиликда айблаганларнинг даъвоси қуруқ бўхтон эканини кўрсатувчи яна бир муҳим далилдир.

Чўлпон ҳам Шарқ, ҳам Европа адабиётидан асарлар ўғирган. Табиийки, у озар, татар ёхуд турк адабиётларидан бевосита таржима қилган, бошқа адабиётлардан эса асарларни рус тили орқали таржима қилган.

Яқинда «Ешлик» журналида шоир ва мунаққид Ҳамид Исмоиловнинг Чўлпоннинг таржимонлик фаолиятини ёритишга бағишланган дурустгина мақоласи чиқди. Унда муаллиф рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида Чўлпонни ўзбек совет бадиий таржима мактабининг асосчиси эканини тасдиқлайди. У ёзади: «Абдулҳамид Чўлпон ҳақида сўз юритилар экан, у ўзбек совет бадиий таржима мактабининг асосчиси эканлигини, халқини жаҳон, аввало рус адабиёти дурдоналари билан яқиндан таништиришда «қон-қонигача йўқсилпарвар» маданиятнинг ҳар қандай вакилидан кўра салмоқлироқ ишни амалга оширганлигини уни миллатчи сифатида айблаганлар, шу қарашга хайрихоҳлар тан олмаслиги ғайритабиий бир ҳолдир» («Ешлик» журнали, 1989 йил, 9-сон, 76-бет). Шундан кейин Чўлпон таржималарининг «унча ҳам мукамал бўлмаган» рўйхати келтирилади. Бу рўйхат чиндан ҳам эътиборга лойиқ: Шекспирнинг «Ҳамлет», Карло Гоццининг «Маликаи Турандот», Молиернинг «Хасис», Э. Потеннинг «Байналмилал», А. С. Пушкиннинг «Борис Годунов» драмаси, «Дубровский» қиссаси, лирик шеърлари, Хитой шоирлари, Ҳейне, Саёт Нова, Т. Шевченко, А. Блок, Э. Верхарн, Лохутий шеърлари, Гогол, Тургенев, Чехов насридан намуналар, Горкийнинг «Она» романи, С. Третьковнинг «Ҳайқир, Хитой» драмаси, А. Файконинг «Портфеллик киши» комедияси...

Бу рўйхатни давом эттириб, Чўлпоннинг Рабиндранат Тагор шеърларидан, турк шеърларидан таржималар қилганини, буюк рус масалчиси И. А. Крилов асарларини, атоқли ёзувчи Леонид Андреевнинг «Етти осилган қиссаси»ни, Гоголнинг машҳур «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўртасидаги низолар ҳикояти» қиссасини ўзбекчага ағдарганини айтмоқ лозим. Аммо гап фақат рўйхатда эмас. Гап Чўлпоннинг таржимонлик маҳоратида.

20-йилларда Чўлпон таржима масалаларига бағишланган бир қатор мақолалар эълон қилди. Булар «Шоҳнома»нинг туркча таржимаси», «Таржима тўғрисида андак» каби мақолалардир. Эҳтимолки, бу мақолаларни ҳам ўзбек таржимашунослигининг илк намуналари, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар ҳолда, уларда Чўлпоннинг таржимаси қарашли, ўз фаолиятида қандай нуқтаи назарларга амал қилгани яққол кўринади. Чўлпон таржима қилинаётган асарнинг маъносинигина эмас, руҳини ҳам, миллий рангларини, услуб жилоларини ҳам тўлалигича сақлаб қолиш тарафдори бўлган. Ҳақиқатан ҳам санъаткор бўлганидан Чўлпон бадиий асарни гўзал қиладиган жиҳатларини, китобхонга завқ берадиган, унинг ҳиссиёт оламига таъсир қиладиган қирраларини жуда яхши ҳис қилган ва буларнинг барини таржимада беришга интиланган. Чўлпон таржимасида шеърий асарлар ҳам, насрий асарлар ҳам худди оҳорли асарлар каби тароватини йўқотмай, табиий ва раvon, халқчил ва ҳаётий тарзда намоён бўлади.

Ҳозир ёши олтмишлар атрофида бўлган мен тенги одамлар эсласалар керак — биз энди мактабга қадам қўйган кезларда ўқиш китобидан «Бўри билан кўзичоқ» масалини ўқиган эдик. Бу масални жуда зўр иштиёқ билан чинакамига завқланиб, ҳузур қилиб ўқиганимиз эсимда. Унинг иборалари содда ва тушунарли, оҳанг раvon ва мазмунга жуда уйғун эди. Сатрлар ҳам худди булоқ сувларидек бири кетидан бири ўз-ўзидан, табиий равишда қуйилиб келаётгандек... Хуллас, масал икки-уч ўқигандаёқ ўз-ўзидан хотирангизга ўрнашиб, ёд бўлиб қоларди. Ушандан бери, мана, ярим аср ўтди. Бу муддат мобайнида неча марта лаб ҳар хил вазиятларда, ҳар хил муносабатлар билан масалнинг мисраларини такрорлашга тўғри келди. Ҳозир ҳам ўша жарангдор мисралар ўз-ўзидан хотирамга кела бошлади. Масал:

*Дарахтнинг бўшини қурт ейди доим,  
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.  
Тарих тўғрисида қолмайлик-да жим,  
Бир эртаси сўйлайлик, қулоқ бер шунга —*

деган гоят ихчам, аммо мазмундор ҳикмат билан бошланарди. Шундан кейин ношуд кўзичоқнинг аламли саргузашти бошланади:

*Езининг иссиқ бир кунда  
Қўзи борди сув ичгали.  
Ўз жонига қасд қилгандан  
Хабари йўқ унинг ҳали.*

Кўзичоқ ёвуз бўрига дуч келади. Оч бўри кўзичоқни емоқ учун баҳона излайди. Улар ўртасидаги савол-жавоб шу қадар табиий ва айни чоқда, шу қадар драматизмга тўлаки, вужудингизни қандай қамраб олганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз:

*«Шошма, ҳали, сен баччагар,  
Уч йил бурун жуда дағал  
Бир гап қилиб эдинг менга,  
Кўрсатаман энди сенга!»  
«Ўтган йили тугилдим-ку?!»  
«Ундай бўлса, акангдир у!»  
«На акам бор, на укам бор?!»  
«Гап қайтарма, эй баччагар!  
Уругингдир, аймогингдир!  
Бирон оғиз маймогингдир!»*

Масал охирида кўзичоқнинг «айби» аён бўлади:

*Айбинг шуки — учраб қолдинг қорним очганда,  
Шундай қилиб, кўзичоқни еди ўрмонда.*

Мен ҳеч қачон бу масални русча асли билан солиштириб кўрган эмасман: лекин ўйлайманки, бадиий баркамолликда улар бир-бирдан қолишмаса керак. Қизик бир дастак — масал билан биринчи бор учрашган кезларимизда унинг муаллифи буюк рус ёзувчиси Иван Андреевич Крилов эканидан огоҳ бўлдиг-у, лекин ким таржима қилганини бизга айтишгани йўқ. Шундан сўнг, «Бўри билан кўзичоқ» масали 1980 йилга қадар ҳар хил тўпламларда, ўқиш китобларида, хрестоматияларда ва ҳатто Криловнинг тўпламларида ҳам ўнлаб марта босилди, лекин бирон марта ҳам таржимоннинг номи кўрсатилмади, фақат 1980 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда Мухтор Худойқулов тўплаб, нашр эттирган «Крилов масаллари» дагина кўп йиллик танаффусдан кейин биринчи марта Чўлпоннинг номи таржимон сифатида тилга олинди.

Чўлпоннинг шеърий таржимада бениҳоя моҳир эканини кўрсатмоқ учун яна бир мисол келтираман. Ўтмиш алломаларидан бири «шеърда таржимон шоирнинг рақиби, насрда эса муаллифнинг қулидир» деган экан. Насрда таржимон муаллифнинг қулими, йўқми — бу масалада бир нарса деёлмайман-у, лекин шеърий таржимада таржимон шоирнинг рақобатчиси экани чиндан ҳам тўғри. Шеърий асарни таржима қилиш ҳаддан ташқари қийин, чунки чинакам шеър ҳеч қачон бирон маънони ифодаловчи қуруқ сўзлар йиғиндисидан иборат бўлмайди. Шеърда теран ҳаётий мазмундан ташқари муайян руҳий ҳолат, муайян кайфият бўлади. Шеърда ҳар қандай ҳаёт ҳақиқати турфа хил жилоларга эга бўлган ҳиссиёт мавжларига буркаб берилади. Ниҳоят, шеър ўйноқи, жарангдор, раvon оҳанглар силсиласидан ҳам иборатдир. Бинобарин, шеърни шеър билан таржима қилмоқ керак, шеърнинг мазмунинигина эмас, уни санъат даражасига кўтарган иқлимини, ҳароратини, бадииятини ҳам ифодаламоқ керак. Акс ҳолда, таржима алланечук сунъий, жозибадан маҳрум, ўлик бир нарсага айланади. Афсуски, Пушкиндай, Лер-





ЧИНГИЗ АХМАРОВ. МИР АЛИШЕР НАВОЙЙ.

С. ҚОРАБОВ. ЧОВГОН ҰЙИНИ.







Абу Али ибн Сино.

Она.



Сухбаг.



Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР








Давлат мукофоти лауреати, рассом Йигитали Турсунназаров  
ижодидан намуналар.

Оролнинг кўзёшлари.

Бригада бошлиғи Эшмат ака Холиқов.



Инсон ва коинот.







Хамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Ойдин Норбоева.

А. Губенко олган сурат.

В. Готов олган сурат



«Ўўлингиз беҳагар бўлинг!»

Севиб тановул қиладиган нонларимизнинг меҳнати ҳам ўзига яраша.

Б. Мизрохин сурати





монтовдай, Некрасовдай буюк шоирларнинг айрим шеърларини ўзбек тилида ўқиганда уларнинг нимаси шоиру, нимаси буюклигига ҳайрон қоламиз. Эки биз бетакрор шоирлар деб бошимизга кўтарадиган Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов шу пайтга қадар рус тилида ўзининг жамики нафосати, ранглари, қудрати билан жаранглагани йўқ. Чунки бу ҳолларда шеърнинг мазмуни бир даражада ифодаланмади-ю, шеърини ифодаланмай қолади. Ҳа, чиндан ҳам буюк шоирнинг шеърини муваффақиятли таржима қилмоқ учун таржимон ўша шоир даражасига кўтарилмоғи зарур. Чўлпон Пушкиннинг «Гул ва булбул» шеърини ўзбекчага ағдарганда, назаримда, айни шу даражага кўтарилган. Маълумки, бу шеър Пушкиннинг шарқ шеърини таъсирида яратган туркумига қиради. Таржимоннинг маҳорати ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлмоғингиз учун аслини ҳам, таржимани ҳам тўла келтираман:

*В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,  
Поет над розою восточный соловей.  
Но роза милая не чувствует, не внемлет,  
И под влюбленный гимн колеблется и дремлет.  
Не так ли ты поешь для холодной красоты?  
Опомнись, о поэт, к чему стремишься ты?  
Она не слушает, не чувствует поэта:  
Глядишь, она цветет, взываешь — нет ответа.*

Чўлпон шеърни бундай таржима қилган:

*Ваҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,  
Ғариб булбул фиғон айлаб, «гулим, раҳм айлагил»  
дерди.  
Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афғона,  
Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона.  
Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен  
ҳам  
Енарсан, ўрганарсан, дод этарсан, тингламас бир  
дам,  
Қўй энди, беҳуда дод этма оҳинг унга етмайди,  
Қарайсан — яшнаган бир гул, фақат овоза  
бермайди.*

Таржима ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало шуни айтиш керакки, бу чинакам шеъринг таъсирида — у китобхон туйғуларига таъбир қилади, уни завқлантиради, унда гўзаллик туйғусини қўзғайди. Таржимада Чўлпон эркинлик ва аниқлик нуқтаи назарига амал қилади. У асар аслига эркин муносабатда бўлади, сўзма-сўз таржимадан қочади, сифатлашлар, ўхшатишлар, бошқа шоирона сувратларни бемалол ўзгартираверади. Шуниси ажабланарлики, худди ана шу эркинлик шеър маъносини оқизмай-томизмай тўла ифодалашга хизмат қилади. Пушкин сукунат қўйнига чўмган унсиз боғ ҳақида, тун қоронғилиғи ҳақида гапиради. Пушкинда «шарқ» булбули гул тепасида куйлайди. Чўлпонда эса воқеа «холи боғда», «зулматли тунда» кечади; «шарқ» булбули ўрнига «ғариб булбул» пайдо бўлади. Энди у қўшиқ айтмайди, балки «гулим, раҳм айлагил» дея фиғон чекади, гул ҳам Чўлпонда булбулнинг маъшуқаси тарзида кўрсатилади. Бундай ўзгаришлар кейин ҳам давом этаверади — гулга берилган «милая» деган таъриф тушиб қолади, «влюбленный гимн» ҳам «фарёду афғон»га айланади, ҳатто «дремлет» сўзини, яъни «мудрапти, ухлаяпти» маъносидаги сўзи Чўлпон «ноладин ором оларди» деган ибора билан ифодалайди. Бу ўринда «колеблется» ибораси «тўлғона-тўлғона» дея жуда чиройли ва жуда аниқ таржима қилинганини айтиш керак. Кўринадики, Чўлпон аслидаги айрим ибора ва сувратларни ўз хоҳишича ўзгартираверган эмас, балки шеърнинг асосий ғоясини, унинг маъзани ташкил қилувчи етакчи шоирона ғояни белгилаб олиб, шуни тўлароқ очишга хизмат қиладиган ибораларни, таърифларни танлаган. Яна бунинг устига Чўлпон танлаган ибора ва ифодалар ҳиссий фаоллиги билан ажралиб туради. Аммо буларнинг бари ҳам ҳали Пушкин шеърининг бутун жилоларини ифодалаш билан арузга мурожаат қилади — ўйноқи бир оҳанг яратиб, шеърдаги асосий кайфиятни, ҳиссий руҳни ҳам қайта ярата-

ди. Натижада, рус шоирнинг шеъри ўзбек китобхонининг қалбига яқин шеър сифатида янграй бошлайди — асл мазмунини йўқотмаган ҳолда, бадий қимматидан маҳрум бўлмаган ҳолда янгича миллий ранглар, оҳанглари билан бойийди. Эҳтимолки, Пушкиннинг ҳамма шеърини ҳам бундай оҳангларида таржима қилиб бўлмас, эҳтимолки, «Гул ва булбул» шарқий шеърлар туркумидан бўлгани учун ҳам арузда бемалол жаранглайвергандир. Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, «Гул ва булбул» таржимада шеъринг санъатининг юксак намунаси даражасига кўтарилган — биз уни ўқиб, завқланар эканмиз, Пушкиннинг шоирлик иқтидорига ҳам, Чўлпоннинг таржимонлик санъатига ҳам таҳсинлар ўқиймиз.

Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати йиллар ўтгани сари камолотга ета борди. Бу борада унинг 30-йилларда қилган иккита таржимасини энг юксак намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Булар Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиаси ва Пушкиннинг «Борис Годунов» драмасининг таржимасидир. Мунаққид Ҳамид Исмоилов юқорида зикр этилган мақоласида «Ҳамлет» таржимасини шундай баҳолайди: «Ўттинчи йилларнинг бошларида Чўлпон таржимон сифатида юксак поғонага кўтарилди. Она тилига у ўғирган асарлар руҳи халоскорига айланганини ҳис этиш қийин эмас, шоир қалбини ларзага солган ҳамлетона иштибоҳ ва қисмат чигалликлари таржимада ҳам теран, ўзбекона ифодасини топган» («Ешлик» журналы, 1989 йил, 9-сон, 77-бет).

Бу ўринда Ҳамид Исмоиловнинг Чўлпон билан Шекспир ўртасида руҳий яқинлик мавжудлиги ҳақидаги фикрига эътиборингизни жалб қиламан. Буни 20-йилларда, яъни Чўлпон ҳали Шекспир таржимасига киришмасидан анча аввал бошқа тадқиқотчилар ҳам айтишган эди («Фан ва турмуш», 1989 йил, 10-сон, 17-бет). Дарҳақиқат, шу яқинлик таржиманинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган асосий омил бўлган. Афтидан, Шекспирни таржима қилиш жараёнида Чўлпон бутун вужуди билан чинакам ижодий эркинлик муҳитига шўнғиган-у «илҳом париси»нинг қанотларини қайирмай қалам тебратган.

Албатта, Чўлпон таржималари ҳам 30-йиллар шароитида ҳар хил таъна тошларидан, дашномлрдан, бўхтон ва туҳматлардан бебаҳра қолган эмас. Баъзи бир мунаққидлар далилларни қўпол равишда бузиб, ўта андишасизлик билан ҳақиқат юзига оёқ қўйиб, Чўлпоннинг таржимонлик фаолиятини ерга урган (Назир Тўрақуловнинг мақоласи ва унга Чўлпоннинг жавоби). Бошқа баъзи мунаққидлар эса холисона иш тутишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, Чўлпонни бир туртиб ўтиш иштиёқини бутунлай енга олмаганлар. Масалан, Сотти Ҳусайн «Ҳамлет» Чўлпон таржимасида деган мақоласида анча теран ва тўғри фикрлар айтгани ҳолда, Чўлпонни атайлаб форс, араб ва Ҳаёт сўзларини кўплаб қўллаганликда айблаётди. Масалан, «Е ўлиш, ё қолиш» айтишининг таржимаси ҳақида ёзар экан, Сотти Ҳусайн шундай дейди: «Бу монологни Чўлпон таржимасида саҳнадан айтиш жуда қийин. Уни ўқиганда англаб олиш ҳам ҳаддан ташқари мушкул. Унинг тилида тушуниксиз сўзлар шу қадар кўп. Айни чоғда, Чўлпон ўзбекларга ўзлашиб кетган, улар учун тушунарли бўлган арабча ва форсча сўзларни ишлатишдан ўзини олиб қочади».

Бу парчада сўз қўллашда Чўлпонга сиёсий айб тақилмас-да, ҳар ҳолда, муайян бир томонламалик бор. Бу ўринда «Ҳамлет» таржимасининг жамики ютуқ ва камчиликларини батафсил гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Мен фақат бир дастакни таъкидлаш билан чекланаман — Чўлпон ўзбек халқи учун биринчи бўлиб «Шекспир» деб аталган буюк хазинани очиб берди. У «Ҳамлет»ни инглизча аслидан эмас, Каншиннинг насрий таржимасидан Е. Ланнинг шарҳлари ва изоҳларига таяниб туриб амалга оширган эди. Лекин шундай бўлса-да, таржимада

Шекспирга хос бўлган эҳтирослар бўронини, қамровнинг кенглигини, руҳий парвозни, руҳий теранликни сақлаб қола олди. «Ҳамлет» ўзбек драма театрининг ривожига босқич бўлди. У фақат театр ҳаётида эмас, умуман, ўзбекларнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. «Е ўлиш, ё қолиш — гап шунда. Ажабо, қайси бири шарафлик ва олижаноб! Дилозор фалакнинг зарбаларига чидашми ёки балолар денгизига қарши бел боғлаб, уларга қарши қўзғолиб, уларни барҳам беришми?»

Бу оташин сўзлар билан бошланган Ҳамлетнинг машҳур айтуви 30-йилларда ҳам, 40-йилларда ҳам кўп ўзбек зиёлилари севиб такрорлаб юрадиган ихрожи дил сўзларига айланиб кетганди. Кейинчалик «Ҳамлет» ўзбек тилига яна икки марта таржима қилинди. Улардан Шайхзода таржимасини мустақил ижодий иш сифатида қараш мумкин.

Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти ҳақида гапирганда, «Борис Годунов» драмасининг таржимаси тўғрисида ҳам тўхташ керак, чунки бу таржима Чўлпоннинг ижодий фаолиятидаги энг авж нуқталардан бири бўлган эди. Чўлпоннинг қурилиши жиҳатидан ҳам, шоироналиги жиҳатидан ҳам таржима учун ғоят мураккаб бўлмиш «Борис Годунов»га мурожаат қилиши тасодиф эмас эди, албатта. Бунинг сабаби сифатида 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатимизда Пушкин вафотининг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишлари авж олиб кетганини ва шу муносабат билан буюк шоирнинг асарлари кўпгина миллий тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам кенг таржима қилина бошлаганини кўрсатиш мумкин. Бироқ бу фақат ташқи сабаб бўлган бўлиши мумкин. Асл сабаб эса Чўлпоннинг ўша йиллардаги руҳий аҳволи билан «Борис Годунов» Чўлпоннинг руҳига жуда мос келганини исботлаш унча қийин эмас. Мунаққид Ҳамид Исмоилов юқорида зикр этилган мақоласида бунинг жуда яхши очиб берган: «Улуғ шоирлар ўз қисматларини олдиндан башорат қиладилар, деган гап бор. Агар шу рост бўлса, ушбу «ёлғончи шоҳ» хроникаси бўлмиш айнан ана шу таржимани танлаган экан, унда мутаржим ёздигани башорат қилгучи тақдир муҳри босилган эди. Зеро, бу сўзларни кундаликка битилган тиловат сингари ўқийсиз».

Шундай кейин «Яна битта энг охири ривоят қолди» деган сўзлар таржимаси билан бошланган машҳур айтувдан парча келтирилади. «Борис Годунов» таржимасини Чўлпоннинг жасорати деб айтган мунаққид таржимон маҳоратига юксак баҳо беради. Биз унга тўла қўшилганимиз учун бу баҳони ҳам кўчирамиз: «Таржимон сифатида Чўлпон маҳоратининг дол қолдирадиган жиҳати шундаки, бир томондан шоирона баённинг замонавийлигини қарийб тўла таъминлаган. Иккинчи томондан эса Пушкин ёки аниқроғи Годунов даврининг руҳи ва каломини сақлаб қолган. Бунга у бир жиҳатдан асарни ўзбек тилида ниҳоятда табиий оҳангларида жаранглатиш, иккинчи жиҳатдан эса ўзга тил табиатини асраб қолиш орқали эришган» («Ешлик» журналы, 1989, 9-сон, 79-бет).

Биз Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти ҳақида умумий мулоҳазаларни баён қилиш билан чекландик. Албатта, ўзбек адабиётшунослари, таржимашунослари навбатдаги ишларида Чўлпоннинг таржимонлик фаолиятини мукамал тадқиқ этадилар, унинг маҳорат сирларини батафсил ўрганадилар. Негаки, Чўлпон таржималари ўзининг қимматини мутлақо йўқотмаган ҳолда бугун ҳам таржимонлик дорилфунуни сифатида яшашда давом этмоқда. Аммо бу тадқиқотларни кутмасданок битта қатъий хулоса чиқариш мумкин — Чўлпон бирон бошқа жанрда ижод қилмаганида ҳам таржималарининг ўзиёқ унинг номини ўзбек адабиёти тарихининг энг муътабар жойига ёзиб қўйиш учун кифоя қиларди. Чўлпон таржималари билан ўзбек халқининг янги маданияти ривожига катта ҳисса қўшди.





# ЖАНГЧИ АДИБ

1943 йилнинг феврал ойи ҳам этагини йиғиштири бошлаган, ҳар дақиқа эсган шабадада баҳор нафаси гупириб турган пайтлар эди. Городише мавзеини ишғол қилиш учун шиддатли жанглар давом этарди. Кичик лейтенант Мумтоз Муҳамедов командир бўлган танкка қарши замбаракчилар взводи зиммасига душман мудофаасини ёриб ўтиши лозим бўлган совет қўшинлари учун йўл очишдек муҳим топшириқ юклатилган. 26 феврал тонг отарида тўп-замбарак тайёргарлиги бошланди. Пиёда аскарлар ҳаракат қилиши лозим бўлган ўрамда гитлерчиларнинг уч жойда жойлашган пулемёт нуқтасидан ёғилаётган ўқ вазифани бажаришга имкон бермайдди. Вазият қанчалик оғир бўлмасин Мумтоз Муҳамедов ўз жангчиларини белгиланган нуқтага шикастсиз олиб чиқди. Эндиги вазифа аниқ — замбаракларни қарши ҳужумга шай қилиб, душманнинг адабини бериш. Айниқса чакаги очилиб қолган пулемётчиларни «сийлаш» жуда ҳам зарур эди.

У ҳеч иккиланмай жангга киришди. Дарё соҳилида қоплон келбатли ўзбек йигитининг гулдорқ ва ғолиб ҳукми янгради:

— Қаторасига ўт оч!

Замбаракчилар от, дегандан ўт оча кетди-я! Уқлар бир-бирини қувиб ўтиб душман томонини талотўп қилиб юборди. Жангчиларнинг ғайрати кўзиди. Улар бир муддатда ғанимларнинг кўзини очирмай қўйдилар. Ериб ўтиш мўлжаллини олиб ўтирган пиёдалар ҳам замбаракчиларнинг матонатидан қувватланиб оёққа қалқдилар. Ҳаво айниб турганига қарамай ҳаммининг кайфияти жанговар ҳолатда эди. Айниқса Мумтоз Муҳамедов хурсанд. Унинг аъзон бадани ҳавонинг захрини сезмас: атрофидагилар ҳам шу аҳволда ёниб-қуйиб жанг қилардилар. Улар биров келиб: «Ҳой, шоввозлар, бўлди энди, душман шўрликнинг гўрига снаряд қалаб юбординглар-ку», демагунича савалашни давом эттирмоқчи эдилар. Бир пайт қарасалар, фашистларнинг пулемётчилари, бу жанговар усулни ким ўйлаб топди экан, деб кенгаш қилгани кетгандек жимжитлик бўлиб қолди. Жангчиларимиздан бири қочирим қилди:

— Қанийди ҳозир ўзимизнинг ғалвир бўлганида, Мумтоз акам рухсат берсалар, душманнинг думига боғлаб келардим,— деди. Аския бошланиб кетди-ку!

Муҳим топшириқ бажарилган эди. Душман мудофааси ёриб ўтилди. Мумтоз Муҳамедов бир куни келиб, мана шундай жанг дақиқалари учун мукофотланарман, деб ўйламаганди. Чунки у жуда ҳам камтар, ҳар сафар ана шундай муваффақият билан жангни якунларди. Қўл остидаги жанговар дўстлари ҳам ундан

ўрناق олишиб, ўз бурчларини аъло даражада ўтаб, яна ҳамишагидай навбатдаги хизматга шай бўлиб туришаверарди. Уларнинг шиори битта эди:

— Ватан учун олға!

Олға дейилса бас, тоғу тош, ботқоғу дарё, чўлу биёбон, чангалзору қуюқ ўрмон — ҳеч нарса писанд эмасди она Ватаннинг бу мард ўғлонларига!

Айниқса, Мумтоз Муҳамедов ҳар қачон бурчига содиқ эди. У ёшлигиданоқ касбига оид муҳим топшириқларни қойиллатиб бажаришга ўрганган. Унинг учун, айрилган сўз — отилган ўқ, деган тушунча муҳим эътиқод эди.

Орадан кўп ўтмай Городише мавзеи ғанимлар қўлидан озод қилинди. Бўлиб ўтган жангнинг аҳамияти жуда катта эди. Акс ҳолда ўша жанг учун бўлган олишув довруғи қарийб 45 йилдан сўнг ҳам билинмаган, бугунги кунда сиз билан бизнинг ҳам эътиборимизни тортмаган бўларди.

Ушанда Городишеда кўрсатган жасорати учун танкка қарши замбаракчилар взводининг сардори Мумтоз Муҳамедов 5-ўқчи дивизия командирининг 1943 йил 8 июлдаги 014/11 сонли буйруғига биноан «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган эди. Бироқ ўша йили фронт сиёсий бошқармаси ташаббуси билан ўзбек тилида чиқа бошлаган «Душманни тор-мор келтириш учун, олға!» газетаси редакциясига ишга таклиф қилинган Мумтоз Муҳамедов ўзининг «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганлигидан беҳабар эди.

СССР Мудофаа министрлиги Марказий архивда ўзбекистонликларнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида фашист босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаёт-мамонт жангларида кўрсатган жасоратини ўрганиш жараёнида М. Муҳамедовнинг «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни учратиб қолдим. Унда медал тақдим этилмаганлиги қайд қилинган эди. Шунга кўра бу ҳужжатни Марказий архивда юритган иш дафтаримга ёзиб олдим.

Архивдан гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида қайтдим. Ҳамза номидаги ёзувчилар ижодий уйида 1985 йил 29 апрел куни фронтчи ёзувчиларнинг байрамолди йиғилишига кўплар қатори мен ҳам таклиф қилиндим. Йиғилиш бошланганда Мумтоз ака Муҳамедовнинг менадан нарироқда ўтирганлиги маълум бўлди. Кўплар қатори менга ҳам сўз берилганда Улуғ Ватан урушида ёзувчилар кўрсатган жасорат ҳақида фикр юритгач, Мумтоз ака Муҳамедовга тақдим этилмаган мукофот варақасини ўқиб



бердим. Мен билан бирга йиғилиш иштирокчиларининг ҳаммаси ҳам Мумтоз акани гулдурас қарсақлар билан муборакбод этишди. Шундан сўнг мукофот варақасини тақдим этдим.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтгач, жумҳурият ҳарбий комиссари медални ўз соҳибига тақдим этди. «Жасурлиги учун» медали М. Муҳамедовга қирқ икки йилдан сўнг топширилди. Жасорат ҳеч қачон унутилмайди, деганлари рост экан.

Мумтоз Муҳамедов Улуғ Ватан урушидан қайтиб келгач, тинч меҳнат жабҳасида ҳам ҳаммага ўрناق бўлди. У дастлаб Ўзбекистон Телеграф агентлигида директори ўринбосари, пойтахтдаги Октябрь ноҳия фирқа кўмитасининг биринчи котиби, Министрлар Советида санъат кўмитаси раиси, «Муштум» журнали ҳамда бир пайтда «Ўзбекистон маданияти» газетасининг муҳаррири каби масъул лавозимларда ҳормай-толмай хизмат қилди.

Мумтоз Муҳамедов Ўзбекистон Кинофильмлар студияси директори бўлиб ишлаган кезларида киночилигимиз бир қадар ривожланди. У кейинчалик «Кино» журнали редакциясини бошқарди. «Кичик гарнизон», «Душман билан юзма-юз», «Билса ҳазил, билмаса чин», «Садоқат» каби ўнлаб китоблар муаллифи, тинч қурилиш йилларидаги меҳнатлари учун, «Меҳнат қизил байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари, «Жанговарлиги учун» медали ҳамда беш марта Ўзбекистон ССР Олий Совети президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР кинематографияси аълочилиси ҳамдир.

**Мажид САМАДОВ,**


СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,  
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист



Ғаллаороллик донгдор чўпон Оқмирза Сандиев ўғли Анорбойга чўпонлик таёғини топширмоқда.

Р. Нурибоев сурати





Тошпўлат АХМАД

## ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИГА

Ўзбек йигитларининг аксарияти армияда... қурилиш баталиёнларида хизмат қилмоқдалар.

Алпомиш авлоди дердилар Сизни, Тарагай имдоди дердилар Сизни, Торобий муроди дердилар Сизни — Ўзбек ўғлонлари — укажонларим!

Темурмалик туғи ҳилпираган он, Жалолиддин ёвга солганда қирон, Сиз улар кўксига бўлгансиз қалқон, Менинг шеркелбатли укажонларим!

Доролар — бўрилар келиб кетдилар, Жўжилар, бўжилар сўлиб кетдилар, Шарманда-шармисор бўлиб кетдилар Сизнинг зарбангиздан, укажонларим!

Сизни суянчим деб суярдн Бобур, Сарсон юрсангиз-да... бўлсангиз собир, Муқбил Тошотардек ўктам, баҳодир — Арслон савлатли укажонларим!



Юртни тун қопласа — чироқ бўлгансиз, Эл бенажот қолса — Широқ бўлгансиз, Душманни куйдирган чақмоқ бўлгансиз, Садоқат фарзанди — укажонларим...

Бугун маънос боқар нечун кўзингиз, Нечун хира ёнар Ой, юлдузингиз, Наҳотки татимас еган тузингиз... Эй, Сиз дийдаси нам, укажонларим!

Биламиз, Ватанга ёвқурлар керак, Қарчиғай нигоҳли ботирлар керак, Гоҳ эса... беминнат шотирлар керак, — Эй, меҳнатга ҳамдам, укажонларим!

Автомат не даркор чўкич турганда, Белкуракни олинг сафда юрганда, Лой кечинг «командир» боғ-уй қурганда, Ҳарбий хизмат бу ҳам, укажонларим!

Куйинманг, Сизнинг ҳам погонингиз бор, Чиниқай десангиз, имконингиз бор, Юлдузли тасмангиз — юганингиз бор, — Гишт қуйинг, ер тилинг, укажонларим!

Онангиз туққандир сизни ишланг, деб, Сибирда дарахт кес, БАМда қишланг, деб, Лекин нонингизни ҳалол тишланг, деб, — Фёлингиз кенг қилинг, укажонларим!

Сизни тил билмайди, десалар, чиданг, Ҳатто дил билмайди, десалар, чиданг, Ношуд деб, нимжон деб кулсалар чиданг, Бесавод, бемадор, укажонларим!

Шу қолга тушибсиз — ўзимиз айбдор, Евгон ошимизу тузимиз айбдор, Сизни суёлмаган кўзимиз айбдор, Шинелли мардикор, укажонларим!

Беморми, рангпарми — фарзандимизсиз, Фидойи аскарсиз — дилбандимизсиз, Эл-юртга соғ қайтинг — арзандамизсиз, Ўзбек ўғлонлари — укажонларим!

## БЕЛЛАШУВ

Беллашарди икки ўспирин,  
Гир айланиб, силтаб бир-бирин.  
Олмоқ бўлса бири белбоқдан,  
Чалар эди бири оёқдан.  
Кураш шундай қизгин, зўр эди,  
Полвонларга қий-чув кўр эди:  
«Ур, чиллик сол, энди чапга бос,  
Унгга қайтар, ҳа, яша шоввоз...»  
«Сен бўшашма, қайир қўлини,  
Маҳкамроқ сиқ, буккин белини...»  
Икки ўртоқ ўспирин эса,  
Шу зайлда гал бермай роса,  
Олишарди йиқилиб, туриб,  
Дармонлари битганча қуриб.  
Тораярди тобора майдон,  
Қий-чув давом этарди ҳамон:  
«Ур, чиллик сол, кўкрагини эз...»  
«Сен бўш келма, яшавор хўроз...»  
Шу пайт бирдан икки ўспирин,  
Еқасидан тутиб бир-бирин,  
Мушт солиша кетдилар чунон,  
Ажратмоққа йўқ эди имкон.  
Биттасининг ёрилса боши,  
Иккинчисин дарз кетди қоши.  
Калла қўйса бири бурунга,  
Тепки тушди бирин қорнига...  
Ростин айтсам, мен ҳам ўшал дам,  
Бир чеккада турганча мулзам  
Кузатардим бу ҳолни ночор...  
Ночорлигим гар этсам ошкор:  
Беллашмоққа иккала тараф  
Тушса агар: бўлмай бетараф,  
Гиз-гизласа гар томошабин,  
Барбод этса тоқат, бардошин,  
Ҳатто дўстлар таяниб муштга,  
Айланаркан ит ва мушукка...



## СУҲБАТ

— Эрк дегани не, бобо?  
— Эркми?... Бу — ўтлиг нидо!  
— Унинг манзили қайда?  
— Юрагининг қаърида!  
— Ундан ажралсанг, нетар?  
— Сени сарсонлик кутар!

— Ҳақиқат нима, бобо?  
— Ҳақиқат... Бу ҳам — нидо!  
— Унинг манзили қайда?  
— Ўзинг излаган жойда!  
— Уни топмасанг, нетар?  
— Сени армон, ғам ютар!

— Ғурур нима, бобожон?  
— Бу энди... болам, тугён!  
— Унинг манзили қайда?  
— Ўзлигингда, кўзингда!  
— Уни йўқотсанг, нетар?  
— Умринг қулликда ўтар!..



## ШОҲТУТ

Боғимизни безаб, ўсарди шоҳтут,  
Бирам сулув эди — худди келинчак.  
Езда шоҳларига инарди «ёқут»,  
Оҳ, унинг қошида... билсангиз агар,  
Жаннат мевалари ечолмасди ип.  
Бир татиб кўрсангиз, ичгандай соғар,  
Юрарди қонингиз жўшиб, кўпириб.  
Бизлар авайлардик уни ёт кўздан,  
Худди боламизга меҳр қўйгандай.  
Аммо қуриб қолди у ўз-ўзидан,  
Сездик ўзимизни ўтда куйгандай.  
Кенгашиб, қулатдик ахир чор-ночор,  
Ҳаттоки қўпордик мўрт илдизларни.  
Не ҳол, деб кундага кўз солсам такрор,  
Илғадим текинхўр қурт-қўнғизларни...  
Гарчи кулгилидир шеърнинг бу ёғи,  
Нетайки, ўзга йўл бермасди таскин.  
Мен битта қўнғизнинг бошу оёғин  
Осмондан келтириб, кузатдим мискин.  
У бироз урнади... ўнганмоқ бўлиб,  
Кейин тинчиб қолди жони чиққандай.  
Бу ҳолни кўрдим-у, хаёлда калқиб,  
Бир фикр портлади, чақмоқ чаққандай.  
Кўзларда гулласин ҳаёт — шоҳтутлар,  
Асрайлик илдизу япроқларини.  
Мабодо учраса текинхўр қуртлар,  
Тўнтариб қўяйлик оёқларини...

## САККИЗЛИК

Ожизликнинг тили — қиличдир,  
Унинг дастасига «қон» деб ёзилган.  
Доноликнинг тили — қаламдир,  
Унинг танасига «шон» деб ёзилган.  
Қилич тутган қирқ йил яшаши мумкин,  
Қалбингни, қадрингни тилиб, яралаб.  
Қалам тутган эса яшар минг йиллар,  
Қалбингни, қадрингни қуёшга улаб.

Бухоро.



# БИР МАЙИЗНИ ҚИРҚ БЎЛИБ ЕЙСИЗ

Авжи ёз бошланган, доройи чумак уриб, марварид доналари шира бойлаган пайт. Тўй мавсуми бошланган, бозорларда одам гужгон ўйнайди. Белбоғига пичоқ осиб олган девқомат йигит қора мунчоқдай товланаётган узум бошларини кўтариб кўз-кўз қилади, оғзидан бол томиб, молини мақтайди:

— Кеп қолинг Фарғона чиллакисига, лабингизни лабингизга ковшарлаб қўяди...

Бозор айланиб юрган Наби ака узумдан бир дона еб кўриб, юзини буриштирди:

— Нима бало, токни сирка билан суғорганмисиз, йигит?

— Оғзингизга қараб гапиринг, отахон, бу — машҳур олимларимиз яратган янги навнинг узуми!

— Бунинг ўрнига майизбоп тоқлардан ўстирсанглар бўлмай-дими?

— Унда узумчилик бўйича докторлик диссертацияси ёзаётган олимларга иш қолмайди-да,— деб кулди йигит киноя билан.

«Қизик, илгариги шираси тилни ёрадиган майизлар қани,— хаёлидан ўтказди Наби ака.— Нима учун «ихтирочи» олимлар йўқолиб кетаётган навларни тиклаш ўрнига, янги нав яратдик, деб жар солишади. Сиркага ҳам ярамайдиган бемаза узум кимга керак ахир?»

Дарҳақиқат, узоқ йиллар Самарқанддаги Киров номли колхозда бригадирлик қилиб, 1948 йили тоқзорнинг ҳар гектаридан 248 центнер кишмишбоп узум етиштириб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Наби ака Аҳмедовнинг обаки узумни яратган олимлардан ранжишида жон бор эди, албатта.

Гап шундаки, Сочак деганда восарга, тоифи, ҳусайни, доройи, хушбўй мускат, қора кишмишлари билан иттифоқимизда шухрат қозонган соҳибкорлар кўз олдимизга келади.

— Узум етиштириш ўзбек-тожик халқларининг қон-қонига сингиб кетган,— дейди сочакли машҳур соҳибкор Наби ака биз билан қилган суҳбатда.— Яқин-яқингача бу соҳа ноҳияда асосий тармоқлардан ҳисобланарди. Дехқон хонадони шода-шода узум, қоп-қоп майиз билан фаровон бўларди. Ҳа, 30—40 йил илгари узумчилик энг юксак чўққисига чиққан давр эди, десам, ишонаверинглар. У вақтларда машина, минерал ўғит тушимизга ҳам кирмасди. Барча ишлар техникасиз, қўлда бажариларди. Жўяклар чуқур чопиларди, бегона ўтлар илдиз-пилдизи билан йўқ қилинарди. Ток атрофини очиб, ортиқча илдизларни кесиб ташлар эдик. Баҳорда ғалтак араваларда эски пахса девор тупроғини нурига аралаштириб ток тагига кўмар эдик. Бу ишни ток кўмганда ҳам такрорлаб, чилла суви-

га роса қондирар эдик. Серҳосил новдалар қолдирилиб, хомакилар кесиб ташланарди. Пушталар тез-тез чопилар, ток новдалари эса йирик-йирик кесаклар устига ётқизилиб қўйиларди. Шундай қилинганда улар ҳаво ва қуёш нуридан баҳраманд бўлар, чиниққан, бақувват новдаларга ҳар қандай касаллик таъсир қилмас эди. Дори деган дарди харинани токка яқин йўлатмас эдик. Шунда ҳам узумдан тонна-тонна ҳосил олардик...

Дарҳақиқат, Наби аканинг куйинганича бор. Хўш, қани ўша тилларда дoston бўлган майизбоп узумлар? 1968 йилги ҳисоб-китоб маълумотларига кўра, иттифоқимиздаги 1 миллион 79 минг гектар тоқзорнинг 85 фозини мусалласбоп, 12 фозини хўраки ва атиги 3 фозини майизбоп навлар ташкил қилар экан.

Тажрибали соҳибкорларнинг айтишича, кейинги кунларда тоқчилик илмий амалиётига эътибор берилмай қўйилган. Майизбоп тоқларни семон ходаларга кўтаришга нисбатан, эски усулни қўллаганда кўпроқ ҳосил берар экан. Аксарият кўп жойларда тоқлар заҳлатиб суғорилиши натижасида новдалар ҳаддан ташқари ғовлаб кетади. Ҳаво исиганда сув буғланади ва узум шўр касалига йўлиқади. Ток кесиш, хомтоқ қилишда, суғоришда, уни очиб, кўмишда соҳибкорларнинг тажрибасига амал қилинмай, ишлар оммавий равишда бажарилади. Кўп жойларда ток тагига эски тупроқ, пахса кесаклари ўрнига хилма-хил дорилар солинади.

Илгари узилган узумлар кажавода ташилар, эзилмас, уларга озор етмас эди. Ҳозирги кунда эса қутилар устма-уст қўйилгани учун узум эзилади, сифати бузилади. Асл соҳибкор обжўшга босилган узумни семон билан сувалган маҳсус майдонларда қуритиб, тилларанг ширин-шарбат майиз тайёрлайдилар. Сувалган ер обжўш сувини ўзига тортади, натижада узум тез қурийд. Афсуски, ҳозир майиз қуритишда айрим нотўғри тавсиялар туфайли соҳибкорлар панд еб қолмоқдалар. Масалан, улар майизни асфалт устида қуритишдек нотўғри усулни сомон билан сувалган асфалт майдонга ёйилганда шираси оқиб, бир-бирига ёпишиб қолади, таъми йўқолади, сифати бузилади. Чунки асфалт қуруқ ер сингари узумнинг сувини ўзига тортиб олмайди, натижада унинг қуриш муддати ҳам узайиб кетади.

Яна бир муаммо шуки, айни мавсум қизигида баъзан ёмғир ёғиб қолади. Очиқ майдонда қуритилаётган майиз устини ёпишга ҳамиша пленка топилавермайди. Бу ҳам етмагандек, узум узиш мавсумида маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари ҳосилни вақтида қабул қилиб олиш қувватига эга эмас. Тайёр ҳосил кунлаб

завод остонасида туриб қолиб чирийди, шираси сел бўлиб оқад. Табиийки, бундай пайтларда унинг миқдори камайиб, нархи пасаяди. Бу эса ёз бўйи тер тўккан соҳибкор меҳнатини қадрсизлантиради.

Маълумки, 1985 йили эълон қилинган ҳукуматимиз қарори ичкилик шайдоларининг ўпқонига қопқоқ бўлди. Ўткир даражали ичимликлар, кучли винолар ишлаб чиқариш кескин камайди, заҳри қотил билан савдо қиладиган дўконлар эшигига тамба қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ турли жиноятлар, фалокатлар, ишга чиқмасликлар анча товсилди. Аммо калтакнинг икки учи бўлганидек, маъмурий лавозимдаги баъзи ҳовлиқма амалдорлар бўрқ ол деса, бош олди қабилда иш тутдилар: ичкилик-бозликка қарши кураш баҳонасида 314 минг гектар тоқзорларни таг-томири билан қўпориб ташладилар. Вино ишлаб чиқарадиган юзлаб заводлар ёпилди, жуда катта пулга сотиб олинган қимматбаҳо мосламалар йўқотилди. Натижада инсон умрига умр қўшадиган, жаҳон бозорида доим шоҳсупани эгаллаб келган, минг хил дардга даво бўлган шифобахш узумлар патарат топди, тўю тантаналар беағи бўлган «шампан» виноси, йиллар давомида ота-боболаримиз дори-дармон сифатида истеъмол қилиб келган набиз, мусаллас сингари хуштаъм ичимликлар бутунлай бадарға қилинди. Табиийки, тоқзор қуриган жойда узум ҳам, майиз ҳам бўлмайди. Модомики, шундай экан, ҳозирги коинот асрида бир кило майизнинг нархи 8 сўмга кўтарилиб, осмонга чиқиб кетганига ажабланиш мумкинми?!

Маълумки, ўзбекнинг тўйтўмологи ҳовла, нишолдасиз, майиз, новотсиз ўтмайди. Қизиги шундаки, бозорда хандон пис-танинг бир килоси 20 сўм, бодом 10 сўм, ёнғоқ 7 сўм, туршак 5-6 сўм бўлса, фақат маошга яшайдиган меҳнаткаш халқ дастурхонга анқонинг уруғини тортадими? Майли, бўлари бўлди, бўёғи синди, дегандай, ўтган хатоларни тузатишимиз лозим. Минглаб гектар майдонда қўпориб ташланган тоқзорларни, бутун дунёга машҳур бўлган Ўзбекистон майизи шухратини қайта тиклашимиз керак.

Илова: биргина Самарқанд ноҳиясида йилига 6 минг тонна, вилоят бўйича эса, 15 минг тонна майиз тайёрланади, шундан 11 минг тоннаса Умумиттифоқ фондига жўнатилади. Шундан ҳулоса чиқариб олаверинг, бир майизни қирқ бўлиб ейдиган хотамтойлар.

А. ИСОМИДДИНОВ,  
А. МУҲАММАДАЛИЕВ  
Самарқанд вилояти



## ЖАҲОНГАШТА «ИЗАУРА»

«Изаура»ни телетомошабинларимиз яхши эслашади. Бразилия киночилари суратга олган ушбу филм ҳозиргача дунёнинг 128 мамлакатига муваффақият билан намойиш этилди. Филмнинг бунчалик оммалашиб кетишининг боисини ҳанузгача ҳеч ким англаб етгани йўқ. Жабрдийда Изаура — ўттиз икки ёшли бразилиялик актёр — Луцелия Сантос эса ҳамон «паноҳ» излаб дунё кезади.

300 миллионли хитой телетомошабинлари уни бир овоздан «йилнинг энг яхши артисти», деб тан олдилар. Уни Пекинда маликалар сингари эъзозлашади. Изаурага айниқса, ниҳоятда ҳаяжонланган европалик мухлисларидан сон-саноксиз хатлар келиб турибди.

«Изаура! Мен филмнинг сўнги қисмини кўролмайд қолдим, охири нима билан тугайди?» деб мактуб йўллапти полшалик бир мухлиси.

Айтишларича, Португалиянинг собиқ бош министри Марио Соареш ўз қабулида ўтаётган йиғилишни ҳам тўхташиб, «Изаура»нинг изтиробига шерик бўлган.

Ҳатто Фидел Кастродай давлат арбоби ҳам ўта масъул иш билан машғул бўлишига қарамай, инсоний туйғуларидан устун келолмаган. У бразилиялик малакни илтифот билан тушликка таклиф этган.

«Бир кун вақти келиб бу воқеаларни алоҳида китоб этарман», дейди Луцелия кулиб. Унинг айтишича, филм учун суратга тушаётганида ўзини одатдагидай тутган, жаҳоншумул шон-шухрат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган экан.

## ОЙДА СУВ БОРМИ?

АҚШда кичик ҳажмли сунъий йўлдош яратиш бўйича кўрик эълон қилинди. Унинг вазифаси Ойнинг кутб бўйи минтақаларида сув қидириб топишдан иборат бўлиши керак. Сунъий йўлдош 1992 йили учирилиши лозим. Ойда сув қидириш бўйича олиб бориладиган тажриба салкам бир йил давом этади.



# «НАВОЙ» КЕМАСИ

Жумҳуриятимиз аҳли жаҳон маданиятининг буюк намояндаларидан бири, адабиётимизнинг улуғ бобокалони Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини тантанали нишонламоқда. Феодал урушлар авж олган, тахт ва мансаб йўлида шоҳ ва шахзодалар ўзаро курашаётган бир даврда яшаб ижод этган Навоий туркий халқлар адабиётини, маданиятини шундай юксакликка кўтардики, шоирнинг номи ўша даврдаёқ халқларни тинчликда, ҳамкорликда ва дўстона яшашга даъват этувчи рамзи бўлиб хизмат қилди. Мутафаккирнинг нияти шунинг учун ҳам улуғ эдики, у барча халқларнинг ирқи, ижтимоий келиб чиқиши, ривожланиши даражасидан қатъий назар барчанинг тинч-тотув яшашини истарди.


Бизнинг замонимизда ҳам улуғ бобомизнинг ниятлари, орзу-истаклари умумбашарий тус олганлигини кўрамиз. Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши, ядро уруши хавфининг олдини олиш, инсониятни, она сайёрамизни сақлаб қолиш йўлида ибратли ишлар қилинаётгани ҳаммага маълум. Дўстлик, умуминсоний масалаларни ҳал қилишда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиш, инсоний масалаларни ҳал қилишда байналмилал анъаналарни тиклашга интилиш ҳаракати кучаймоқда. Ҳазрат Навоийнинг орзу-умидлари эндиликда рўёбга чиқмоқда, десак муболаға бўлмайди. Бу улуғ мақсад йўлида устод рамзий маънода ҳамон сафимизда.

СССР денгизчилигида мамлакат байроғи билан чет эл сафарларига чиқадиган кемаларнинг 20 га яқини Ўзбекистон билан боғлиқ. Совет денгизчилигидаги кемаларнинг анчаси ёзувчи ва шоирлар номи билан юритилади. Сувратли қилиб айтганда Тинч ва Шимолий муз уммонларида, Эгай денгизи, Қора денгиз ва Азов денгизиде «Ҳамза», «Садриддин Айний», «Михаил Луконин», «Якоб Колас», «Мухтор Авезов», «Сергей Смирнов», «Владимир Маяковский» сингари адабиётчилар флоти хизматда.

Шарқнинг улуғ фарзанди номи

билан аталадиган «Алишер Навоий» теплоходи Ёзувчилар флотидаги энг тўнғич кемалардан бўлиб, мамлакатимиз буюртмаси билан Югославиянинг Риека заводида қурилган. У 1969 йилда Владивосток шаҳрида сувга туширилди. «Навоий» кемасининг ҳаракат чизиги Владивосток — Иокоосуко — Сингапур — Сидней — Сан-Франциско шаҳарларидан ўтади. У ерларга дон, техника қурилмалари, миҳ ва турли хўжалик буюмлари етказиб беради. «Навоий» кемаси Владивосток соҳилида сувга туширилган дастлабки кундаёқ ушбу қувончли хабар Ўзбекистон жамоатчилигига — буюк мутафаккир номи билан аталадиган Навоий шаҳри аҳолисига етиб келди. Ўзбек адабиётининг асосчисига ҳурмат, унинг ғояларига содиқлик рамзи бўлган ушбу кема ўзининг 20 йиллик фаолияти давомида Америка, Англия, Япония, Канада, Янги Зеландия, Австралия, Ҳиндистон, хуллас Африка қитъасидан бошқа барча чет эл соҳилларида бўлди. Шунингдек, «Алишер Навоий» кемаси СССР — АҚШ, СССР — Канада, СССР — Япония Дўстлик жамиятларининг аъзоси ҳамдир.

Табиийки, кема бўсағасига қадам қўйган ҳар бир чет эллик кема номи билан қизиқади. Денгизчиларимиз Навоий ва унинг ижодий фаолияти ҳақида уларга мароқ билан ҳикоя қилиб берадилар. Шунини таъкидлаш ўринлики, кеманинг 32 кишилик жамоасининг кўпчилиги ҳозир улуғ адибнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хорижларга инглиз тилида маълумот бера олади. «Навоий» кемасига ташриф буюрган ҳар бир киши унинг номи билан боғлиқ лавҳалардан катта маълумотга эга бўладилар. Жумҳуриятимиз жамоатчилиги, айниқса Навоий шаҳридаги оталиқ ташкилотлар кемага кўмак бермоқда. Бу соҳада Навоий шаҳар ижроия комитети, Навоий шаҳар халқ маорифи бўлими, шаҳардаги пионерлар уйи ҳамда 16-ўрта мактаб ўқувчилар жамоаси томонидан ҳар йили ўнлаб нусахада Навоий асарларидан кемага юборилиб, ўз бурчларини садоқат



«Алишер Навоий» кемаси бандаргоҳда.



«Бухоро» кемаси навбатдаги сафарга — япон диёрига йўл олди...

билан адо қилмоқдалар. 1975 йилдаёқ оталиққа олинган ташкилотлар томонидан юборилган жиҳозлар асосида кемада музей ҳамда буюк шоир — «Навоий» бурчаги ташкил этилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда Навоий номидаги жумҳурият адабиёт музейи ташаббуси билан кемага шоирнинг 10 жилдлик асарлари, унинг ижоди, ҳаёт йўлини акс эттирадиган тадқиқот асарлари юборилди. Мутафаккир номидаги пионерлар уйи жамоаси эса унинг мўйқалам соҳиблари чизган каттакон суратини совға қилди. Чет элликларга намойиш этиш учун «Ўзбекфилм» киносилари томонидан «Навоий» филими кемага совға тарзида инъом қилинди. Ҳозир Навоий бурчагида ўзбек классик адабиётининг ўзбек, рус, чет тилларидаги нодир асарлари, тантаналар муносабати билан тайёрланган жилдлар китоб ва рисола-

лар, газета ва журналларда чоп этилган мақолалар алоҳида кўргазмадан ўрин олган. Қираверишда, кўзга яққол ташланадиган жойга эса Мир Алишер Навоий сурати ўрнатилган.

Кемада тўпланган материаллар, ўзбекистонлик ҳамда чет эллик меҳмонлар билан ҳамкорликда Навоийхонлик кунларини ўтказишга имкон беради. Ушбу анжуманларда жамоа шарқона кийинади, ўзбек миллий таомлари билан чет эллик меҳмонларга илтифот кўрсатилади. Бу эса жаҳон халқларининг Навоий ҳақидаги билимларини бойитади, халқларни бир-бирига яқинлаштиради.

Салкам чорак асрдан буён Тинч океани — баҳри муҳитда сузиб юрган, тинчлик ва дўстлик элчиси бўлган «Навоий» кемасининг сафари доимо бехатар бўлсин!

Шодмон ҲАЙИТОВ

*Сукунат қўйнида мудрайди борлиқ,  
Кўл узра йўргалар мавжлар қўшини.  
Тўлқинлардан паноҳ излайди балиқ,  
Мавжларга уради қушлар тўшини...*

Ш. Иброҳимов сурати



Агар «Известия» газетасининг 1989 йил 8 март сониди «Махфийлик бекор қилинди» сарлавҳали ахборот босилмаганида, биз ҳам журъат қилиб бу мавзуда ёзмаган бўлур эдик. Ушбу ахборотда шундай жумлалар бор:

«Қозоғистон иқтисодий харитасида сўнги «доғ» барҳам топди. СССР Улка машинасозлик министрлигининг энг йирик корхоналаридан бири Каспийбўйи тоғ-металлургия комбинати фаолиятида махфийлик режими бекор қилинди. Мазкур корхонада 2000-йилгача уран ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш бир неча марта камайди. Шундай қилиб мамлакат мудофаа саноати тинчлик манфаатларига хизмат қила бошлади».

Бу албатта мамлакатимизда ошқора иш юритиш одат тусига кира бошлаганидан далолат беради. Лекин ҳали бизнинг жумҳуриятимиз иқтисодий харитасида ҳамон «ёпиқ» иш юритишлар давом этапти. Масалан, Навоий тоғ-металлургия комбинати мана ўттиз йилдан буён «мутлақо махфий» фаолият кўрсатмоқда. Ҳатто бу корхонада ишлаётган кишиларга қилган меҳнатлари учун давлат мукофотлари ҳам махфий равишда берилади. Корхонада Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг унвондорлари ҳам бор. Комбинат директори Н. И. Кучерский икки марта Давлат мукофотига сазовор бўлган. Хўш, қайси хизматлари эвазига? Навоийда ҳозиргача бу ҳақда гап очиш мумкин эмас. Уртоқ Кучерскийнинг ўзи ҳам СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган сайловолди йиғилишида бу саволга жавоб беришдан бош тортди.

Навоий тоғ-металлургия комбинати жумҳуриятимиздаги бир неча энг йирик саноат корхоналарини бирлаштирган. Хизмат тақозоси билан корхонанинг айрим тармоқларига боришга тўғри келганди. Афсуски, ўша пайтлари бу ҳақда ёзиш қатъий ман этилган эди. Асл сабаблар эса, ҳанузгача маълум эмас. Утган йили мазкур корхона ўзининг 30 йиллигини нишонлади. Айтиш керакки, унинг ишга туширилиши Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби шаҳарларнинг

## МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Маҳмуд МАРДИЕВ

# ИДОРАВИЙ ТЎСИҚЛАР

бунёд этилишига асос бўлди. Биз бунга ҳеч қачон инкор қилмаймиз.

Вилоят, жумҳурият бўйича йиғма ахборотларни кўздан кечирсангиз, мазкур корхонанинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳақида лом-лим дейилмайди. Нега? Яна ўша гап — бу ҳақда гапириш мумкин эмас. Ёки СССР «Навоий-азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини олайлик. Бу бирлашма атроф-муҳитни шу қадар булғамоқдаки, баъзан нафас олиш учун қийналасан киши. Албатта бунинг министрлик ходимлари билмаслиги мумкин эмас, улар бирор чора кўриш ўрнига елка қисишади. Ахир ўзлари ҳавоси мусофага жойлардан туриб, «Навоийазот» бирлашмаси ҳисоботларини қабул қилишади ва кўрсатма беришади. Навоий Электрохимия заводи СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигининг раҳбарлигида ишлади. Бу корхона ҳам Навоий осмонининг сариқ тутунлар билан қопланишига «ҳисса» қўшаётди. Улкамизнинг таниқли олимлари С. Зиёдуллаев, С. Усмонов ва бошқалар «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида (1988 йил, 17 июл) босилган «Ошқоралик ва адолат» мақолаларида шундай ёзадилар: «Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноат кенг ривож топди. Унинг маҳсулоти фақат жумҳуриятнинг эмас, балки бутун мамлакат эҳтиёжини қондиришга мўлжаллангандир. Жумҳуриятда иттифоқдаги кимё саноати корхоналарининг 10 фоиздан ортиқроғи жамланган. Улар мамлакат учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга атроф-муҳитни кўп даражада ифлос қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси социал оқибатларга олиб келди, касалликлар кўпайди, болалар ўлими ўсди, бола туғиш ёшида бўлган аёллар саломатлиги ёмонлашди».

Мақола муаллифларининг қуйидаги фикрлари ғоят қимматлидир: «Жумҳуриятда миллий даромадларни белгилашда фойдали қазилмаларни қайта ишлашдан олинган реал даромад ҳам кўзда тутилмайди. Ўзбекистон рангли металлургия, рух, мис, кўрғошин, газ қазиб олишда мамлакатда етакчи ўринларнинг бирини эгаллайди. Бу ердаги умумиттифоқ тасарруфида бўлган йирик саноат корхоналарининг маҳсулотлари ҳам ҳисобга кирмайди. Бордию масалага Маркснинг меҳнат қиймати ҳақидаги назарияси нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, у ҳолда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган миллий даромад фойдаланилганидан 4,4 миллиард сўм ортиб кетади».

Агар ўлкамиздаги саноат корхоналари Ўзбекистон министрликлари ихтиёрига ўтказилмас экан, ижтимоий-иқтисодий турмушимизда ўзгариш бўлмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари барбод бўлаверади.

«Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1989 йил 3-сониди Б. Миринский бу аҳволни жуда тўғри изоҳлайди. Шаҳарлардаги кон бошқармаси ва қурилиш бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинатининг йирик бўлиналариридир. Унинг «соҳиблари»дан берухсат мактабгача тарбия муассаларини қуришга жой ажратишдан бошлаб, турар-жой таъминотгача бўлган бирорта масала амалда ҳал қилинмайди. Нақадар ғалати туялмасин, бу шаҳарларда маҳаллий партия ва совет идоралари етакчи рол ўйнамайди. Ваҳоланки, «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» (КПСС ҳаракат дастури) «Иттифоқдош республика территориясидаги ерларга ундаги конларга, ўрмон, сув ва бошқа табиий ресурсларга эгаллик қилиш ва тасарруф

этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак», деб алоҳида таъкидланганки, бу ҳақиқатдан ҳам даврнинг энг долзарб масаласилигидан дарак беради.

— Шаҳар уй-жой қурилиши кўпроқ Марказдаги «хўжайин»ларнинг ҳимматига боғлиқ, — дейди шаҳар ижроқўми вакили Людмила Аҳадовна. — Уларнинг руҳсатисиз шаҳарда бир ғиштни иккинчи жойга олиб қўя олмаймиз.

Шунингдек, шаҳар саноат корхоналарига қарашли боғчалар билан халқ маорифига қарайдиган болалар муассасалари ўртасида ҳам осмон билан ерча фарқ бор. Шаҳарда энг ғариб болалар боғчалари халқ маорифи бўлимига қарайди. Уларда арзимаган таъмирлаш ишлари ҳам бир йилга чўзилади. Баҳона — хомашё йўқ. Юқоридан текширувчилар келганда эса, саноат корхоналаридаги боғчаларни кўрсатиш билан ҳақиқий аҳвол яшириб келинаверади. Қизиқ, унда шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари нима қилиб ўтирибди? «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шiorнинг кадр-қиймати қаерда қолди? Шаҳарнинг хўжайини аслида ким? Ижроқўми ёки тоғ-металлургия комбинатими? Ҳар иккаласи ҳам дейиш мумкин. Демак, Навоийда ўттиз йилдан бери қўш ҳокимиятчилик ҳукм суриб келмоқда. «Иттифоқдаги республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш: ўз-ўзини бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш асосида иқтисодий ва ижтимоий соҳага раҳбарлиқни қайта қуришнинг умумий принциплари» лойиҳасида таъкидланганидек, «Бошқарувда маъмуриятчилик, буйруқбозлик, бюрократик усуллар устунлик қилди, кўпгина вазифалар марказга кўчди. Иттифоқ министрликларининг ўз амрини ўтказиши кучайди».

Ишлаб чиқаришга бундай муносабатда бўлиш туб аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмаслик ақидасини юзага келтирди. Миллий муносабатларни соғломлаштириш деганда албатта ана шундай жиҳатларни ҳисобга олиш керак.



## ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

### ПАРҲЕЗ

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва унинг мустаҳкам бўлишини таъминлашга имкон берадиган халқ таъбиотидаги омиллардан бири парҳездир. Парҳез сўзини эшитиш биланоқ кўпчиликнинг тасавурида тўғри овқатланиш қондалари, касаллик даврида ёқмас овқатлардан ўзни тийиш ённки айни шу даврда шифобахш овқатларни истеъмол қилиш зарурлиги каби тушунчалар пайдо бўлади. Ваҳоланки, парҳез тушунчаси юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда, муолажа учун қўлланиладиган талайигина бошқа тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Масалан, беморлар учун касалликнинг тури ва унинг кечиш жараёнига қараб турли хил тавсиялар берилади. Хусусан: фаол ҳаёт тарзидан тинч-осойишта ҳолатга ўтиш, яъни ётиб ором олиш. Шунингдек, беморлар учун озода, ҳавоси тоза, сокин, мўътадил ҳароратли қулай жой бўлиши лозим, мунтазам ва меъёрида тўғри овқатланиш, доридармонларни тартиби билан ўз вақтида қабул қилиш, меъёрида ҳаракат қилиб, бадантарбия билан шуғулланиш, вақти-вақти билан сурғи қилиб, ични тозалаш ва ҳаммомда чўмилиш каби муолажалар...

Хуллас, парҳез сўзининг маъноси маълум бир омил билан чекланиб қолмайди, балки касалликнинг тузалишида бемор амал қилиши ва қўлланиши лозим бўлган, бир-бирга узвий равишда боғлиқ бир қанча муолажа усулларига риоя қилиш каби тушунчаларни ўз ичига олади. Масалан, овқат парҳезидан ташқари, иқлим-шароит парҳези,

ҳаракат парҳези, дори-дармон парҳези ва ҳоказоларга риоя қилишни тақозо этувчи турли хил тадбирлар борки, буларга тўғри ва тўлиқ амал қилинса, дардманднинг тезда соғайиб кетиши учун имкон туғилади.

Парҳезни фақат беморларгагина тавсия этмасдан, унга соғлом одамлар ҳам амал қилмоғи лозим. Аслида соғлом одамлар учун парҳез алоҳида маъно касб этади. Беморлар учун белгиланган парҳез қатъийликни талаб этса, соғлом кишилар учун касалликнинг олдини олиш мақсадида, яъни муҳофаза моҳиятига эга бўлади.

Аксарият ҳолда, касалликнинг келиб чиқиши ва унинг кечишида оддий омилларнинг бузилиши ёхуд тўғри овқатланишга риоя қилмаслик асосий сабаблардандир. Шунинг учун ҳам азалдан халқ орасида парҳез сўзи энг аввало, тўғри овқатланиш маъносини касб этган. Аслида эса, парҳез деганда касалликнинг тезда тузалиб кетиши учун

амал қилиниши лозим бўлган барча шарт-шароитлар ҳам тушунилади.

Демак, ҳар бир касалликнинг даволаниши учун ўзига хос парҳез зарур экан. Дори-дармонлар ва даволаш усулларининг нафли бўлиши учун маълум шарт-шароитларга риоя ва амал қилиноғи лозимки, бунга биз парҳез деб тушунамиз. Масалан, терида учрайдиган баъзи бир касалликларни даволашда офтоб нури ёки сув тегмасин деган тавсиялар берилса, ошқозон-ичакларнинг яраларини даволашда эса, овқатланиш йўл-йўриқларига риоя қилиш, юқори ҳароратли беморларга ётиб даволаниш каби тавсиялар берилади.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин аҳамият-лиси шундаки, касалнинг соғайишида парҳез қонунларига ўз вақтида тўғри амал қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Абдулҳамид АБДУЛАҲАТОВ



# МОЗИЙ ҚАЪРИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Мозийга мурожаат этиш, олис тарих саҳифаларининг дуру гавҳарларини қидириб топиб, қайтадан ўз халқи маънавий мулкига айлантириш ҳамisha савобли ва эзгу иш ҳисобланган. Файзулла Бойназаровнинг «Антик дунё» китобини ўқир экансиз, энг аввало ана шу нуқтаи назардан қониқиш ҳосил қиласиз. Муаллиф антик дунёдан ўтмишдошларини қидиради, аجدодлари бўлган бобокалонлари билан дардлашади, ботинан улар билан фикрлашади. Ўзи айтганидек Аму (Окс), Зарфшон (Политамет), Сир (Яксарт) дарёларининг тўлкинида оқади. Мароқанд, Наутак, Херион, Киропил, Александр, Эсхата шаҳарларининг қадимий вайроналарини хаёлан тиклайди. Спитамен каби ватанпарвар ва жасур ўғлонларнинг дардиги шерик бўлади. Олис Македонияга келин бўлиб тушган, ўзининг гўзаллиги ва шарқона либоси билан Оврупо шоҳини мафтун этган сўғдиёналик Роксананинг изларини қидиради. Айни чоғда, Ўрта Осиёнинг антик даврларида яшган турли хил қабилалар — массагет, сак, скиф, сўғдларнинг бир тан, бир жон бўлиб босқинчи ёвга қарши курашганликларини ўша давр тарихчиларидан эшитиб қувонади, уларни жаҳоннинг улуг алломалари қаторида беҳад қадрлайди. Негаки, бу муаррих адиблар ўлкамизнинг антик оламини ҳазон бўлмас боғу роғларга, сўлимас гулзорларга, адоғи йўқ ҳикоятлар гулшанига айлантириб кетди. Истеъдодли олим Файзулла Бойназаров ўз асарида шу антик «дарахт»ларни қайтадан пайвандлайди, «гулзор»ларга оро беради, ҳикоятларни давом эттиради. Аниқроғи, Ўрта Осиёнинг антик оламини яхлит бир гулдасидай ўқувчи кўз ўнгиде қайтадан «кашф» этади.

Қачонлардан буён ўзимизнинг антик дунёмиз ҳақида тасаввурларимиз саёз ва тарқок, изланишлар бир тўхтамага келмасдан сочилиб ётарди. Ф. Бойназаров ўз асарида ана шу тарқок фикрларни, сочилиб кетган сўзларни бир «қолип»га тўплаб, хайрли ишга қўл урган.

Маълумки, жўғрофий шароити кулай, иқлими мўътадил, оқар сувлари тоза ва тиниқ, ерлари ҳосилдор, яйловлари фарахбахш бўлган Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг қадим-қадимданок бутун дунёнинг, подшоҳлар, лашкарбошилар диққатини оҳанрабодай ўзига тортганлиги бежиз эмас. Бироқ Ўзбекистоннинг, яъни Турон ўлкасининг ана шу гўзаллиги унинг бошига озмунча кулфатлар келтирмади. Эрамиздан ол-

динги III асрда Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн), VII асрларда араб босқинчилари, XIII асрларда мўғул босқинчилари, Хитой, Манжур, қалмоқ ва бошқалар бу ўлкага қарши неча бор юриш қилдилар, бойликларини талаб кетдилар. Эрк истаганлар қурбон бўлдилар. Лекин ҳар қандай зўравонлик ва талон-тарожлар ҳам бу халқ иродасини бука олмади, бунинг моҳияти — маънавий куч-қудратнинг қахрамонона ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлигидадир. Шунинг учун ҳам Файзулла Бойназаровнинг мазкур китоби алоҳида аҳамият ва салмоқ касб этади.

Асарда антик даврнинг Геродот, Квинт Курций Руф, Плутарх, Арриан, Диодор, Страбон, Помпей Трог ва Юстин каби машҳур олимларининг фикр-мулоҳазалари, тарихий кузатишлари, кундаликлари ва хотиралари кенг таҳлил доирасига тортилади. Мазкур китобни ўқигандан сўнг юқоридаги антик дунё олимларининг кимлиги, шахси, ҳаёти, биографияси ҳақида, уларнинг инсоният олдидаги буюк хизматлари хусусида ёрқинроқ тасаввурга эга бўламиз.

Масалан, тарихий насрнинг отаси, машҳур грек тарихчиси Геродотнинг скифлар ўлкасига келиши, уларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари билан танишганлиги, қадимги скифларнинг Волга, Дон, Днепр, Дунай атрофларида ҳам кенг тарқалганлиги қизиқарли баён этиб берилади. Геродот, шунингдек, Европа, Осиё ва ҳатто Африкадаги кўпгина қабилалар, элатлар ҳаёти ва урф-одатларидан ҳам маълумот берган эди.

Муаллиф кўпчилик илм аҳлига у қадар таниш бўлмаган Квинт Курций Руф ҳамда унинг «Александр Македонский тарихи» номли китоби ҳақида ҳикоя қилади. Курций Руф Александр Македонский тарихини яратишда аниқ далилларга таянади, айниқса Окс (Аму), Яксарт (Сир) оралиғида рўй берган тарихий воқеаларни кенг ва атрофлича тасвирлайди, ўз муносабатини билдиради. Александр Македонскийнинг Сўғдиёнага юриши, Киропил шаҳрини олишда ниҳоятда қийналгани ва бошидан яралангани сўғдиёналикларнинг Александр Македонскийга жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатганидан далолатдир. Айниқса Сўғдиёна халқининг миллий қахрамони Спитаменнинг мардлиги таъсирчан баён этилган. Эрон шоҳи Доронинг саркардаси Бесс ўз шоҳини ўлдиради. Спитамен ўз подшоҳини ўлдирган хоинни Александр-

га тутиб беради, бироқ ўзи Александрга бўйсунушдан бош тортади.

Курций Руф скифларнинг донолигини, инсоннинг кўзига қараб туриб, унинг ички дунёсини билиб олиш қобилиятларини холисона кўрсатиб берганлиги айтилади. Курций Руф ёзади: «Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган скифлардан 30 киши ўлимга маҳкум этилганда, улар ўлимдан ҳам қўрқмасдан, халқ қўшиқларини баралла айтиб борардилар».

Искандар ўлимга тик боққан бундай инсонларни озод этиб юборади. Бошқа бир ўринда эса Спитаменнинг бошини кесиб келтирган хоин хотинни лагердан ҳайдаб юборишни буюради. Эрига хоинлик қилган хотин ўзгага садоқатли бўлишдан маҳрум, дейди саркарда.

Эрамизнинг 90—95-йилларида Кичик Осиёнинг Вифини деган жойида дунёга келган тарихчи Арриан ҳам «Александрнинг юриши» китобини ёзади. Асарда Александр Македонскийнинг Эронни олгандан сўнг Ўрта Осиёга қилган юриши тасвирланган. Мазкур китобда сўғдиёналикларга қарши юришда Александр икки марта оғир яралангани, кўп талафотлар бергани, Кратер каби машҳур лашкарбошиларидан ажралгани ҳикоя қилинади.

Тадқиқотчи ўз китобида тарихчи Диодор, Помпей, Трог ва Юстин кабиларнинг асарларини ҳам чуқур таҳлил қилади. Тарихчи Диодорнинг Ўрта Осиё халқлари — саклар, скифлар, массагетлар ва сўғдийлар урф-одати,

уларнинг тирикчилик усуллари, ватанпарварлигини холисона кўрсатиб ўтгани таъкидланади.

Машҳур географ адиб Страбоннинг халқларимиз, Ватанимиз тарихини, жўғрофий шароити, табиатини тасвирлаб беришидаги хизматлари мамнуният билан тилга олинади. Страбон Ўрта Осиё, Қозоғистон, Амударё ва Сирдарё оралиғидан ва то Каспийгача ҳудуд табиати, сувлари, яйловларини кенг таъриф этади. Аммо Страбон Яксарт (Сирдарё) Каспий денгизига қуйилади, дейилиши мунозарали эканлиги ҳам айтиб ўтилади.

Китобда Александр Македонский даврида яратилган «Тарихий кундаликлар» номли асар ва унинг антик дунё тарихидаги омилларни аниқлашдаги аҳамияти тўғрисида қизиқарли мулоҳазалар билдирилади.

Шунингдек, «Авесто» ҳақида ва унинг Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқлари, шажаралари, бу жойларда ҳукмронлик қилган сулолалар, оила ва уни бошқариш тартиблари ҳамда урф-одатларнинг кейинги давр халқлари ҳаёт тарзига таъсири изчил таҳлил этилади.

Ф. Бойназаровнинг «Антик дунё» китобини, ўтмиш авлодларимиз шажараси, деб аташ мумкин.

Мустафокул КАРИМОВ,  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини ўзбек адабиёти  
кафедрасининг мудири, доцент

1 Антик дунё, Тошкент, «Меҳнат» нашриёти 1989 йил.



Дарахтлар, дарахтлар, бўйчан дарахтлар,  
Ругубат ҳаводан ўйчан дарахтлар.  
Бугуннинг захрини олсангиз шимиб,  
Қайтармикан ана мусаффо вақтлар?

Ш. Иброҳимов туширган сурат





**Собир ХОЛДОРОВ** — 1968 йили Самарқанд вилояти, Қўшрабат ноҳияси, Эргаш Жуманбулбул номидаги совхоз, Жангал қишлоғида туғилган. Қобулда жароҳатланган.

**23 ФЕВРАЛ — СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ**

— Самарқандда бир, Термизда икки, ҳаммаси бўлиб атиги уч маротаба автоматдан ўқ отишни машқ қилдик. Термизда чодирларга «қочиб кетмасин» деган гумонда қамаб, атрофимизни билим юрти курсантлари ўраб туришди. Орадан икки кун ўтгандан сўнг Афғонистонга кетишимиз аниқ бўлиб қолди. Кўп болалар Самарқанддалигимиздаёқ уддабуллолик қилишиб, уйларига телеграмма юбориб, симбонгда гаплашиб, у ёққа боришдан қутулиб қолишди. Бири «оилада бир жон», бири «ота-онасининг қаровчиси йўқ» каби, яна қай бири бошқа ҳужжатларни тўғрилаган экан.

Икки кундан сўнг подполковник ҳаммамизни сафга тизиб:

— Ким Афғонистонда хизмат қилишни хоҳлайди? — деб сўради.

«Мен бормайман, онамнинг уйда бир ўзи», деди кимдир, иккинчиси: «Яқинда қариндошим ўлиб қолди», деган вақтни кўрсатиб ортада чекинди. Навбат менга келганда: «Икки йил қаерда бўлса ҳам хизмат қилишимиз керак», — дедим. Кейин самарқандлик, қашқадарёлик бир юз саксон йигитни саралашиб, тўппа-тўғри тайёрага олиб боришди. Баҳайбат юк ташувчи тайёра қаршисига турибмиз. У ерда ҳаммамизни, ҳеч нарса олиб кетмайсанларми, дея текширишди.

Тошкент ортда қолди. Бир соату йигирма минутдан сўнг Қобулга тушдик. Ҳаво иссиқ. Сув йўқ. Тўзон. Кум юзга урилади. Тоғ томондан ўқ ва портлаш овозлари эшитилиб турибди. Кейин бизларни қисмларга бўлишди.

Беш кун туни билан отишма ваҳималаридан кўрқиб, ухлай олмадик. Қобулдаги машқ майдонига яна уч маротаба автоматлардан отишни машқ қилиб, «мерган» бўлиб олганимиздан сўнг «душманни нишонга олишга тайёр бўлиб турдик». Йигитларимиз уйдагилар хавотир олмасин, деган мақсадда «Чехословакия, Венгрия ва Германияда хизмат қиляпмиз», дея хат ёзишарди. Мен тўғриси — «Афғонистонга тушдим», деб мактуб йўқолганди. Узга юртга келганимизга бир ҳафта бўлган. Соат тунги ўн иккиларда қоровулликдан қайтиб келиб ётгандим. Туш кўрдим. Дushman мени отди. Йиқилдим. Олдимга ёпирилиб келишиб: — Калима қайтар! — дейишди. Сура ўқидим.

— Мусулмон бўлиб, нега бизга қарши урушаясан, номард! Сура биланлигинг учун бир оёғингни кесамиз, — дейишди. Мен уларга

— Хизматчилик, — дедим. Оёғимнинг бирини кесиб, сувга отиб юбордилар.

Бақириб ўрнимдан турсам, ётоқдаман...

Март ойи. Қобулдан Қандаҳорга кетаётган вертолётни уриб туширишди. Учувчиларнинг қолган-қутган жасадларини олиб келишди. Улар билан бирга кетган татар учувчини яхши танирдим.

Аэродромдан қорли тоғ кўриниб турарди. У вертолётга чиқишдан олдин ҳар гал шу тоққа қараб: «Собир, қачон қор эриса, уйга кетаман», — дерди. Бугун эса плашчодирда титилиб кетган жасади ётарди. Қорлар эриганда тобути уйга кетди. Унинг маҳзун, чуқур ўйга ботган кўзларини, қорайган юзларини ҳечам ёдимдан чиқара олмайман. Қўлингизга тикан кирганда қай аҳволга тушасиз, ҳеч бўлмаганда оғриқдан юзингиз буришиб кетади.

...Бир молдаван йигити қоровулликда турганда ухлаб қолган экан, душманлар автоматини олиб, икки қулোগини кесиб, қўйиб юборишди. Қисмга йиғлаб кириб келди. Қулоқсиз қолди. Бу у ердаги энг энгил жазо. Шунисига ҳам шуқур қилди бечора.

Куз ойи эди. Қобул четидаги қишлоқда қоровулликда турардик. Ёнимизда аэродром. Тоғ томондан миномётлар учиб кела бошлади. Аэродромдаги саккизта тайёра кетма-кет ёниб кетди. Фақат биттаси ҳавога кўтарилди олди, холос. Бу мен гувоҳ бўлган ҳодиса... Бизларга ертўлага кириш буюрилди. Унинг ичида ётиш азоб эди. Икки ҳафта ётишга тўғри келди.

Уша кунлари қозоқ дўстим Денисга осколка тегиб жароҳатланди. Хатирчилик Муҳиддин оғайнимни эса мина парчаси қорнини ёриб ташлаганди. Ичаклари тупроққа беланиб ётарди. Шунда командир бизларга:

— Тажрибали аскарлар қоровулликка боради, — дея буйруқ берди. Шунча вақт қоровулликда туриб бундай аҳволга тушмагандим. Ўзимни ноҳуш сезиб, темир нимча кияётганимда қўлларим қалтирарди. Топшириқ олиш пайтида бутун аъзоларим титрай бошлади. Аскарлар кам бўлганлиги учун тўрт соатдан қоровулликда туришга тўғри келди. Мен фарғоналик Тилаболди билан ёнма-ён эдим. Унга яқинлашиб, гаплашгим келарди. Юрагим беҳузур. Ушанда шунча кунлардан бери миямни пармалаб келган ўй шу бугун содир бўлишига имон келтирдим. Тилаболди менга яқинлашганда:

— Негадир ўзимни ёмон сезаяпман, менга нимадир бўлади-ёв, — дедим. Шунда у:

— Қўрқма, мен шу ерданман, уйга қайтишимизга оз қолди. Ундай ҳаёлларни миягдан чиқар, — деди. Ортимга қайтдим. Кўп ўтмай ҳавони кесиб «РС» учиб келди.

Ётишга улгурмадим. Оёғим қизиди. Йиқилдим. Олдин қизиб кетдим. Кейин совуқдан қалтирай бошладим.

— Болалар, менга ёрдам беринглар, — дея бақирдим. Кимнингдир:

— Собир, — деганини эшитдим. Аммо гапира олмадим. Худди тилим ичига тортилиб кетгандай эди. Тош тагида ётардим. Улар мени текис жойга чиқаришди.

Прапорщик сонимдан резина билан боғлаб, сув берди. Ичим қизирди. Ҳеч нарса ҳақида ўйламасдим. Мувозанатсизлик рўй бергандай эди.

Кеч тушди. Қаердадир қон қуйишди. Дўстларим мен учун қон топширган эканлар. Асосий медицина ёрдамини эртасига кўрсатишди. Қобулга «БМП»да олиб боришди. Оралик тўқсон километр эди. Оёғимнинг суяги тўғри бўлсин деб, тош қўйишди. Оёғим эса орқасига қийшайиб кетди. Елезаров аппаратини қўйишди. У ҳам нотўғри — қон томири устига тушган экан. Иссиғим — 40—41 даражадан тушмасди. Ўзимга келганимда докторлар:

— Сен бир ўлиб тирилдинг, — дейишди. Иссиқ укол қилишганда қизиб кетардим, кейин бирдан совий бошлардим.

Қобулда бир ой ўзимни билмай ётганман.

«Фарғона, Фарғона», деганда ҳушимга келдим. Кўзимни очсам бир милиционер кўрпаларим остина пайпаслаб кўраётган экан. Аскарларнинг жароҳатларини ечиб, нималарнидир қидиришарди. Шунда мени текшираётган милиционерга оқ халатли киши:

— Бунинг оёғининг боғлами катта экан, ўша ерга яширган бўлса керак, очиб кўрамиз, — деди.

Бизларни олиб келган доктор, шекилли:

— Бу ўзини билмайди, қаердан бунда наша бўлиши мумкин. Ё. алҳазар, қон кечиб, не-не азоб-уқубатда юрсангу ҳатто жароҳатингни ҳам тинтиб, алланималар излашса маъмурлар, — деб оёғимдаги гипсни очтирмади.

Ленинградга учдик. У ерда ўзимга кела бошладим. Утган кунлар ҳақида ўйладим. Инсонни инсон сафга қайтаришига имон келтирдим. Ленинград халқи олдида бир умр қарздорман. Олтмишдан ошган пенсионер оналар, боболар ўз маошидан чегириб бизга егулик, турли-туман нарсалар олиб келишарди. Пенсиянинг қанчалигини биласиз. Ушандан орттириб бизга улашиш унча-бунча одамнинг қўлидан келмайди. Бу ишни қилиш учун инсонда улғу муҳаббат бўлиши керак. Уша муҳаббат билан Ленинград халқи лиммо-лим суғорилган,

десам хато бўлмайди. Бамисоли ўз оналаримиз келишарди. Кўз ёшларини артиб, елкамизни силарди. Олиб келган егулигини танавул қилиб бўлгунимизча бошимизда ўлтиришарди. Бир умр шундай бағри кенг, болажон оналарим қаршисига тиз чўкиб яшайман. Улар мени қайта ҳаётга чорладилар. Яшаш ҳақида ўйлашга ўргатдилар. Қишлоқларим, тоғларим, дарахтларим, баҳорги эпкинда йилт-йилт товланиб кетадиган майсазорлар қайта кўз олдимдан ўта бошлади. Улар бошимда ўтиришганда онамнинг иссиқ нафаси юзимга урилаётганлигини ҳис қилардим. Жароҳатдан сўнг юзлаб оналар, оталар меҳрини сездим. Ёлғиз эмаслигимни ҳис этдим. Бахтиёрлигимдан майса-ларга ҳам сажда қилгим келди. Бизнинг умримиз шундай қайта тиклана бошлади.

...НИКОЛАЙ КУЗНЕЦОВ — волгоградлик. Госпиталда бу номни эшитган ҳар бир аскар қалбида унга нисбатан ёниқ, сўнмас муҳаббат пайдо бўларди. Тақдир ўйинидан алами кўзир, қаҳрдан пешоналари тиришарди. У Афғон тупроғида бор-йўғи тўққиз кун бўлган. Қандаҳорда «БТР» ёнига гранаминомёт тушиб, дўстлари ҳалок бўлган. Уни эса чалажон ҳолда ўликхонадан топишган. Икки оёғи ва бир қўли кесиб ташланган. Иккинчи қўли ҳам эриб кетгандай бармоқлари бир-бирга ёпишиб қолган. Кўзлари кўрмайди. Уч йилдан бери госпиталда даволанади. Ҳамшаҳари Лена унга турмушга чиқди. У бизнинг госпиталда ҳамшира бўлиб ишларди. Тўй бўлди. Палатадаги каравотларни деворлар томонга суриб, ўрталикдан жой ҳозирладик. Юраладиган аскарлар сулга ўтиришди. Менга ўхшаганлар каравотга ётиб, тўйни томоша қилдик. Қадаҳ сўзларини тингладик. Лена Колянинг никоҳ узуги тақадиган бармоқлари бўлмаганлиги сабабли бўйнига занжир тақди.

Мен, ленинбодлик Сулаймон, краснодарлик Женя, Коля тўрттовимизнинг аҳволимиз оғир. Каравотга кўп ойлardan бери михланганмиз. Колянинг синфдошлари Волгограддан келишди. Стол безатилган. Куёвнинг ёнидаги курсида келин ўтирибди. Музика — биз афғонда тинглаган, хиргойи қилган куй. Уни ҳаммамиз биламиз.

Тўй бўлгунча Коля:

— Пичоқ ушлай олмайман. Ўзимни осолмайман. Бир меҳрибон инсон укол билан мени бу азобдан холос қилса, — дея йиғларди. Тунлари сигарета чекиб чиқарди. Уни бундай афтода ҳолига ҳаммамиз ачинардик. Аммо қандай юпатишни билмасдик. Нима деб ҳам юпатасан. «Ҳали яхши бўлиб кетасан», дея далда берибми?



Унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Ҳар бир мисрада умидвор инсон қалби, яхшиликка ишонч оҳанглари тафти бор.

Ҳаёт уни бир марта доғда қолдирган. Ногаҳоний фалокат сеvimли ёридан, таянчидан жудо қилган. Лекин, шунга қарамай, ҳаётга ҳам, одамларга ҳам ўзига ишонгандай ишонади. Ана шу дардларини шеърга ишонади. Шеърга айтади.

Хилватда тўқиб чиқарилган, моҳирона сайқал берилган нолалар билан ҳаёт зарбаларини мардона бошдан кечирган дил наволари орасида, шубҳасиз, катта фарқ бор. Бунинг учун шоир бўлиш керак.

Ана шундай сўзнинг салмоғини, ифода меъёрини биладиган шоира Саломат Нишоновадир.

Унинг шеърларида ёруғ дард бор, тушқунлик йўк.

Маъруф ЖАЛИЛ



## ЮРАГИНГДА ДАРДИНГ БОРДИР, ЖИГАРИМ...

Юрагингда дардинг бордир, жигарим,  
Лекин буни ҳеч кимсага айтмайсан.  
Ўлимдан ҳам кучли эканми оринг,  
Сенга оғир, чунки сўздан қайтмайсан.  
Нима бўлди, нелар бўлди, айта қол,  
Ишқ бобида балки қолдинг рафлатда? —  
Дея мендан сўраб қолди бир киши  
Йўл устида икки оғиз суҳбатда.  
Йўқ-йўқ, асло бундай хаёл ўйламанг,  
Мен ақлга хилоф ишни қилмадим.  
Ишқ бобида алданмадим бировдан,  
Бировларни алдашни ҳам билмадим.  
Йўлларимда қолди қанча йигитлар,  
Дил розини айтганича чўзиб қўл.  
Улар ҳақда ўйлашни эп билмадим,  
Мени олиб кетаверди тўғри йўл.  
Темир эди, метин эди иродам,  
Не ғамларда ёш келмади кўзимдан.  
Бахт дегани фақат тушда кўрсам ҳам,  
Нолиш деган дард йўқ эди сўзимда.  
На бойликка, на чиройли сўзларга  
Ҳаётимда ҳеч эгмадим бошимни.  
Бугун мени йиғлатмоқда Муҳаббат  
Бугун кўздан тўкмоқда у ёшимни.



## ЕТИШДИМ САОДАТГА

Юрагимга ғам кирди,  
Муштоқ бўлдим далдага.  
Асло ўрин қолмади  
Дилхушликка, хандага.  
Ёру дўстлар далдаси  
Дилга таскин бермади.  
Тобора чўқар кўнглим,  
Бахтим қулоч кермади.  
Не қиларим билмасдан  
Ўзни урдим меҳнатга.  
Меҳнат қилдим, ғам қочди  
Етишдим саодатга.

## КЎРИБ КЎРМАГАНГА ОЛИНГ, ОДАМЛАР

Оғир синовларга солганда ҳаёт,  
Бардошим майдонга тушгани дамлар,  
Ногоҳ кўзларимдан юмаланса ёш —  
Кўриб кўрмаганга олинг, одамлар.  
Икки ёш бахтига ой, қуёш чиқиб,  
Зор қутган висолга етишган дамлар,  
Уларга ҳаётда чин бахт тилангу  
Ҳозир кўрмаганга олинг, одамлар.  
Полвонлар курашар, бири йиқитса,  
Ғолибни олқаб эл ҳайқирган дамлар;  
Бири жим майдондан чиқиб кетмоқда,  
Уни кўрмаганга олинг, одамлар.  
Кимдир тўғри йўлда тийганди ногоҳ  
Ажаб босмасди у эгри қадамлар,  
Ўзи туришига етса кўзингиз,  
Уни кўрмаганга олинг, одамлар.

## ШЕЪРИМГА ИЛҲОМ

Тун. Жумла мавжудот ширин уйқуда,  
Мен эса хаёлга бермайин тўзим.  
Сокин тун қўйнида уйғоқ ётурман,  
Бир ёнда ўғлиму бир ёнда қизим.

Қаро кундан топган ёрқин бахтларим  
Йўлимда йўлдошу умримга давом.  
Шу икки гўдагим кўнглим юпанчи,  
Парвозимга қанот, шеъримга илҳом.

Йўк, ҳеч нарса билан юпатиб бўлмасди. Тўйда унинг юпанчиғи, овуноғи Лена эканлигини юракдан ҳис қилиб турардик.

Коля куларди. Биз бошимизни эгиб йиғлардик. Бу, билмадим, кимнинг шафқатсизлиги. Навқирон йигит ўз жуфти ҳалол олдида қоматини тик тутиб тура олмаси. Уйлагинг келмайди. Ақлдан озиб, ҳаммасини унутиб юборгинг келди. Начора, ҳеч бирини унутиб бўлмайди. У кунлари ўлим бизнинг тирикчилигимиз ортидан шарпа мисол судралиб юради.

Колянинг онаси ва Ленага госпиталга яқин жойдан ётоқхона беришди. Лена ҳар кунни уни ҳожатга чиқарарди. Овқатлантирарди. Тасаввуримда Коля уйланмади — иккинчи онасини топгандай эди.

Кўп ўтмай Коля ва Лена санаторияга кетишди. Орадан маълум вақтлар ўтиб, Ленанинг Волгоградда кўзи ёриганини эшитдик. Қиз туғибди. Колянинг онаси бизларга ул-бул олиб келди. Чақалоннинг омонлигини тилаб, озгина ичишдик ҳам. Коля жилмаярди. Аммо...  
— Қизли бўлдим. Лекин унинг

юзини кўра олмайман-да, — деган бир нидо лабидан бехос отилиб чиқиб кетарди.

Қора денгиз бўйидаги Саки истироҳат-шифохонада Саша Морозов деган йигит билан танишган эдим. У Гордезде жароҳатланган. Икки оёғи ҳам докторларнинг хатоси билан уч маротаба кесилган. Унга протез ҳам қўйиб бўлмасди. Надоматлар бўлсинки, Сашанинг бундай аҳволини кўрган хотини боласини олиб, уни ташлаб кетган. Ҳатто ота-онаси ҳам ундан юз ўгирган. Аҳён-аҳёнда ичиб олиб, бошини

аравачага уради:

— Ҳаммасига ўзим айбдорман, нега у лаънати жаҳаннамга ўз иштиёрим билан бордим, — дея йиғлайди.

Менинг эса хаёлимда икки аёл — унинг ва Колянинг хотини жонланади. Бири мажруҳ инсонга қайта ҳаёт бағишлади. Бири мажруҳ бўлган вақтда эридан юз ўгирди. Икки дунё, икки қутб...

Абдурашид НУРМУРОДОВ





# ҲАММОЛЛИК

фелетон ўрнида



Ошхона директори Муллақанд Шакаржонов хонасига тўпланган ходимларининг кўзларидаги саросимани кўриб, мийғида кулиб қўйди. Ҳамма ҳаяжонда. Биргина бош ошпаз Ҳалимжон Саримсоқов бу жимликни бузишга журъат этди. Лабиға ясама табасум олиб, нозаниндай сузибди:

— Муллақанд ака, тинчликми? Хижолатга қўядиган бирор иш қилиб қўймадикми, тагин?!

Муллақанд Шакаржонов оғзидан тиқини учиб кетган шишани эслатувчи бир алфозда қаҳ-қаҳ урди:

— Юқоридагилар,— у бошмолдоғи билан тепага ишора қилди,— сиз қандай қайта қуриш ишларини амалга ошираёпсиз, деб сўрашган экан...

Хонанинг нақшбанд деворлари гуррос кулгидан ёрилиб кетгудай зириллади. Айримлари ўзларини тўхтата олмай, ичаклари буралгунча кулишди. Бояқишларнинг кўзлари ёшланиб, оғизларидан сўлақлари оқиб кетди. Бош ошпаз лаб-лунжини аранг йиғиштириб ўтирди. Сўнг, ҳамма қойилмақом қилиб кулиб бўлганидан кейин бир кўзини айёрона қисиб қўйиб, луқма ташлади:

— Менимча, Муллақанд ака, биз ана шу қайта қуришларига муҳтож эмасмиз-ов! Ҳамма ишларимиз жойида — сип-силлик. Нолийдиган иш қилмаяпмиз. Яна... билмадим...

Муллақанд Шакаржонов устолини муштлиди. Жиддийлашди. Қоши, қовоқлари жийрилиб нақ бурнининг устида тўда бўлди. Томоғини хириллатиб, ўшқирди:

— Аскиявозликни йиғиштиринг, Ҳалимжон! Ҳозир айтдим-а, юқоридан сўрашяпти, деб. Уёқнинг ҳар қандай чақирғига биз фақат лаббай, деб жавоб беришимиз керак, вассалом! Тўйда ўтирганларинг йўқ, уёқ-буёққа қараб гапиринглар! Қани, кимда қандай таклиф бор? Сизларни бу ерга маймун ўйнатгани чақиртирганим йўқ!

Ошпаз аҳли сув келса симиришга, тош келса кемиришга шайланиб турган аскарлардек сергак тортиб қолишди. Ҳеч кимдан садо чиқармагач... хуноби ошган Муллақанд Шакаржонов икки кўлини устолга тираганича ҳаммани бирварақайига еб қўйгудек бўлиб тикилиб чиқди. Устолини яна муштлиди:

— Ҳм, толқон ютгансизларми? Эртага юқоридан мени, бош ошпазларинг Ҳалимжонни... — Ҳалимжон ўз исмини эшитиб, ялт этиб бошлиққа қаради. Бошлиқ Ҳалимжоннинг сапчиб кетганини кўрди. Аҳамият бермай, сўзида давом этди,— ишдан бўша-тишга келишса, шунда ҳам миқ этмай, лаллайиб ўтираверасизларми?

Хона жонланиб кетди. Ғала-ғовур кўтарилди. Ялло қилиб учиб юрган бир-икки пашша ҳам шу тобда тутиб ўлдирилди.

— Муллақанд ака, худо сақласин-а...

— Сизнинг соянгизда ишлаб юрибмиз-да, гуриллаб! Сизни ҳар қандай балойи азимдан кўксимизни қалқон қилиб ҳимоятимиз.

— Сиз учун қайта қуриш экан-ку, бошқа ҳар қанақа ишниям қотириб ташлаймиз. Бош тортиш йўқ!

— Э, ака, бўрон бўлмайди, бўрон! Мана биз туриб берамиз!

Муллақанд Шакаржонов ҳамду санолардан, ўз номига ёғилаётган хушбўй мақтовлардан ғурурланиб кетди. Кейин севинчига, лаб-лунжида ёйилаётган табассумига эрк берди:

— Мана бу йигитнинг гапи бўлди! Раҳмат! Шунақа экан, нега дардларингизни очикроқ айтавермайсизлар?! Биров сизларни уришяптими ёки тергайптими, ошкоралик-ку, ахир! Қани, Ботирхон ака, сиз бир нима

денг. Ҳар ҳолда шу ошхона ҳовлисида эллик-олтмиш килолаб ош дамлаб, қанчадан-қанча келиб-кетувчиларнинг оғзини ширин қилиб юбормагансиз. Қолаверса, орамизда ёши улургисиз...

Оқ жомакорининг тугмалари қаппайган қорни устида аранг илиниб турган кексарок киши ўрнидан туриб, зўлдирдай «думалаётган» кўзларини атрофга олазarak югуртириб:

— Ихм, ихм,— деганча атрофдагиларга яна бир сидра зўлдир юмалатди.— Энди гап қайта қуриш ҳақида экан, нима десам экан?... Ҳа, раҳбарлар бир нима дедими, мана, гувоҳсизлар, Муллақанд акам ҳозиргина такроллаб ўтдилар — б а ж а р и ш керак! Қайта қуриш керак эканми, бўпти! Демак, ҳалиги гапим! Бажариш керак, тамом-вассалом!

У кейин Муллақанд Шакаржоновдан кўз узмай, ўтириш учун изн сўради:

— Мени гапим тугади, Муллақанд ака, ўтираверайми?

Кулги кўтарилди.

— Таклифингиз йўқми? — сўради директор сал ўзини кулгидан тийиб.— Балки ошхонамизга бирор ўзгартириш киритиш керакдир... Қайта қурамиз, дейишяпти.

— Қайта қуриш ёшларни иши-ку, ака! Биз нияям дердик, ҳаммасига қўшиламан, ёшларга ишонаман. Мана бу,— Ботирхон ака қафти билан елкасини шапатиллади.— Елкамини тутиб берганим бўлсин!

Ғала-ғовур бошланиб кетди:

— Бизга битта янги қозон керак, чўмичимиз ҳам эскироқ, алмисоқдан қолган.

— Кундам иккига бўлинадиган бўлиб турибди.

— Қинли пичоқдан сотиб олайлик, заводники қўлни еворди-ку!

— Ҳай, янги поллаттага ёлчитинглар!


Муллақанд Шакаржонов ўрнидан туриб кетди:

— Бас! Шуям муаммоми, уялинглар-ей! Арзимаган матоҳга ҳам давлат пул ажратиб берсинми? Қозон-чўмич майли, бир чорасини қилармиз. Аммо кунда... қачондан бери у анқонинг уруги бўлиб қолди? Сен — Аҳмад, сенга айтаяпман! Кўчадаги мажнунтолми, маймунтолми, ўшанинг бирини ағанатиб, кесиб, сувга бўктириб қўйсанг-ку бўлади. Ана сенга бир эмас, ўнта кунда, кесвол! Органини ошпазларга сабзи тахта қилиб бер. Битта ҳашар билан битадиган иш-ку! Ошхонамиз — ишхонамиз, ошхонамиз — уйимиз-ку! Шодивой, сен ука, қинли пичоқ дедингми, майли, пул йиғиб биттадан олволинглар. Ун йил, йигирма йилга асқотади. Поллатта дедингизми, Ойшахон?! Уялинг, шу ошхонанинг остонасини ялаб юрибсизлар, қорнинглар тўқ, рўзгорларинг бут. Пиёз нима, пиёз, шуниям шу ердан олиб кетасизлару, полини жомакорингизни ечиб артсангиз арзимабдими?! Бунақа бемаза гапларни йиғиштиринг. Поллаттани иси келиб кетди, уфф! Нукул ўзларингизни ўйлайвермасдан, бундоқ харидорни ҳам ўйлаш керак. Ҳўрандани, давлат сиёсатини ким ўйлайди бўлмаса? Сўз навбати сизга, Ҳалимжон!

— Ҳа, айтгандай, хўрандалар ҳам бор-а! Тўғри, Муллақанд ака,— дея сўз олди бош ошпаз.— Уларга ҳам қулайликлар яратиш керак. Мазаси тилида қоладиган ширин, хушхўр, хуштаъм овқатлар тайёрлаш вақти келди! Бош мақсадимиз ҳам шу! Келган одам раҳмат айтиб кетсин-да!

Ошпазлар гимирлаб қолишди:

— Котлетлар ўрнини колбасадай раван кесилган яхна гўштларга алмаштирсак-чи?! Вой-бў, раҳмат қидириб шикоят дафтарини қўлтиқлаб ҳам юрмасдик.



Ғаллаорол ноҳиясидаги «Ленин» номли совхоз сут-товар фермаси. Р. Нуримбоев сурати



— Ҳой, ҳой, оғзинга қараб гапир, Ғофир!  
Бу дейман, гўштдан тўйганга ўхшайсан-а?  
Ана шу котлет-ку, ҳамёнимизга барака бериб  
турган. Ярим кило гўштга уч бухонка нонни  
едириб юборасан, тамом.

— Бўлмаса нўхатшўрва қилсак ҳам чакки  
эмас, хушхўр!

— Нўхат! Ҳай, ҳай, бозор кўрмаган, нўхат  
қўлда неча пул?! — Бош ошпаз юқорига би-  
гиз қилган қўлини дарров пастга тушириб,  
кўзларини чақчайтирди. — Ҳа, саккиз сўм!  
Шўрвани нўхатини олиб гапир-да, ўртоқ!  
Хўш... шўрвага кўкатлардан кўпайтириш  
керак. Бу ҳақда бир устозимиз ҳам кўп жон  
куйдирган. Шундай экан, нима қилиб ўти-  
рибмиз: кўк пиёз, укроп, қолганига тузлан-  
ган бодринг солмаймизми? Ана ўшанда шўр-  
ва сериштақа бўлади-ю, хўранда деганлари-  
нинг очофатлиги тутиб, «иккинчи» миз уёқда  
турсин, тирик туяниям думига қарамай ютиб  
юборишади.

— Ҳе, ҳе...

— Э, улардан шундоқ тўйиб, — дея лукма  
ташлади ошпазларнинг бири қўлини бўй-  
нига чизиб, — жонимиз ҳикилдоғимизга  
келди. Хўрандаларнинг ҳаммаси ношукур!

— Аввало гапни бўлманг, Шарифбой.  
Иккинчидан, бу ерда ишлаш-ишламаслиги-  
миз хўрандаларга жудаям боғлиқ. Буни

унутманг! Бир-биридан хушхўр овқатлар пи-  
шириб, уларнинг кўнгилларини олишимиз,  
асосийси, қоринларини тўйгазишимиз керак.  
Улар сизнинг арзу додингизни эшитгани  
келишмайди, иштаҳа билан келишади.

— Узр, узр! Ҳалимжон ака, гуноҳқормиз!

— Ҳафталик — ўттиз-қирқ сўм пулингиз-  
ни олиб турибсиз, гўшт-пўшт масаласида  
қийналиб қолган жойингиз йўқ — рўзгор  
бут, қорин тўк. Бу гап ҳаммага тегишли, —  
бош ошпаз ён-верига мағрур боққанди, ош-  
пазлар танга йўқотгандай бошларини қуйи  
эгиб олишди. — Тагинам сиз Шарифбой, ун-  
дан-бундан иқтисод қилиб, ҳар куни кўнг-  
лингиз тусганини пишириб ейсиз. Ярим  
йилдаёқ «тир-тир» ингизни «Жигули» га  
алмаштирдигиз. Сизга яна нима керак?  
Бозорга эринаман деб, уйга картошка-  
пиёзгача ташийсиз. Қайси куни қайнон-  
гизга ҳам ҳафталингиз ҳисобидан бир қоп  
картошка бериб юбордик. Инсоф керак-да!  
— Минбаъд узр, Ҳалимжон ака, минбаъд  
узр! Тил суякисиз...

— Ана, ана, сал масалага яқин келаяпсиз-  
лар, ҳамкасблар, — деб ўрнидан дик этиб  
туриб кетди Муллақанд Шакаржонов. —  
Менда ошхонамизда ҳақиқий қайта қуриш  
қиладиган таклиф бор! Демак, таклифим  
шундай: ҳаммага маълумки, бизда плон бор.

Биз ишни шундан — плонни ўзгартиришдан  
бошлашимиз зарур. Етар-да, плонбозлик!  
Менимча, энг аввал ойига топширадиган  
6 минг сўмлик плонни 4 мингга туширишга  
эришимиз керак. Майли, ойлигимизнинг  
40—50 сўмидан воз кечсак-кечибмиз-да!  
Бу-нинг ҳисобига мана, бош ошпазингиз Ҳа-  
лимжон ҳафталикнинг нархини оширади.  
Қачонгача 30—40 сўм, деб юрасизлар, ана,  
80—100 сўмдан олинглар-да! Ҳа, айтмоқчи,  
аввал қайта қуриш нима эканини тушунти-  
риб қўяй. Қайта қуриш дегани бу — ораси-  
дан қил ўтмайдиган аҳил, оқибатли коллек-  
тив бўлиши керак дегани. Бунинг учун нима  
қилиш керак? Ҳалол ишлаш керак, ўртоқ-  
лар! Бир-биримиздан пул яширмасдан, топ-  
ган-тутганимизни бир қозонга ташлашимиз  
керак. Тақсимлаб олиш осон! Шундагина  
биз ўз ишимизни қайта қурган бўлаемиз.  
Мана, Ботирхон ака паловдан, Шодивой сом-  
садан, Ғозивой кабодан тушганларини, бош-  
қалар ҳам шундай ўртага ташласа — ўх-хў,  
ўша «коммунизм» деганларини ўзимиз бош-  
лаб юборган бўлаемиз, оғайнилар. Ҳа, ҳа,  
ҳалол ишлаш керак!..

Узоқ вақт давом этган қарсаклар акс-садо-  
си ошхона эшигининг очилишини кутиб тур-  
ган хўрандаларга аллавақгача эшитилиб  
турди...

Зоир ЗИЕ

## «Душман» сўзлиги

Абстракт — мавҳум  
Абстракция — мавҳумотлик, мужмаллик  
Автоном — мухтор, ўзэркли  
Автономия — мухторият, ўзэрклилик  
Агитатор — ташвиқотчи  
Агитация — ташвиқот  
Агроном — зироатшунос  
Агрономия — зироатшунослик  
Алгебра — алжабр  
Аллергия — эшакеми, ёқмас  
Алкогол — даражали ичимлик  
Алкоголизм — ичкиликбозлик  
Анархия — бошбошдоқлик  
Анархист — бошбошдоқчи  
Анатом — жона, жонашунос  
Анатомия — жонашунослик  
База — пой, асос, оմбор  
Баланс — мувозанат, шайингар, ҳисоб-китоб  
Барак (турар-жой) — муваққатгоҳ, кўпчи-  
лик ётоқхонаси  
Бензоколонка — бензинхона

Бензозаправщик — бензин қуювчи  
Бизнес — даромаддор, корчалонлик  
Бизнесмен — даромадгир, корчалон  
Биржа — тижоратсарой, мардикор бозор,  
Бойкот — бойқут, аразлаш  
Брак — никоҳ  
Брак — сифатсиз маҳсулот  
Бронза — биринж  
Бутерброд — нонутар  
Ваза — гулдон, кўра, какадон  
Валюта — пул, тилла танга, чорақча (чет  
эл пуллари)  
Валютачи — пулфуруш, тиллафуруш  
Ваннахона — ювинтосхона, тошновхона  
Вена — кўктомир  
Велосипед — шайтонарава, ғизгизон  
Веранда — ойнавон, айвон  
Вечер — оқшом, кечқурун, кеча  
Виза — қайдлов  
Галстук — бўйинбанд, ёқабанд  
Генерал — саркарда

Геолог — коншунос  
Геология — кончилик, еришунослик  
Гербицид — захриқотил  
Герман — олмон  
Германия — Олмония  
Гид — сайрбон, сайёҳларни бошқарувчи  
Глазок — кўзнай  
Гуманизм — инсонпарварлик  
Гуманист — инсонпарвар  
Датчик — узаткич  
Декада — ўнқунлик  
Декламация — суҳандонлик, ифодагирлик  
Декламатор — ифодагир, суҳандон  
Декларация — тантананома  
Доклад — мағруза  
Докладчи — мағрузачи  
Догма — ақида, қотиб қолган фикр  
Догматизм — ақидапарастлик  
Душ — жилварак

Э. МУҲАММАД тайёрлаган

### ● БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

#### «ЧАРХИНДАГИ ФАЛОКАТ»

Журналимизнинг ўтган йилги  
8-сонида мазкур сарлавҳада бе-  
рилган суд очеркига Самарқанд  
вилояти фирқа кўмитасидан жа-  
воб олинди. Вилоят фирқа кўми-  
тасининг котибаси ўртоқ Ф. Шуку-  
рова имзо чеккан жавобда жум-  
ладан шундай дейилади: «1989  
йил 1 сентябрдан эътиборан 52-  
мактаб ўқувчиларининг машғулот-  
лари Пастдарғом ноҳия ижрония  
кўмитасининг ваколати билан ви-  
лоят автотранспорт бирлашмаси-  
нинг биносида бошланди. 420 ўрин-  
ли мактаб биноси қуриш учун ер  
ажратилди. Уни лойиҳалаштириш

1990 йилга мўлжалланган. Янги  
мактаб биноси навбатдаги шанба-  
ликда тушган маблағ ҳисобидан қу-  
рилади.

1989 йил 26 сентябрда ўша эски  
мактаб биноси текширишдан ўт-  
казилганда унинг ичидаги захарли  
кимёвий моддаларнинг тўпланиши  
белгиланган меъёрдан юқори экан-  
лиги аниқланди. Санитария назора-  
ти мутахассисларининг тавсияси  
билан эски мактабнинг тўшалма  
тахталари ва унинг тагидаги тупро-  
ғи алмаштирилмоқда».

**РЕДАКЦИЯДАН:** Мазкур жавоб-  
даги бир ҳолат бизни анча ташвиш-  
лантиради: 52-мактабда эрталаб  
175 нафар ўқувчининг оммавий за-  
ҳарланиши 1989 йил 16 май куни  
юз берган. Жавобда айтилишича,  
эски мактабнинг хоналари орадан

### ● БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

тўрт ой ўтгач: яъни 26 сентябрда  
текширилганда ҳам унда захарли  
кимёвий моддаларнинг тўплани-  
ши белгиланган меъёрдан юқори  
бўлган. Ахир, ўша захарли модда-  
лар синфхоналарда қаердан пай-  
до бўлган, нега у яна кўпайиб қол-  
ди! Худди шу ташвишли ҳол ўша  
жойдаги тегишли ташкилотларни,  
масъул шахсларни ҳануз безовта  
қилмаётганлиги таажжубли-ку.  
Ахир, ўқувчилар бошқа бинода  
ўқиётган бўлсалар-да, тураржой  
бинолари, кишилар яшаб турган уй-  
лар ўша мактабнинг шундоққина  
ёнгинасида жойлашган-ку. Эски  
мактаб биносида захарли кимёвий  
моддаларнинг тўпланиши ўшалар  
учун хавфли эмасми!

Тошкент суд-медицина эксперти-  
заси институти хулосасига кўра,

бу захарли модда фосфамид  
[«БИ—58»]дир.

Суд очеркида ўша фалокат му-  
носабати билан вилоят прокурату-  
раси томонидан жиноий иш қўзғатил-  
гани ҳам айтилган эди. Тергов  
жараёнида қандай хулосаларга ке-  
линганлиги хусусида ҳам расмий  
жавобда ҳеч нарса дейилмаган.  
Мана шулар ҳақида редакция аниқ-  
роқ жавоб кутади.

Редакция Халқ таълими минис-  
три номига ҳам суд очерки босил-  
ган журнал нусхасидан юбориб,  
мазкур масалага муносабат билди-  
ришни сўраган эди. Афсуски, ҳануз  
министрликдан акс-садо йўқ. На-  
ҳотки, ўқувчиларнинг мактаб ша-  
ронтида ёппасига захарланишидек  
фавқуллоддаги ҳодисалар ҳам ми-  
нистрликни ташвишга солмасе!!



# «Юсуф билан Аҳмад» немис тилида



Асрлар давомида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзбек халқ достонларини ёзиб олиш ишларига анча кеч, асосан Улуғ Октябр инқилобидан кейин киришилди. Инқилобгача бундай ишлар ниҳоятда кам бўлиб, улар ҳам айрим шахсларнинг интилиш ва ташаббуси билан боғлиқдир. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг тили, адабиёти ва фольклорини тўплаш ва ўрганишда ўтган асрдаёқ катта шухратга эришган олимлар қаторида Венгрия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ҳарман Вамбери (1833—1913)нинг ҳам муносиб ўрни бор. Унинг 1861—1863 йилларда Марказий ва Ўрта Осиёга қилган саёҳати давомида бошқа манбалар қатори халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам илк дафъа ёзиб олинди. Ўз юртига қайтгач, бу манбаларга муайян тартиб берди, уларнинг кўпчилигини аслида (ўзбек тилида) немисча ёки инглизча таржимаси билан нашр этди. Шундай асарлардан бири «Юсуф билан Аҳмад» достонидир.

«Юсуф билан Аҳмад» достони ўзбек ва туркманлар ўртасида жуда кенг тарқалган достондир. Асрлар давомида бахшилар уни севиб куйлаб келганлар. «Юсуф билан Аҳмад» достонидан парчалар киритилган Вамберининг дастлабки асари «Чигатой тили дарслиги»дир (1867).

Вамбери дарсликни ўзи тўплаган манбаларни пухта ўрганиб, Лондон, Будапешт, Лейпциг кутубхоналаридаги барча қўлланмалардан фойдаланган ҳолда яратди. Натижада ўзбек тилининг фонетикаси, грамматикасидан қисқача маълумот берувчи тадқиқот, ёзма адабиёт, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан парчаларнинг асл нусхаси ва немисча таржимасини ўз ичига олган хрестоматия қисмларидан иборат ҳамда 10 минг сўзли чигатойча-немисча-французча луғатга эга бўлган «Чигатой тили дарслиги» Лейпцигда чоп этилди.

Ҳ. Вамбери достон тўғрисида шундай дейди: «Юсуф билан Аҳмад» достони наср ва назмдаги сурурий эпос бўлиб, услуби ва баёни соф ўзбекчадир. Тили, сўзларининг маъноси деярли Хева хонлигига қаровчи халқлар тилига хос. Аммо унда... қозоқча ва қорақалпоқча сўзлар ҳам мавжуддир».

У «Юсуф билан Аҳмад», «Тоҳир ва Зухро» достонларини жуда кўп эшитганлигини, чўпонлар, деҳқонлар орасида халқ бахшиларини катта ҳурмат билан тинглашларини ўзининг ҳамма китобларида алоҳида таъкидлайди.

Вамбери «Юсуф билан Аҳмад» достони қўлёзмаси устида узоқ йиллар иш олиб борди. Бу иш 1911 йилгача, яъни унинг тўла икки тилли (ўзбекча ва немисча) нашрини амалга оширмагунча тўхтамади. У «Юсуф билан Аҳмад»дан олдинроқ «Шайбонийхон» достонини ҳам немисча таржимаси билан алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган эди. Вамберининг буюк хизматлари туфайли ўзбек халқ оғзаки ижодининг қимматбаҳо дурдоналари ўзининг немис тилидаги янги ҳаётига мушарраф бўлди.

Вамбери у ёки бу ифодани таржима қилишда асл нусха мазмунига мос сўзларни танлайди, тушунилиши оғир бўлган қўшма сўзларни қавс ичида кенг изоҳлайди. Унинг таржимаси том маънодаги ҳозирги биз тушунадиган бадий таржима бўлмаганидан достоннинг шеърий қисмлари таржимасида қофия, вазн, бандлар бирлиги сақланмаган. Аммо у ёки бу мисра, яхлит банд ифодалаган мазмун ва маъно тўла берилган. Ҳатто

таржимон изоҳларида шеърий парчаларнинг бадийлигига доир муҳим қайдлар таъкидлаб ўтилган. Достондаги таржимаси ниҳоятда қийин мана бу мисраларга диққат қилинг:

*Қурбон бўлай мард йигитнинг бастига...  
Қадди шамшод ҳусни тоза гулларни...  
Вақтим етиб жон жасаддин узилди...  
Кўзим устига мижгоним...  
Кесиб бағрим тузлашали...  
Қошларинг мисли меҳробдир...*

Бу мисраларда халқимизнинг яшаш тарзи, урф-одати ва удумлари билан боғлиқ соф миллий хусусиятлари ифодаланган. Вамбери мана шундай ҳолатларни нозиклик билан пайқаган ва уни немис китобхонига етадиган даражада таржима қила олган. Таржимада асарнинг сюжети, турмуш воқеалари тасвири, табиат манзаралари, психологик тасвир воситалари, диалог ва монолог, фольклорга хос рамзий савол-жавоблар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, турғун бирикмалар ва бошқа бадий воситалар моҳирлик билан берилган:

*Қоракўз кимнинг гўзали,  
Сўзлаган сўзи мазали,  
Бизга қимматдир азали,  
Шул бўлди ҳолим, Қоракўз.  
Қошларинг мисли меҳробдир,  
Кўрганнинг ҳоли харобдир,  
Бандини сўймоқ савобдир,  
Қолмади ҳолим, Қоракўз!*

Бу парчадаги лирик майинлик, ошиқнинг маъшуқага муносабати, севги изтироблари таржимада аслидек жуда содда ва ҳаяжонли ифодаланган. Бу эса, ўз навбатида, бошқа тилда ўқувчи китобхон учун эпосда иштирок этувчи ошиқ-маъшуқларнинг руҳий оламига кириб боришига ва маънавий ҳаёти-

ни ҳис қилишига ёрдам беради. Ҳақиқий ижодкор бахши билан ёнма-ён тургандек, неча асрлардан буён халқлар тилида куйланиб келган достонни немис тилига ўгирган Вамберининг маҳорати туркий тилларни пухта ўрганганлигида, Ўрта Осиё хонликларидаги ўзбек шеваларини чуқур билганлигида ва ўгираётган асарининг ҳар бир деталига муқобил эквивалент топа олганидадир.

XIX асрнинг 60—70-йилларида ғайри миллат киши — Вамберининг бевосита ўзбек тилидан оғзаки ижод намунасини ёзиб олиб, уни иккинчи — тарихий шароити, миллий колорити, этнографияси бутунлай бошқача бўлган халқ тилига ўгириши давр учун катта ишдир. Пойтахтимиз меҳмони бўлиб кетган Бонн университети профессори, «Ўзбек халқ эртаклари»нинг таржимони Карл Райхл ҳам «Юсуф билан Аҳмад» достонининг асл нусхаси ва немисча таржимасини ўқиб, унда ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосидан таржима қилиш ҳаваси ортанлигини, ҳозирги кунда «Равшанхон», «Бозиргон» достонларининг таржимаси устида иш олиб бораётганлигини айтибди. Сидқидилдан айтилган бу холис мулоҳазанинг ўзиёқ Вамбери нашри ва таржимасининг бугунги кундаги аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Ҳақиқатан ҳам туркий халқлар тилини ва дилини пухта ўрганган, ҳар бир шевага хос ўзгариш ва фарқларни фаҳмлаган Вамбери таржималари юксак бадий савияда бажарилганлиги, немис адабиётининг бойиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлиги билан алоҳида диққатга сазовордир.

«Юсуф билан Аҳмад» хорижий тилларга биринчи марта таржима қилинган асаргина эмас, балки муайян илмий принциплар асосида нашр этилган биринчи ўзбек халқ достони ҳамдир.

Йўлдош НУРМУРОДОВ



«Тановар» ансамбли раққосалари ҳамиша мухлислар олқишига сазовор.

А. Кошкин сурати (ЎзТАГ)



Мен қўлтиқтаёқли бу йигитни гоҳо бекатларда, гоҳо кимлар биландир куйиб-пишиб гаплашаётган пайтларида кўп кўрардим. Бечора йигит, дунёи боумид деганларидай, кун кўриш, тирикчилигини ўтказиш кўйида ўзини ўққа-чўққа уриб юргандир, деган ўйга борган вақтларим ҳам бўлган. Кейинроқ эса, инсонни меҳнат яратди, меҳнат ўздан иссиқ деган ҳикматли гапларнинг қанчалик тўғри эканлигини шу йигит тимсолида кўрдим. Биринчи группа инвалиди экан у. Бу йигитнинг ўрнида бошқа одам бўлганида тўшак тортиб ётиб олармиди? Оладиган 115 сўмига ё қаноат қилмай, ҳар ҳафта ёки ҳар ойда ижтимоий таъминот бўлимнинг қопқасини қарсиллатиб уриб, оиласига моддий ёрдам сўраб юрармиди? Бу йигит эса, ўзининг ишга яроқсиз эканлигини пеш қилиб, бирор жойга боришни ўзининг иззат-нафси учун ор деб билди.

Шундай қилиб бу йигит билан суҳбатлашсангиз, қилаётган ишларини ўз кўзингиз билан кўрсангиз, унинг тоғдай сабр-тоқати, мустақам иродасига, метин қалбига, тинимсиз ҳаракатига, танлаган хайрли йўлига тан берган бўлар эдингиз. Тўрт мучамиз бут бўлатуриб, унинг қилган ишларини биз ҳам қила олсак кошки эди, деб юборганингизни ўзингиз ҳам билмай қолардингиз. Яхшиси, бу йигитнинг қилаётган ишларини кўриш, ўзи билан ҳамсуҳбат бўлиш учун бир келиб кетинг. Адреси: Гулистон шаҳри, 3-микрорайон, Марказий савдо бекати. «Галаба» номли қариялар чойхонаси.

...Худди шу жойда бундан икки-уч йил олдин озиқ-овқат дўкони бўларди. Яроқсиз, деворлари нураб кетган бино. Шаҳарнинг тозалиги, озодлиги билан шуғулланадиган шифокорларнинг, бу ерда яшовчи аҳолининг ҳақли эътирозлари туфайли бу дўкон ёпиб қўйилди. Дўконнинг ўрни шундоқ катта йўлнинг бўйида бўлатуриб бир-бир ярим йилгача кўтсиз, кўнимсиз бўлиб ётди. Кўпнинг кўз ўнгида хароб бўлиб ётган бу жойни обод қилиш Каттабекнинг кўнглидан кечди. Дўпписини ерга қўйиб ўйлаб кўрди, урдасидан чиқармиканман, деб хаёлга толди.

Уйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди. Худо ҳам, таваккалчи бандамдан кўрқаман, деган экан.

Шаҳар ижроия кўмитасининг раиси ҳам, кооператив ҳамда кооперация муассасаларининг мутасаддилари ҳам бошда ҳайрон бўлишди. Узаро маслаҳатлашиб ҳам олишди:

— Узи югуриб-еладиган киши бўлганда бошқа гап эди, ногирон бўлса. Қўлтиқтаёқда юриб иш битиришининг ўзи бўладими?

— Лекин мен у одамни яхши биламан,— деди ўтирганлардан бири.— Ишламаса туролмайди. Тўрт мучаси соппа-соғ, тўқим табиатли, худбин, пулпараст, манфаатпараст

айрим кимсаларнинг боши бу одамнинг оёғи етган ерга етолмайди. Ута ориятли. Бошлаган ишининг охирига етказмай қўймайди.

— У кишини мен кўпдан бери биламан. Борган ерини обод қилади. Касби — технолог-моделер. Маълумоти ҳам ўзига яраша. Янгиердаги иқтисод техникумини тамомлаган,— дейишди Каттабекни таниганлар.

— Шундай бўлса ҳам, ўзи билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашсак. Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Суҳбатлашдилар. Каттабек ҳам кўлидан нима иш келиш-келмаслигини, шарт-шароитларини, шаҳар раҳбарлари томонидан қилинадиган имдод, имтиёзларни бирмабир айтиб ўтди. Ниҳоят, саксон саккизинчи йилнинг феврал ойида Каттабекнинг қўлига шаҳар ижроия кўмитасининг буйруғи теғди.

Энди Каттабек Сотиболдиев бел боғлаб майдонга тушиши, ижрокўмдаги ўртоқларнинг ишончини оқлаши, «Зўри беҳуда миён мешиканад» бўлмаслиги, ерга қараб қолмаслиги керак. У шу ўтган умри мобайнида нима ишлар қилмади; ўгай онанинг не бир тазйиқларига дуч келиб, таъналарини эшитмади, не хорликларни бошидан кечирмади дейсиз. Она табиат уни она меҳридан жуда эрта жудо қилди. Тун бўйи кўрак чувиб, кундуз кунлари аравада ўйма-ўй юриб кўрак тарқатиш, гўзага сув қуйиб култивация ҳайдаш... Биргина қорин тўйдириш қайғусида кимларнинг юзига термулиб қарамади у. Энди қадди-қоматини тиклаб учоворага қўшилдим, деганида қайси бир бемехр, бешафқат, бесавод шифокорнинг қўлига тушиб, бир умр ногирон бўлиб қолди. Тош қаттиқми, бош қаттиқ, дея берилган савол олдида, пешонам ҳам шўр экан, деб ўкиниб, ўксинди...

Ҳаммаси орқада қолиб кетди. Лекин бу қўлтиқтаёқ бир умр ундан ажралмайди, шекилли. Майли, нима бўлса ҳам борлиқ имкониятини ишга солади. Жисмонан қисиб қўйган табиатнинг тоғдай бардош, сабр-тоқат, кенгбағир, тоза юрак, баланд назар бериб қўйганига шукроналар келтиради. Ахир, биргина оиласини бошқара олмай кўпнинг назаридан қолган кишилар орамизда озми?

Бир тажрибали шифокорнинг, Сиз муттасил ҳаракат қилиб туришингиз керак, деб берган маслаҳати унинг қулоғига қўрғошиндай куюлиб қолган. Ҳар соат, ҳар сонияда ўша шифокордан миннатдор бўлиб қўяди. Унинг эндиги қўл ураётган иши эса фақат югуриб-елишни, йўқни йўниб, борни ундиришни тақозо этади. Қурилажак муҳташам бино учун қурилиш ва жиҳозлаш хомашёлари, қувурлари, электр тармоқлари, чорпоя, поёндоз, кўрпача, гилам, қўйинг-чи, чойхона-ошхона учун нимаики керак бўлса бари ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилди. Тонгни шомга, тунни тонгга улаш онлари бошланди.

Кооператив саксон саккизинчи йилнинг айни боғлар болга тўлган пайтида росмана ишга тушди. Шу муносабат билан биз ширкатчини саволга тутдик:

— Чойхона-ошхонага кетган харажат кўп бўлдими?

— Жами бир юз етмиш олти минг сўм. Биз ана шу пулни давлатдан қарз олдик. Маълум муддатда бу қарздан қутулишимиз керак.

— Ниманинг ҳисобига?

— Топган даромадимиз ҳисобига.

— Ширкатчилик ташкилотлари ҳақида эл орасида яхши гапдан кўра ёмон гап кўпроқ. Бунинг боиси?

— Бунинг боиси — қаллоблик. Кўпчилик ҳамкасбларимиз ширкатчилик баҳонасида туяни туки билан ҳазм қилиш йўлларини топиб олдилар.

— Қандай қилиб?

— Ширкатчилик йўл билан ошхона очган киши ҳамма маҳсулотларни ўз қўли билан етиштириши

керак. Масалан, сабзи-пиёзни ўз томорқасида. Сўйиладиган қўй ёки мол ҳам ўзидан чиқиши лозим. Ё бўлмаса аҳолидан бозор нархида сотиб олишлари керак. Бироқ пул турган ерда керак бўлса ўз имони, ўз жонини, танини сотишдан қайтмайдиган ҳамкасбларимиз, биласизми, нима қилишади?

— Нима қилишади?


— Улар гўшти омбор ё музхоналардан сотиб олишади-ю, унга бозор нархини қўйиб, қора қозонни ишга солади. Айтганингиздай, булар бир йил ичида йиғадиганини йиғиб олишади. Бундан омбор билан музхонада ишлаётганлар ҳам манфаатдор. Бошқача айтганда, 1,80 тийинлик қўй гўшти бир думалаб 7 сўмга, 2 сўмлик мол гўшти бир думалаб 5 сўмга айланиб турибди. Икки ўртада ошхоналар билан ресторон, шунингдек, гўшт билан таъминланиб туриладиган муассасаларга бериладиган гўштининг таноби тортилади. Қанчадан-



Ч. АҲМАРОВ. НАОИЙ ШОГИРДЛАРИ ДАВРАСИДА.



# ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ ҚЎЛЛАНМАСИ



Ёзув маданияти — халқ маданиятининг ривожланиш даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Мабодо, тарихий тараққиёт жараёнида бирор халқнинг ёзуви тез-тез ўзгаришга учрадими, ўша халқ-

нинг маданий тараққиётида узилшлар ва беқарорлик ҳолатлари вужудга келди, деяверинг. Ўзбек ёзувининг ҳам жуда қисқа вақт ичида қадимий ёзувдан дастлаб латин алифбосига, сўнгра эса, рус алифбосига зўрма-зўраки ўтказилиши маданиятимизда жуда оғир асорат қолдирди. Халқимиз ўзининг кўп минглик ёзма маданий меросидан тўла баҳраманд бўлолмай қолди. Мутахассис манбашуносларнинг фикрича, биргина ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг китоб хазиналарида сақланаётган нодир қўлёзмаларни ҳозирги мавжуд куч билан ўқиб-ўрганиш учун тўрт минг йил керак бўларкан. Жумҳурият қўлёзмалар институти ҳамда Самарқанд давлат университети кутубхонаси каби ўнлаб маданий муассасаларда сақланаётган дурдона қўлёзмаларни айтмайсизми...

Шу жиҳатдан ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва мазкур қонунга кўра эски ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича туғилган имконият халқимиз кўпдан бери кутган муддао бўлди.

Жумҳурият ҳукуматининг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонунда жумладан шундай дейилади: «Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларда ўқув режасидаги фанлардан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имкониятлар яратилади. Бунинг учун тегишли илмий-педагогик кадрлар ва дарслик ҳамда усулий ўқув қўлланмалари тайёрланади, қадимий ўзбек ёзувида адабий

тарихий ёдгорликлар, китоблар ва журналлар нашр этилади».

Кейинги вақтларда эски ўзбек ёзувини ўрганишга доир қўлланмалар нашр этила бошланди. Шундан бири Раҳмат Бобоқуловнинг 1989 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Эски ўзбек ёзуви» китобидир. Қўлланма эски ўзбек ёзувини мустақил ўрганувчиларга мўлжалланган. Кўпчиликнинг эҳтиёжи ҳисобга олинган бу китобда араб алифбоси асосида эски ўзбек ёзуви ҳарфлари, уларнинг талаффуз хусусиятлари батафсил баён этилган. Шунингдек, қўлланмада ҳарфлар асосида сўз ҳосил қилиш усуллари аниқ тушунтирилган. Рисоланинг иккинчи қисмида қизиқарли ҳикоятлар, ривоятлар эски имлодаги матн тарзида берилган. Китобга филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов масъул муҳаррирлик қилган.



## МЕХНАТКАШ МИКРОБЛАР

Швейцария мамлакатинда ўтган йили тупроқни нефт қолдиқларидан тозалаш лозим бўлган махсус микробларни ишга ту-

ширишга қарор қилинди. Бу тадбирий чора умумий кенглиги 5 минг квадрат метрга тенг бўлган майдонда амалга оширилади. Тахмин қилишларича, мазкур микроблар 1990 йилнинг ёз ойларида тупроқни тозалаш бўладилар.

## 8 МИЛЛИОНГА ТУШИРГАН ТАНГА

Нью-Йорк шаҳри яқинидаги «Индиан пойнт» атом

электр станцияси генераторига қандайдир номаълум сабаб билан 25 цент қимматга эга бўлган танга тушиб қолди. Буни қарангки, Югославияда чиқадиган «Политикан забавник» журналининг хабарига кўра, ўша тангача электр станция генератори ишини бузди ва натижада уни тузатиш учун... саккиз миллион доллар миқдорда маблағ сарфланди.

## ХАВФЛИ ЖАМОА ОРАСИДА

Ўтган йили баҳорда малайзиялик Дастигир Хусайннинг бир рекорди ҳақида айрим газеталар хабар берган эдилар. Чунинчи, ўша одамнинг юзта кўзойнакли илон сақланаётган ихчамгина хонада 16 кун яшагани баён этилган эди. Мана эндиги кунда индонезиялик Томми Полиман Сухарто малай-

зиялик морбоз Дастигир Хусайннинг рекордини чиппака чиқарди. Яъни, у худди ўшандай илонлар жамоаси орасида тўрт тарафи икки метрдан бўлган кичик хонада роппалароса 44 кун ўтирди.

Бу воқеанинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даражадаги ғайритабиий жиҳати шундаки, ўтган 44 кун давомида Томмини 40 марта илон қақиб олибди! Бироқ у ҳар гап фақат ўзига маълум бўлган усул билан муваффақиятли равишда даволанаверибди.

қанча кишиларнинг ризқи қийиладди. Буларни ОБХСС ходимлари билмайди, деб ўйлайсизми? Билишадди. Билишадди-ю... Энди додигизни кимга айтасиз? Кўраясизми, жиноят ҳам, хиёнат ҳам қаердан бошланиб, қаерда тугаяпти? Бизнинг корхонамизда жами ўн беш киши ишлайди. Бири ошпаз бўлса, бири новвой, бири кабобчи бўлса, бири эшмачи, Одилжон Эманов лағмоннинг пири. Бироқ унга таъбдан бермаган экан. Бир неча марта сузган лағмонидан пашша чиқди. Сўнг ёпирилиб келаётган хўрандаларнинг сони кунба-кун камая борди. Кейин унинг ўрнига бошқа кишини олишга мажбур бўлдик. Сомса қилишни Абдуллажон Ножиевга чиқарган. Лекин унинг нафси сал унақароқ экан. Корхонамиз энди ишга тушган кезлари сомсаси қўлма-қўл бўлиб кетди. Кўпчилик буюртма ҳам бера бошлади. Яхшилаб тилга тушиб бўлганидан сўнг «хунари»ни кўрсатишга ўтди. Қўйнинг карт думбаси ўрнига қорамол чарвасини ишлата бошлади. Буни харидорларнинг сийраклаша бошлаганидан билиб қолдик. Дарҳол олдини олдик. Сазойи қилдик. Тавбасига таянди. Гуноҳини бўйнига олди. Ҳозир аввалги мақомига тушиб олди. Раҳим Муллажонов, Юсуф Қодиров, Мирза Турсунов сингари ходимларимизнинг ҳалол хизматларидан жамоамиз ҳам, мижозларимиз ҳам миннатдор. Бизда ош,

шўрва, манти, кабоб сингари МИЛЛИЙ таомлар ҳам тайёрланади. Кейин шўрва билан шўрванинг фарқи бор. Мол гўшти ишлатилган шўрванинг бир косаси бир сўм. Қўй гўшtidан бўлса 1 сўм 32 тиин. Мен кўрган-билган ширкат ошхоналарда эса ҳар иккала шўрва ҳам бир нарҳда — бир ярим сўмдан. Халқимиз — андишали халқ. Сўраб-суриштирмай овқатланиб кетаверишадди. Сўраб-суриштирган кишиларни эса назари пастликда айблайдилар.

— Айтгандай, бир ойлик харажатларингиз? Даромадларингиз? Ишчи-хизматчиларингизнинг иш ҳақлари қанчадан?

— Бу саволингизга жавоб беришга қийналаман. Сабаби, ишимизнинг ўнгидан келиш-келмаслиги, юзимизнинг ёруғ ёхуд шувит бўлиши — ҳамма-ҳаммаси мижозларимизга боғлиқ. Умуман, ўрта ҳисобда, бир ойлик харажати-миз — саккиз минг сўм. Агар келиб-кетувчилар сони кун сайин кўпайиб борса, бу белгиланган пул камлик қилади. Камайиб боргудай бўлса, кўплик қилади. Ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари ҳам шунга қараб ўзгариб туради. Ҳозирча ҳар бир киши ўрта ҳисобда 180—200 сўм атрофида маош олмақда. Ҳар ким меҳнатига яраша, ҳар ким қобилиятига яраша, деган гап бизнинг корхона ишчи-хизматчиларига жуда мос тушади. Ойликлари кам бўлса ўзларидан

хафа бўлишадди. Кўп бўлса ўз меҳнатлари, ўз дилкашликларидан шодмон бўлишадди.

— Ҳали кўп кишилар (асосан деҳқонлар) кооперация ҳамда ширкат деган сўзларнинг маъносига унчалик тушунмайди. Шунини шарҳлаб берсангиз.

— Пайчиларнинг оммавий савдо-сотиқ бирлашмаси деярлик ҳамма маҳсулотни (сабзи, пиёз, картошка, нўхат, олма, анор, гўшт ва ҳоказоларни) одамлардан ё бозордан сотиб олиб муомалага киритади. Сўнг транспорт ҳамда ишчи кучларига кетган харажатларни устига қўйиб бозор баҳосида аҳолига сотади. Ширкат эса юқорида қайд қилинган маҳсулотларни ўзи етиштириб дўконга олиб чиқади. Масалан, дурадгор дераза ромлари, эшик ясайди. Истаган одам уйдан олиб кетади. Ё ўша ясаган нарсаларини бозорга олиб чиқади. Дурадгорнинг иши пишиқ, пухта, мустаҳкам бўлса харидори кўпайгандан кўпаяди. Қўл учиди қилса, бозори касодга учрайди. Ҳам меҳнатига, ҳам ясаган хомашёсига кўйиб қолаверади. Ширкатчиларнинг иши ҳам худди шунинг ўзи. Ҳақиқатан ҳам харидор-мижозни бир марта лақиллатиш мумкин, унга икки марта панд бериш мумкин. Бора-бора ўзига қийин бўлиб қолади. Биргина бу эмас — бирники мингга, мингники туманга, деганга ўхшаб ширкатчилар устидан ҳам жиддий бир назорат ўрнатилмас

экан, бу корхоналардан ҳадемай эл-улуснинг юз ўгириб, ҳафсаласи пир бўлиши аниқ.

Биз Каттабекни ногирон дедик. Буни у кўнглига олмайди. Унинг иши билан гапи бир. У минбар тегиб қолгудай бўлса, сип-сиплиқ гапириб, минбардан тушиши билан қинғир ишларга қўл урмайди, айрим кишилар учун айрим кимсалар қўлтиқтаёқлик вазифасини бажаради. Каттабекнинг ўз қўлтиқтаёғи бор. Унинг ўзи ногирон бўлгани билан қалби ногирон эмас. У ана шу билан фахрланади. Эл-улуснинг хизматига тутинганига шукрона келтиради. У бу ишга мол-дунё орттириш учун, шуҳрат учун қўл ургани йўқ. У хайрли ишга қўл урди. Шунинг учун ҳам у бошқариб бораётган кооператив чойхона-ошхона ҳаммиша одамлар билан гавжум. У ана шу билан фахрланади. Ёстиқдоши Табассумбегим иккаласи бирдан олдин, бирдан кейин бўлиб яшаётганларига, эрта-индин тоғдай таянч бўлиб, оғирларини енгил қиладиган фарзандлари эл қаторига қўшилиб, дадажон, энди навбат бизга, деб қўлларидан-қўлтиқларидан суяб чинакам қўлтиқтаёқ бўлишларини кўз ўнгиларига келтириб кўнгиллари тўқ, қайғуларини йўқ.

Тўра СУЛАЙМОН

Сирдарё



«Қизнинг бўрсилдоққина лаблари табассум сари югуриб кетди».

(Ҳаваскор қаламкашнинг ҳикоясидан).

«Мактабнинг спорт майдонини буздириб, тарвуз, қовоқ, жўхори экирдганим рост. Болалар копток тегиб, бекорга вақт ўтказганидан

кўра, тарвуз, қовоқ кўтарса, жисмоний томондан чиниқади-ку!?»  
(Колхоз раисининг важи).

«Бор кучимни йиғиб, Тешанинг бошини иккита қилдим, энди навбат Болтага».

(Бир қариянинг қўшнисига деганлари).

Фарғона

М. ТОШБОВ



## ЛАТИФАЛАР

— Насриддин почча, эшитдингизми, Пошшоҳон яллаганинг кизи «учар ликопча» даги келгинди билан қочиб кетибди.

— Зарари йўқ, ўзи ҳам учар кизлардан эди, — деди Афанди бепарво.

\* \* \*

Олифта йигит кўчада кетаётган кизга шилқимлик қилди:

— Яхши қиз, отингиз Юлдузхон экан, атрофингизда Ер Йўлдошидек айлансам майлими?

— Юлдузхоннинг умр йўлдоши бор, тўқнашиб, портлаб кетманг яна, — деб хитоб қилди Афанди.

## ЛОФ

Қўлга тушган олибсотар лофчи ҳасрат қилиб қолди:

— Орол ёнидаги Мўйноқ шаҳрига олти қоп туз олиб борган эдим, одамлар: «Дененг совма, шўр пешона!» деб роса калака қилишди.

Узоқ шаҳарларга мева олиб бориб сотиб, мазахўрак бўлиб қолган «ҳожатбарор» лофчи ҳўнграб йиғлаб юборди:

— Во дариг, мен манглайи қора ҳам Антарктидага сотиш учун икки вагон қор олиб борган эдим, оқ айиқлар нақ Сирдарёгача қувиб келишди!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

## ИТФЕЪЛ

(Шунақаси ҳам бўлади)

Шундай қилиб, мўъжазгина хонада биз беш кишимиз, нафасларимиз бир-биримизга теккудай бўлиб ётамиз. Шерикларимдан бири инженер, бири тиш доктори, бири шофёр, бири эса ишчи эди. Ҳар биттаси ўзича бемор, ўзига хос бир дунё. Бир хонада ётганимиздан кейин, табиийки, бир-биримиз билан танишиб олдик, муолажалардан бўш пайтларимизда у-бу тўғрисида гаплашиб турадим.

Фақат бир бурчакда ётган йигит эса бутунлай бошқача олам. Унинг ҳамма нарсага ҳукми-қарши бирдай: врачларнинг ҳаммаси юлғич, «бунақаларни отиш керак», одамларнинг ҳаммаси ўғри — битта қўймай «тиқиш» керак. Кимки зиёли бўлса — текинхўр, ҳаммасини «ҳайдаш» керак ва ҳоказо. Унинг касали анча оғир, кечалари билан алаҳлаб чиқади, игна санчаётган ҳамшира сал ҳаялласса бўралаб сўкади, у дори — ундай, бу дори — бундай, докторлар ҳеч нарсани

билмайди, деб гўлдиллагани-гўлдиллаган. Ҳамма нарсага бурни тикади, ҳаммаёққа хўжайин. Яна адабиёт, санъат тўғрисида ҳам гап сотиб қўяди, унга ёқмаган нарсаларнинг ҳаммаси «ерунда». Унинг қилиқларини кўриб туриб, Михаил Булгаковнинг «Ит юраги» асаридаги Шариков эсга тушади. Ёдингизда бўлса керак, бир жарроҳ тажриба учун итнинг миясини очиб, одамнинг ўстирувчи безини солиб қўяди, натижада турки одаму, аслида ит бир маҳлуқ пайдо бўлади, кейин у жарроҳнинг бошига итнинг кунини солади. Уша Шариков ҳам фақат ўз манфаати кўзи етган жойгача кўради холос, уёғи бекор. Фақат ўзининг ақли етган нарсасига фойдали, уёғи зарарли. Худди шунақалар йигирманчи йилларда чарм камзул кийиб олиб, ёнбошига тўппонча осиб, уйма-уй юриб сал бошқача фикрловчи кишиларни «сен контраман», деб қийратган, ўттизинчи йилларда битта ҳўкизию беш-ўн таноб ери бор одамларни бола-чақасининг кўз ёшини оқизиб «қулоқ» қилган, ўттиз еттинчи йилларда шунақалардан учтаси йиғилиб, учраган бегуноҳни ўлимга буюраверган... Ана шунақалар қанчадан-қанча ноёб китобларга, қўлёзмаларга ўт қўйган, олим у фузалоларнинг бошига етган. Ана шунақалар амал курсисига ўти-

риб олиб одамлар тақдирини ҳал қилган, денгизларни қуритган, еру самони заҳарлаган, минбарлардан туриб гап сотган, қарсақбозлик билан ҳар бир бўлар-бўлмас гапни «яқдиллик билан» маъқуллаган... Ана шунақаларнинг касридан шундай бой, улў мамлакатимиз хароб, халқ чала тўқ, ўтмишимиздаги кўз кўриб-қулоқ эшитмаган даҳшатли воқеалардан олам-жаҳон ҳангуманг. Бундай жоҳил, бурнининг учидан нарини кўрмайдиган, ўз халқининг тарихи тугул тугқан онасини ҳам танимайдиганлар ҳамма халқда ҳам бемалол топилади. Бундақалар ҳалиям отдан тушсаям эгардан тушмайди, ҳалиям фақат ўз бўйига қараб тўн бичади, бошқанинг яланғоч қолгани билан зигирча иши йўқ. Унга халқ дардидан сўз очсангиз, шу заҳотиёқ оғзингизга уришга тайёр... Тўғри, ҳаётда виждонли, олижаноб, билимдонлари кўп, лекин минг афсуски, бунақа итфеъл одамлар ҳам етарлича топилади.

Хўш, кейин нима бўлди, деб сўрарсиз. Нима бўларди, «юлғич» шифокорлар «ҳалол» йигитни даволаб, оёққа турғизишди, у яна ўз ишларини давом эттиргани кетди.

Ҳа, унақаларнинг жони қаттиқ бўлади сабил.

## ҒУРБАТИЛЛО

Интермедия

**СОЛИЖОН.** Ассалому алайкум, Ғурбатилло ака, тан-жонингиз соғми? Чарчамай ишлаб юрибсизми? Бола-чақалар омонми?

**ҒУРБАТИЛЛО** (Истар-истамас қўл узатади). Соғлигим билан нима ишинг бор? Касал бўлсам тузатармидинг? Мана (оғзини очиб), манови жағ тишим ўн кундан бери оғрийди, даволай оласанми? Биқиним кечалари санчиб азоб беради, тузата оласанми?

**СОЛИЖОН.** Кечирасиз, мен... Мен одамгарчилик юзасидан сўраяпман.

**ҒУРБАТИЛЛО.** Йўқ, сенлар менинг соғ-омон, тинч юришимни кўролмайсизлар! Агар касал бўлсам, хурсанд бўласанлар. Жўрттага ўсмоқчилаб сўраётганингни биламан.

**СОЛИЖОН.** Йўғ-е, нималар деяпсиз, ака, наҳотки шундай деб ўйласангиз? Анов кун прокуратура олдида кўрдим сизни, ўшанга сўровдим.

**ҒУРБАТИЛЛО.** Ана айтмадимми, сенлар менинг бошимга ташвиш тушса, хурсанд бўласанлар, деб. Уғлимнинг иши жойида эмас. Бўлдими? Кўнглинг тўлдими?

**СОЛИЖОН.** Мен сиздан ҳолаҳвол сўрадим, тинчликмикан, деб.

**ҒУРБАТИЛЛО.** Сенларнинг ниятинг бузуқлигини биламан. Ёрдам берасанми? Мана, мана, ўлдим. Қани, ёрдам бер-чи. (Ҳушсиз йиқилади. Йигит уни ушлаб қолади).

**СОЛИЖОН.** Тавба, одамгарчилик юзасидан салом-алик қилиб

балого қолдим-ку. Энди нима қилсам экан-а? Яқин орада телефон бормикан...

**ҒУРБАТИЛЛО** (Ўзини ўнглаб олади). Ана, айтмадимми, ўлигим устида ивго бошладинг-у, сендан яхшилик чиқадими?

**СОЛИЖОН** (ҳайрон бўлиб). Хайрият-ей, сизга бирор нима бўлди шекилли, деб қўрқиб кетибман. Э, қўйинг-ей... (Чиқиб кетади).

Орадан бир ҳафта ўтади. Солижон юзини тескари буриб, салом ҳам бермай ўта бошлайди.

**ҒУРБАТИЛЛО.** Ҳой, йигитча! Катталарга ҳурмат шуми? Қани салом? Қани ҳолаҳвол сўраш?

**СОЛИЖОН** (ноилож тўхтаб кўришади). Аввалги гал салом бериб, балого қолганим. Сизга учрашишга ҳам қўрқиб қолдим.

**ҒУРБАТИЛЛО.** Бир ҳафта касалхонада шамоллаб ётдим. Бир инсон хабар олай демади-я. Мен айтувдим, бошим ёстиққа тегса, одамлар хурсанд бўлади, деб. Мана, энди соппа-соғман.

**СОЛИЖОН.** Сизни яхши даволашмаган кўринади. Одамларнинг кўнглини қачонгача хира қиласиз? Маҳалладошларингиз билиб отингизни Ғурбатилло қўйишган экан (чиқиб кетади).

**ҒУРБАТИЛЛО.** Нима? Ғурбатилло дедими? Шошма, бу гапинг учун сени шу касалга йўлиқтирмасам, отимни бошқа қўяман. Тўхта! Тўхта, дейман!..

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ

Ленинобод вилояти



علي شير نوايي حکمت ليرين

АЛИШЕР НАВОИЙ  
ҲИҚМАТЛАРИДАН

باشنى فدا قىلغىل اتا باشىغه  
جىمىنى قىل صدقه انا قاشىغه  
تون و كۆنۈنگە ايلگالى نور فاش  
بىرىسىن آي انگلا بىرىشىن قوياش

Бошни фидо қилғил ато бошига,  
Жисми қил садқа ано қошига.  
Тун-кунингга айлагали нур фаш,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

\* \* \*

بى فايده سوزنى كۆپ ايتما  
فايده ليق سوزنى كۆپ ايشيتوردىن قايتما

Бифойда сўзни кўп айтма,  
Фойдали сўзни кўп эшутурдин қайтма.

\* \* \*

چىن سوزنى يالغانغا چولغام  
چىن ايتالور تىلنى يالغانغا بولغما

Чин сўзни ёлгонга чулғам,  
Чин айта олур тилни ёлгонга булғам.

\* \* \*

چىن سوز معتبر يخشى سوز مختصر

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

\* \* \*

اير كيشىگا زىب و زىنت حكمت و دانشدور

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.

\* \* \*

حق يولىندا كيم سينگا بىر حرف اوقوتتى زنج اىلا  
ايلامك آسان ايعاس حقين ادا مينگ گنج اىلا


Ҳақ йўлинда ким сенга ҳарф ўқитди ранж  
ила,  
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж  
ила.

\* \* \*

اگر قىلمادى ايل حمايت سنگا  
اوزىنگدىن كىراكدور شكاييت سنگا

Агар қилмади эл ҳимоят санга,  
Ўзингдан керакдир шикоят санга.

Машқ муаллифи:  
Ҳамид АБДУЛЛАЖОНОВ



**ЭНИГА:** 5. Хоразм вилоятидаги ноҳия. 6. Марказий Америкадаги давлат. 8. При-  
морье ва Хабаровск ўлкаларидаги дарё. 9. Ҳажвий кино журнал. 10. Миллий таом.  
13. Шаҳар электр темир йўли. 14. Халқ кўшиқларида бири. 16. Бирор нарсанинг  
асосини ташкил этган омил, асос. 17. Урта аср Шарқидаги биринчи тарихчи аёл,  
«Хумоюннома» асари муаллифи. 20. Кўшиқ тури. 21. Бирор ишни бажариш учун  
белгиланган қурол. 23. Умрбоқий дарахт. 26. Ем-хашак тайёрланадиган бир  
йиллик, шўрадошларга мансуб ўсимлик. 27. Яқин Шарқдаги мамлакат. 28. Баъзи  
ўсимлик донини ўраб турувчи қисми. 29. Нок меваси тури. 30. Ўзбек халқ достони.

**БУИГА:** 1. Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимида яшаган қадимий қабилалардан бири. 2. Вақт ўлчови бирлиги. 3. Меваси хуштаъм, баргидан тола олинадиган жануб ўсимлиги. 4. X асрда яшаган Урта Осиёлик тарихчи, «Бухоро тарихи» асари муаллифи. 7. Фикр, мулоҳазани исботловчи гувоҳ. 11. Ёғочи ўймакорликда ишлатиладиган дуккакли дарахт. 12. Отнинг бошқа гап бўлақларига муносабатини кўрсатувчи тил тушунчаси. 14. Нидерландиядаги шаҳар. 15. Миллий, торли мусиқа асбоби. 18. Хитойнинг шимоли-шарқий қисмининг қадимий номи. 19. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган кўшиқ. 22. Ўзбек классик шоири ва олими. 24. Таассурот, эсдалик. 25. Саудия Арабистонидаги шаҳар.

Тузувчи: **Фозилкон ОРИПОВ**

**1-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ**

**ЭНИГА:** 3. «Саёҳатнома». 6. Муболаға. 7. Шакарпаз. 10. Расадхона. 14. Еронул. 17. Бўтакўз. 18. Варахша. 19. Алмай. 20. Морхўр. 24. Коваток. 25. Қорақуя. 26. Карбало. 29. Жарроҳлик. 30. Ҳазорасп. 31. Муҳаббат. 32. Ўзбекистон.

**БУИГА:** 1. «Ҳапалак». 2. Вобкент. 4. Куйганёр. 5. Калахари. 8. Адолат. 9. Доруссалом. 11. Буқаламун. 12. Бўзтўрғай. 13. Кўлвор илон. 15. Вавилов. 16. Ашхобод. 21. Олакўзан. 22. Тарлон. 23. Забаржад. 27. Татаббу. 28. Сиёҳдон.

**МУҚОВАДА:**

**Биринчи бет:**

«Навоий алломалар даврасида». 1494—1495 йил.  
Ҳирот. Беҳзод мактаби.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Труд», «Сельская жизнь» газеталаридан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 19.12.89. Босишга рухсат этилди 19.01.90 й. Р-04038. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 142459. Буюртма № 2247. А-127. Ваҳоси 35 т. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент — П, «Правда» кўчаси, 41.





Зомин заминидаги миллий боғ ўзининг такрорланмас гўзаллиги билан мафтункор.

А. Губенко олган сурат



Жониворларга шафқатли бўлинг!

В. Клепко олган сурат.





Баҳоси 35 тийин.  
Индекс 75233.



Яхоб суви бераётган сувчи.  
Зомин миллий боғи.

А. Губенко суратлари

